

Р 496
1985/10

ГМК 70

ГУЛИСТОН
10
1985

ЭНС
№3






Фан-техника тараққийтини жадаллаштириш инженер-техник ва илмий кадрлар билан боғлиқ вужудга келган вазиятни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Илмий ва инженерлик меҳнатининг жамоатчилик томонидан эътироф этилишини ошириш, унда ижодий ташаббусларни кучайтириш, кам одам билан ишлар сифатли бажарилишини рағбатлантириш ва шу асосда уларга ҳақ тўлаш даражасини ошириш тадбирларини ўйлаб топиш зарур. Фан-техника тараққийтининг бутун боришига партиявий таъсирни кучайтиришимиз, унинг ҳал қилувчи соҳаларида партия кадрларини мустақкамлашимиз керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

МАШИНА ЮРАГИ ВА ДЕҲҚОН ТИЛАГИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИДАН РЕПОРТАЖ



Тоғу тошлардан баҳра ва қудрат олган Чирчиқ дарёси азим шаҳар Тошкент биқинидаги «Роҳат» кўлига яқинлашган сари шундай айқириб оқадики, бу манзарани дарёнинг ҳар икки соҳилида бораётган улкан бунёдкорлик ишларига қиёслаш мумкин. Ҳа, дарёнинг иккала соҳилида замонамиз суръатига хос беқиёс яратувчилик ишлари олиб борилаёпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ чап соҳилда мотор заводи гуриллаб ишлаб турибди, дарёнинг ўнг соҳилида эса корхонанинг

иккинчи навбатига тегишли мўъжизакор цех ва участкалар барпо этилмоқда.

Экономикани, жумладан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда машинасозлик қудратли аҳамиятга эга. Бу ҳақда шу йил июль ойида фан-техника тараққийтини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган республика партия-хўжалик активининг ййгилишида жиддий гапирилди. «Кўпгина машиналарнинг техникавий даражаси ва сифати хусусида жуда жиддий таъналар айтилмоқда, — деб таъкидланди ййгилишда. — Пахтакорлар 100 от кучига эга бўлган янги тракторга кўндан мунтазир бўлиб турибдилар, аммо Тошкент трактор заводида уни кўплаб ишлаб чиқариш пайсалга солинмоқда».

Гап 100 от кучига эга трактор ҳақида бораёпти. Тракторга ўзига хос — 100 от кучли мотор зарур. Муаммо ана шунда. Бу муаммо назарий жиҳатдан ҳал қилинган. Лекин масаланинг амалий жиҳати қийинчилик туғдираяпти. Ҳа, нима гап? Гап шундаки, тегишли мутасадди ташкилотлар деҳқонлар қачонлардан бунён эхтиёл сезаётган қудратли тракторларни ишлаб чиқариш тадбирларини белгилаб олдилар. Тошкент трактор заводи таъмирланаётир. Бу ерда тайёрланадиган кучли тракторларнинг моторини Минскдан келтириш режалари тузилди. Кейинчалик, шундай моторларни Тошкентнинг ўзида ишлаб чиқариш гоёси илгари сурилди. Гоё амалиётга айланди. Республика пойтахтида жой танланди. Дарёнинг икки соҳилида мотор заводи қуришга киришилди.

Вазифа долзарб эди. Мотор заводи қурилишини тезлаштириш масаласи кўндаланг қилиб кўйилди. Корхонани дарёнинг икки соҳилига жойлаштириш мўлжалланди. Чап соҳилдаги корпусларини бунёд этиш жадаллаштириб юборилди. Қишлоқ хўжалигининг, энг аввало пахтачиликнинг бугунги тараққийти шунга талаб этарди. Заводнинг дастлабки навбатини қуриш ва тезроқ мотор ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан партия топшириғини адо этишга ишчи ва мутахассислар гайрат билан киришдилар. Ҳозир завод мотор ишлаб чиқара бошлади. Бу — катта воқеа!



— Яна нима гаплар бор?
— Малака ошираётган кадрларимиз қалай?

— Қалай эмас, олтин! Бўладиган ййигитларни юборибсизлар. Яхши ўрганишяпти. Бирор ҳафтада бағриларингиз тўлиб қолади. Бизга ишонаверинг...

Икки директорнинг телефон орқали олиб борган ушбу суҳбати кўп нарсадан далолат бериб турарди. Аввало, суҳбатнинг очиқ ва самимийлиги, сўнгра унда кадрдонлик ҳисси уфуриб турганлиги диққатимизни тортиди. — Шериклар билан гаплашдингиз чоғи? — деб сўрадик телефон трубкасини аста жойлаштириб кўйиб, гаплашиб ўтирган столимизга яқинлашган завод директори Абдумўмин Бўриевичдан.

— Шундай. Ҳар куни бир-икки марта кўнғироқлашиб турамаиз. Телефон ҳам ярим дийдор экан. Учрашавериб, гаплашавериб кадрдон бўлиб кетганмиз. Дарҳақиқат, улар бизга катта ёрдам кўрсатишяпти. Ука ўзини ўнглаб олгунча оға кўмаклашса, шунчалик кўмаклашади-да...

Абдумўмин Бўриев дўстлик алоқалари, белоруссиялик оғайниларнинг мадади ҳақида анча гапирди.

... — Дарҳақиқат, Минск мотор заводи Тошкент заводини тиклашда оталиқ қилаёпти. Иш ўрганиш, малака ошириш учун юборилган кадрларнинг димоғи чоғ, эпчил, иши сифатли. Заводни ҳозир ўшалар юргизишяпти. Етакчи мутахассисларимиз ҳам улардан маҳорат ўрганиб келишяпти.

Корхона ускуналарини ўрнатишда моторсоз дўстларимиз кўрсатган жонбозликни айтмайсизми! Вақт билан ҳисоблашимизди. Садоқат ва масъулият билан ишлашди. Ўрнатилган, монтаж қилинган машина-ускуналар мудом ишлашига кўзлари етмагунча Тошкентдан жилишмади. Қанча-қанча амалий маслаҳатлар беришди, кадрларимизни янги технологияни ўзлаштиришга обдон қизиқтириб кетишди. Ҳозир завод мотор деталларини ўзлаштиришнинг зарур нарсаларини вақтида етказиб беришнинг қафи-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий - сиёсий,
адабий - бадий журнали

№ 10 (428)
Октябрь
1985

ЭКО
№3

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ҚАДРДОНЛАР МАДАДИ

— Минскданми?
— Ҳа, худди шундай! Мотор заводининг директоринан...
— Сизга мингдан-минг раҳмат. Юборган деталларингизни вақтида олдик.

лини олишиди. Бу кафолат — қийин паллада дўстини суяш анъанасининг амалий ифодаси.

Завод қурилишида, уни ишга туширишда, ускуналар билан таъминлашда, кадрлар юбориш орқали ёрдам кўрсатишда, лойиҳаларни амалга оширишда биз билан ҳамкорлик қилаётганлар озмунчами! Москва мураккаб ускуналар юбораяпти. Новосибирскдан соловчилар келган. Томск заводи уста мутахассисларини жўнатди. Андижон машинасозларидан бир қанчаси тошкентлик бўлиб қолди...

Белоруссия... Бу ҳусусда бафуржа сўзлаш лозим.

— Яхшиси, бу ҳақда Эдуард Семёнович айтгани маъқул, — деди Абдумўмин Бўриев боёндан бери ёнимизда жимгина ўтирган корхона бош инженери Барковскийга ишора қилиб.

— Минск мотор заводиди цех бошлиғи эдим, — деди Эдуард Семёнович. — Сизларда айтилганидек, «нон-насиба» экан, серкуёш ўлка фарзанди бўлиб қолдим. Оиламни кўчириб келдим. Уй-жойи бўлдим. Дўстлар орттирдим. Дилкаш одамлар экан бу ерликлар... Қўярда-қўймай завод бош инженери қилиб тайинлашди. Минсклик дўстларим бунга эшитиб кўп хурсанд бўлишди, хатлар йўллашмоқда, табрик телеграммалари юборишди. Лекин инженер одам бош инженер бўлгач, масъулияти ортиб кетаркан. Қўл остиндагилар ижро интизоми талабларига риоя қилиб турса, иш юришаверади экан. Ҳали олдинда катта ишлар турибди. Бу ердаги ишчи ва мутахассислар билан мотор ишлаб чиқаришига эмас, тоғни талқон қилиб юборса ҳам бўлади. Бир двигатель учун 450—470 хил деталь ишлатилади. Ҳозир шу деталларнинг 300 хилини Минск моторсозлари етказиб беришапти. 150 хилдан кўпрогини тошкентликларнинг ўзлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришяпти...

... Қаторда дўсти бўлганинг юки ерда қолмайди, мушқули енгилашади.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Арғамчи қанча юк кўтара олади? Бу саволнинг моторга нима алоқаси бор, дерсиз? Бўлганда қандоқ! Дехқон тракторининг қудратини ошириш, дехқончиликни яна ҳам ривожлантириш учун янги моторга зориқиб турибди. Унга мустаҳкам ва кучли мотор зарур. Моторга эса бир-иккита ёки беш-ўн та эмас, балки 450—470 деталь талаб қилинади. Биттаси кам бўлса ҳам ишламайди.

— Шундай деталларнинг биринчиси тайёрлаб чиқарила бошланди, — деб хикоя қилади йигувчи-слесарь Қурбон Умрзоқов. —

Бу дастлабки 100 от кучига эга мотор деталини Тошкент мотор заводи ишлаб чиқаришга киришганидан буён бир йил ўтди. Ушандан бери малакамиз ортди, тегишли кўникма ҳосил қилдик. Биз республика машинасозлиги янги тармоғининг биринчи малакали ишчилари бўлганимиз билан фахрланамиз.

Қурбон Умрзоқов билан йигув цехини айланамиз. Қўзани толқитирмайди раанга бўялган дастгоҳларга яқинлашамиз. Машинасозлар таъбири билан айтганда, бу ер — деталлар тайёрлаш маркази. Қатор дастгоҳлар сокин ишлаб турибди. Ишчи Ҳамид Зариповнинг таъкидлашича, бу ерда одамлар кам кўринишининг сабаби бор. Марказ эгчил автоматлашган системалардан иборат. Дастгоҳлар рақамли программа билан бошқарилади. Бу ердагиларни ишчи эмас, операторлар дейишади. Дастгоҳлар Москвадаги «Красный пролетарий» дастгоҳсозлик заводида тайёрланган.

Дастгоҳ дейишга ҳам ақл бовар қилмайди. Бамисоли бир мўъжиза. Уларнинг иши пулт орқали бошқарилади. Ўзтибор қилинган: телевизион экранда тайёрланаётган деталнинг ҳажмию шакл ўлчамлари акс этади. Сезгир тугмача босилши билан деталь тайёрлаш жараёни шаклланади.

Эслатма: рақамли программа билан бошқариладиган бу дастгоҳлар перфокарта имкониятларига қараб чекланмаган турдаги деталларни тайёрлаб чиқаришга ихтисослашган. Буюртма берилса бас, «айтганингиз»ни «ижро» этаверади. Бунда деталларнинг катта-кичиклиги ҳисобга олинади, ҳолос.

Ўрта махсус маълумот олиб, дастлабки меҳнат фаолиятини шу ерда бошлаган Михаил Дербасов оператор бўлиб ишлади. У шундай деди:

— Бошқа корхонада ишлаётган ҳамкасбимнинг айтишича, бизга маза. Дастгоҳ эмас, ақли бир мавжудот, дейсиз. Мутахассислар билан келишилган буюртмани рақамлар воситасида перфокартага тушириб, тугмачани боссақ тамом — иш кетаверади. Лекин масъулияти оз эмас: дастгоҳнинг ишини жуда зийрак туриб назорат қилиш талаб этилади. Оператор аниқ ҳаракатларни ҳушёр кузатса, назорат қилса, брак жуда камаяди, унумдорлик ўсади. Иқтисодий самарадорлиги жуда юқори. Айтайлик, 20 хил деталь тайёрлаш керак. Албатта, унинг ҳажми, шакли ва бошқа жиҳатлари назарда тутилади. Шундай бўлса ҳам 20 хил детални ишлаб чиқаришга 20 та дастгоҳ ва яна 20 ишчи банд бўларди. Бизда эса бу ишни ягона оператор худдалайди. Қийёслаб кўраверишингиз мумкин.

Ҳар бир деталь — мотор учун мустаҳкам-

ловчи зарур восита. «Арғамчига қил қувват» деб шунга айтишса керак.

БАҚУВВАТ ЮРАК

Тетапоя давр ортада қолди. Корxonанинг кун сайин қудрати ошиб бораёпти. Ишчи ва мутахассислар зарур даражада малакали бўлиб қолишди. Улар дехқонлар олдидаги иттифоқчилик бурчларини дадил бажара бошладилар. Пахтакор оранкиб кутган қудратли мотор ишлаб чиқариш муддатидан илгари ўзлаштирилди.

«ТМЗ» — Тошкент мотор заводи таъғаси босилган 80 от кучига эга моторларни «Д-240» белгиси билан қўллаб ишлаб чиқаришга киришилди. Ундан ҳам қудратлироқ — 100 от кучига эга моторларнинг эса дастлабки нусхалари яратилди. Пахтакорнинг муроди ҳосил бўлди. Қишлоқ хўжалиги, унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни жадал ривожлантириш соҳасида олға томон яна бир дадил қадам ташланди. Бу эса пахтачиликни комплекс механизмлаш юзасидан партия олға сураётган талабини адо этиш соҳасида қўлга киритилган катта муваффақиятдир.

Шу тариқа Ўзбекистондагина эмас, Ўрта Осиёда машинасозликнинг шу вақтгача бўлмаган янги тармоғи — моторсозлик вужудга келди. Етакчи мутахассисларнинг далолат беришича, ишлаб чиқариш ўзлаштирилган моторларнинг техникавий даражаси мукамал. Лекин завод мудом имтиҳондан ўтапти. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини муттасил такомиллаштириб бориш зарурати кун тартибда турибди. Фантехника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда уқтирилганидек, «маҳсулотнинг сифати касб-кор гуруҳининггина эмас, шу билан бирга миллий ифтихор кўрсаткичи ҳам бўлиб қолиши лозим».

Ҳозирча мотор учун асосий деталларни Минск етказиб бераёпти. Яна шунга айтиш мумкинки, механика ҳецида рақамли бошқариладиган дастгоҳлар қўпайиб бориши натижасида мотор тобора «тошкентлик» бўлиб бормоқда. Ҳар кун янги бир детални тайёрлаш ўзлаштириляпти. Шу йўл билан узоқдан келтирилган деталларга кун сайин эҳтиёж камайиб бораёпти.

Ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш оидин йўлга тушириб олинди. Пресслаш-пайвандлаш участкалари кучли қурилмаларнинг янги авлоди билан тўлиб бораёпти. Яқин вақт ичида роботлашган ускуналар ҳам моторсозликнинг қудратли қанотиға айланади.

Янги моторлар! Бу — «Уроқ ва Болға» иттифоқи анъаналарига садоқат белгиси. Ишчию инженерлар муборак меҳнатининг дехқон хизматиға мотор тарзида беминнат ҳавола этилишининг моддий ифодаси! «ТМЗ» тамғали тракторлар пахтазорлар оралаб жавлон урса, гўза қатор ораларини ишлаш тезлашади, ҳосил машиналар ёрдамида тез ва тоза йиғиштириб олинади, агротехника даражаси такомиллашади. Пировадида юксак сифатли, азон пахта етиштириш имкониятлари яратилади.

Мотор — машина учун юрак. Мана энди 80 ва 100 от кучига эга қудратли мотор — бақувват «юрак» пахтакор хизматида.

* * *

Чирчиқнинг ўнг соҳилида корxonанинг навбатдаги участкалари объектларини тиклаш жадал суръатлар билан бормоқда. Завод коллективи ва уни барпо этаётган қурувчи ва монтажчилар — журналнинг ушбу сони муқовасининг биринчи бети, шунингдек, зарварақларидаги рангли фотосуратларда акс эттирилган меҳнат илгорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини катта зафарлар билан нишонлаш ҳаракатида меҳнат қилмоқдалар.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
СССР Журналистлар союзи
муқофоти лауреати

Пойтахт областининг Калинин районида жойлашган Ўзбекистон Колхозлар қурилиши бирлашмаси тажриба-экспериментал заводи илгор ишчилари — электрпайвандчилар Анатолий Козловский ва Виктор Кодяков.

В. Величкин фотоси (ЎзТАГ)



ОНА ЕР ФАРЗАНДИ

СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ ИСОМИДДИН АРАБОВ ҲАҚИДА

ДАРҲАҚИҚАТ, ҳаммаси ота ўйлаганидек бўлиб чиқди. Обком секретари қаёққадир шошилиб турган экан. Лекин шошилганини Исомиддин отага сездирмади. Отани кучоқ очиб кутиб олди, юмшоқ креслога ўтқазиб, бир пиёла чай тутди, меҳр билан ҳол-ахвол сўради:

— Соғлиқ жойидами, бардаммисиз? Қандай дам олаёсиз?

— Шукур. Яхшиман. Бу йил қиш каттиқ келадиган бўлди-да. Қор ёғишини қаранг, — ота деразага ишора қилди. Обком секретари отанинг фикрini тасдиқлаб, асосий мақсадга кўчди:

— Бир ой дам олиб келасизми, яхши жойга путёвка бор экан. Нима дейсиз?

— Йўқ, боролмайман. Ишим кўп, — ота овозини баландлатиб жавоб қилди. — Менинг курортим мана шу даштда, биласиз-у. — Дашт ҳам дам олаёпти ҳозир, — секретарь отанинг кўнглини ёмоқчи бўлди.

— Йў-ўқ, Даштни дам олдиригани кўймайман. Утган йили ўзингиз кўрдингиз. Тош устига чигит эқдик. Емон ишламадик. Ҳосилни ўн етти центнерга аранг етказдик.

— Жуда катта иш бўлди, — секретарь отанинг фикрini бўлди, — биринчи йили шунча ҳосил олиш ҳазилкам ишми?

— Мен, — ота сўзида давом этди, — бу йилнинг ташвишида келдим. Ҳозир иш қилмасам, ҳосилни 20—25 центнердан оширолмаймиз. Бу менинг номимга тўғри келмайди...

— Хўш-хўш.
— Шу кунда еримга икки юз-уч юз машина тупроқ, гўнг керак. Ўзингиз биласиз, Пахтаобод районида машинаси кўп ташкилотлар оз. Бўласам ўзини зўрга ёллайпти. Машинадан ёрдам беринг, деб келдим.

Исомиддин ота салмоқлаб сўзлаётганию, обком секретари киприкларини ҳам қоқмай унга тикилиб турибди. Очғи, етимиш ёшли отанинг гайратига ҳавас ва ҳайрат билан боқар эди. «Кўпчилик хўжалик раҳбарлари дам олишайпти. Олдий бригада бошлиғи қишинг қирчиллама кунда келаси йил ташвиши билан обкомда ўтирибди. Утиргандаям жиддий масала билан ўтирибди. Мана сизга давр коммунистнинг яшаш тарзи. Қани энди ҳамма шунақа бўлса». Мана шу фикрлар обком секретари хаёлидан ўтди.

— Жуда яхши, жуда соз. Яхши ўйлабсиз. Албатта ёрдам берамиз. Лекин сиз бир ой ташвишланмай дам олиб келаверинг. Биз бу ишни тегишли ўртокларга топширамиз.

— Йўқ, — ота норози оҳангда гап бошлади, — даштда ўзим бўламан. Ҳамма ёқни кор босган. Тупроқни қаерларга тўкиш кераклигини ўзим кўрсатиб турмасам бўлмайди.

— Яхши, — секретарь отанинг фикрini ўзил-кесил маъқуллади. — Бу ишни ҳозирок ҳал қиламиз.

Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас обком секретариининг кабинетида отанинг ишига тааллуқли ташкилотларнинг мутасадди кишилари жам бўлишди. Масала конкрет ҳал этилди.

Уч кундан сўнг қор билан қопланган

кимсасиз, изғиринли даштда турнақатор машиналарнинг қудратли гулдуриси эшитилди. Дашт гўё уйқудан уйғониб кетгандай бўлди. Ота ҳар бир машинанинг олдига тушиб етаклар, тупроқни қаерга тўкиш кераклигини кўрсатар, ҳар бир машинадаги тупроқнинг ўрнини аниқ топар, кўнгли эса баҳор ҳавосидай тиниклашиб борар эди.

Гапга чечан шофёрлар ота билан ҳазиллашгиси келиб, кабинадан бошини чиқариб гап отиб кўришади:

— Ота, сиз дамингизни олсангиз-чи, ўзимиз тўкаверамиз!

— Тезроқ юргиз машинангни, мана бу ерга тўғрила, — Исомиддин ота оксоқланиб олдинга интилади, кўлларини белига кўйиб олисларга боқади.

— Уриниб-нетиб қолсангиз, кампингиздан балого қолмайлик тагин.

— Маҳмадона бўлма, аввал ўзингга хуш-ёр бўл, бола, — ота ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарарди.

Бўралаб ёғаётган қор яна авжига чиқади. Ота шийон ёнидаги даштда мўлжалланган мўжазгина ошхона томонга бурилади. Шофёрларга йўғон кўлларини кўтариб ишора қилади.

— Тамадди килволинглар, йигитлар!
Ошхонага бир лаҳзада файз киради. Чойни отанинг ўзи қахди.

— Олинглар, ичинглар. Доғ чой ёзда чанқовни босади, қишда баданни иситади.

— Ота, — шофёрлардан яна кимдир сўз бошлайди. — Мана, сиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамонисиз. Тагингизда «Волга». Фарзандларингиз уйли-жойли экан. Ишламай маза қилиб ётмайсизми энди.

— Бола, — отанинг қарашларида ранжиш сезилади, бир кўзғалиб олади. — Мен очлангоч қолганимдан ишлаётганим йўқ. Меҳнатсиз туролмайман. Бу гапни бир гапирдинг, иккинчи гапирма. Шу гапни айтган одам — душманам. Эртага мошина-пошиланг билан қорангни кўрсатма.

— Э, кечирасиз, ота, бошқа гапирмайман.
— Онангизни ҳам жуда кўп пахта терган дейишад, шу рости, ота? — кимдир мавзунини ўзгартирмоқчи бўлади.

— Рост бўлмаса гапиршармиди. Меҳнат қилгани учун 111 ёшида ҳам мудрамай бандаликни бажо келтирган. 50 йил пахтада ишлади, 25 йил бригад бўлди, 15 йил звенолик қилди. Шўрлик мениям далада, пахта тараётиб туққан. Мени пахта теримгаям онам ўратган.

— Бир кунда минг килограммдан ошириб пахта терганимиз?

— Ҳа, шунақа бўлган, терганман.

Даврага сукунат чўкди. Лекин Исомиддин ака кўл терими бўйича Ўзбекистонда рекорд кўйганини ҳам, шу туйфайли қаҳрамон бўлганини ҳам, у ҳақда «Правда» газетаси «Ватан сизларнинг ҳар бирингизни Арабовдек меҳнат қилишга даъват этади», деб ёзганини ҳам, ўзи тўғрисида битилган даста-даста китобларни ҳам гапириб ўтирмади. Чувамалда янги ташкил қилинган «Маданият» совхози даштларига ихтиёрли келганини ҳам сўзламади. Фақат бир нарсани йигитларга очик ва лўнда қилиб айтди:



— Ҳадеб кўкрак кериб мактангандан кўра ишлаш керак. Меҳнат қилсанг, меҳнатнинг ўзи сени осмонга кўтаради. Қани, йигитлар, бўлмаса ишга.

Уша қаҳратон кишини Исомиддин Арабов даштда ўтказди. Тўғри, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Биров шағалга тупроқ тўққан билан ҳосил кўпайиб қолармиди, деса, биров, кўрамиз, бу ортиқча меҳнатнинг охири нима бўларкин, деди. Лекин ота бунақа гапларга бепарво, даштни баҳорги экишга тайёрлай бошлади. 73 гектар майдонга ўзи билан тўққиз киши ишлов берди. Кўпчилик бригадаларда экиш тугалланай деб қолганида ҳам ота чигит экишни бошламай, қайсарлик қилиб туриб олди. Далага райком секретари келиб қолди-ю, юрагини бўшатиб олди:

— Анови мутахассисларингизга айтинг, мени ўз холи-жонимга кўйсин, ишимга аралашмасин. Уйинг ўлчови кўчага тўғри келмайди. 60 йилдан бери тупроқ чангаллаيمان. Пахта улар учун ўсимлик бўлса, мен учун фарзанд. Боламинг инжиқлигини ўзим биламан.

— Ишингизга ҳеч ким аралашмайди, — қатъий ватда берди райком секретари. — Ердам керак бўлса, тортинмай айтинг.

— Раҳмат, ўғлим. Партия кўнглимни кўтариб турибдики, партия меҳнатимни кадрлаётгани, менинг бошим осмон бўлгани шу. Ўзимга кўйиб берсанглар, мана шу ерда эллик центнерлик ҳосил яратаман. Обком олдидаям шунақа ваъдам брата.

Ота ой оралигини ўтқазиб чигит эқди. Бунинг боисини ҳамма кейин тушунди. Чунки ой оралигида об-ҳаво нотинч бўлди, ёмғир бутун майдонларни қатқалоққа айлантириб юборди. Исомиддин отанинг 73 гектар майдонини эса бир ҳафта ичида ям-яшил барқутга айланди. Дашт фўзаси дуркун ўса бошлади. Ота эрталабдан сув тарайди, чопик қилади. Ҳафталаб уйига бормайди, даштда қолиб кетади.

Ушанда май байрами арафаси эди. Радиодан келган мухбирни партком секретари

Мухторжон отанинг даласига бошлади. Дала шийпонда ҳеч ким йўқ. Ота йнгирма гектарлик майдоннинг четига кўриди. Шофёр машина рулини ўша томонга бурди. Арабов чўккалаб олиб 5—6 эгатга сув тарапти. Эгат бошини кетмонсиз кўли билан тирнаб очаяпти. Салом-алиқдан кейин ҳам мухбир анча кутиб қолди. Сўнгра сабри чидамади.

— Исомиддин ака, менинг ишим жуда зарур. Биринчи май намойишида сизнинг овозингизни берамиз. Микрофонга уч-тўрт оғиз гапириб берсангиз бўлади. Сувни кейин тарайверасиз.

— Ука!— отанинг қорайиб кетган чеҳраси бўғриқиб, нигоҳлари ўққа айланиб, мухбирга юзланди.— Меники сизникиданам зарур. Шу ерга сув очиб қўймасам, бу қақраб турган гўзалар йнғлайди-ку, мени қарғайди-ку. Инсофинг борми, менинг аҳволимни кўриб туриб, радиога гапиргани кетиб қолдинг-а, диёнатсиз, демайдики? Гўза сув-сув деб йнғлаб турибди-ю, менинг ишим зарур дейсиз-а. Зарур бўлса, ўзингиз гапириб қўявермайсизми?

Ушандан кейин ота сувни ҳам тараб бўлди, мухбир билан анча очилиб суҳбатлашди. Мухбир отага хушёрлик билан, ўйлаб-ўйлаб савол бера бошлади:

— Бу ерда иккинчи йили ҳосил ундираясиз-да, шундайми?

— Ҳа, иккинчи йил. Лекин еримизни жонон ерга айлангириб олдик. Бизни бу ер уялтириб қўймайди.

— Мана, гўзаларингиз барқ уриб ўсапти, соғлом, ёввойи ўтлар йўқ, Бундай, бўш пайтларда чиройли жойларга бориб, хордиқ чиқариб турасизми? Мана, Андижоннинг ўзида истироҳат боғи бор...

— Ҳмм... Яхши. Яхши жой экан,— ота сўзларни чўзиб, дон-дона қилиб гапира бошлади.— Мениям етмиш уч гектарлик истироҳат боғим бор, қаранг. Боғим оқ, қизил, пушти гулларга тўлиб ётибди. Улар менга қараб туришибди. Мен шундай боғни ташлаб, шаҳардаги истироҳат боғига борамми? Инсофсиз, бизга ким қарайди, деб ўқсимайдими бу гуллар? Мен пахтани бир кун кўрмасам, оғриб қоламан. Пахтанинг ичида туғилганман, пахтанинг ичида яшайман, пахтанинг ичида ўламан.

Мухбир бошқа савол бермади. Зеро, савол беришга ўрин ҳам қолмаган эди. Унинг кўз ўнгида тасаввурга сигмас иродали паҳлавон турарди. Унинг парвози, унинг ёруғ умидла-

ри, мақсадлари радио тўлқинларига сигмаслигига ҳам тўла ишонди. Пахта унинг юраги эканлигини ҳам кўрди. Чанқаган гўзасига термулиб, кўзидан ёш оққанлигининг ҳам шоҳиди бўлди.

Уша 1978 йилда Исомиддин Арабов бошлиқ тўққиз кишилик бригадада ҳосилдорлик 50,5 центнерданга етди. Парвозни қаранг: шағалдан иборат дашт ери бир йилда ҳосилдорликка 33,5 центнер қўшди. Бу айтишга осон гап. Исомиддин ота аввалига даштни елкасига кўтарди. Кейин дашт тупроғи Исомиддин Арабовни елкасига даст кўтариб, бошини осмонга етказиб қўйди.

Уша йили пахта терими бошланшида ҳам ота ўз фикрида қадабли туриб олди. Айрим бригадалар йиллик пахта тайёрлаш планини 30—40 процентга бажариб қўйганда ҳам унинг даласида терим бошланмади. Айрим мутахассисларнинг жиғи-бийрони чиқарди.

— Нима қилмоқчисиз ўзи?

— Пахта бермоқчиман, рақам эмас,— Арабов кескин жавоб берди.— Қанақасизлир ўзи? Хамак билан банд берган қовуннинг фарқига борасизларми?..

Исомиддин Арабов бригадаси 5 иш кунинда йиллик плани бажарди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди. Отанинг чеҳраси очилиб кетди. Кўзларига нур порлади. Қўлтиқтаёғини унутиб, шаҳдан одим ташлаб, трицепсларга ортилган сўнги пахта-ларга меҳр билан боқди. Ўз фарзандидек кўриб қолган механизаторлар Илҳомжон билан Жўрабойга яқинлашди:

- Бошладикми?
- Бошладик, ота!
- Хурсандмисизлар?
- Хурсандмиз.

— Мана, энди мукофотлар сизларники. Баракалла, болаларим. Қани, ҳайданлар.

Кечкурун хонадонига келиб яна ҳам яйраб кетди. Вутун оила ҳам бўлибди. Қўшни колхоздан тўнғич фарзанди Мунаввархон ҳам келибди. Уғиллари Мирқомил билан Миролми ҳам бугун ишдан барвақт қайтишибди. Суянчиги, умр йўлдоши Туреунй опанинг меҳри ҳам дарё бўлиб ўтирибди. Ота чорпояга яқинлашмасиданоқ невараси Муножот пилдараб пешвоз чиқди.

— Ҳорманг, бува! Соғиндим сизни,— дедию ўзини бобосининг кучоғига отди. Исомиддин отанинг ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Иўғон қўллари билан неварасининг жажжи юзларини, тимқора сочларини силади, юз-кўзларидан ўпди. Вижилдоқ

невараси бобосининг ўпкасини яна ҳам тўлдириб юборди:

— Бугун сизни телевизорда кўрсатди. Биринчи мен кўрдим. Худди ўзингизни кўрдим.

Негадир отадан овқат ўтмади. Босиб-босиб доғ чой ичди. Кўзига ҳаёт яна ҳам нурафшон, боқира кўринди. Бир ҳафта уйини кўрматганлигини ўйлади. Уғиллари тоқларни тартибга келтириб қўйибди. Ҳовли чиннидай тоза. Оиласидан кўнгли тўлдию отанинг қалби яна даштни кўрмасди. Ҳозиргина қайтган, лекин хувиллаб қолган даласи эгасиз қолганини эсладию ўрнидан қўзғалди.

— Ҳа, даласи?— Туреунй ая умр йўлдошига пешвоз чиқди.

— Мана, тинч экансизлар, кўрдим, онаси.

Бугун ҳамма уй-уйига кетди. Дала ёлғиз қолган, бормасам бўлмайдим.

Эрининг табиятини яхши билган ая гап қайтармади. Миролми чакирди-да, қўлига егулик у-буларни бериб тайинлади:

— Даданинг даштга олиб бориб қўй. Ўзи ёлғиз кетмасин.

Кузнинг охириги кунлари. Дашт бўйлаб аччиқ изғирин изғиб бошлаган лаҳзалар. Ота ўша оқшом мижда қоқмади. Ўзи ёлғиз дашт бағридаги кимсасиз дала шийпондаги чирокни ўчирмади. Тонг чоғида даласининг ўртасига бордию тиз чўкди. Вир сиқим тупроқни олиб юзларига босди. Тупроқ доналаридан намланиб, ўсиқ қошларига, киприқларига ёпишиб қолди.

Дашт бўйлаб отанинг гуркираган овози эшитилди:

— Энди ўқсимайсамми, юзингни ёруғ қила олдимми, мендан ранжиганинг йўқми, она ер?! Сен қашбағир, гиёҳсиз дашт дегувчиларга муносиб жавоб қила олдимми, бағринг хазинага бойлигини кўрсата олдимми? Ҳаёт нафасини сезаяпсамми? Сени ёлғиз қолмасин деб келдим, сен билан ёлғиз дардлашгани келдим, она ер! Сен менинг юрагимсан. Етмиш ёшимда шунчалик куч-ғайрат бахш этган нарсам ҳам сенинг меҳринг, сенинг сахийлигинг. Мендан розимсан, она ер?!

Тиз чўкиб турган Исомиддин отанинг қалби бир улугвор нидони эшитгандай бўлди. Бу ердан чиқдими ёки ўзининг юрагидан акс-садо бердими, буни англамади. Лекин овозни аниқ эшитди. У сукут сақлаганча ўша овозни тингларди:

— Раҳмат сенга, захматкич одам! Мени бағринга босганинчга улғайтирдинг. Шухрат бағишладинг. Энди сенинг изингдан минглаб одамлар келади. Лекин биринчи таъзимим сенга. Кел, қадоқ қўлларингни узат, бу табаррук қўлингни бағримга босай. Бундай азиз қўлларга абадул-абад бағрим очик. Урингдан дадил тур. Мен сени танийман, Исомиддин бобо. Толмас оёгингни катта жангда қолдирганингни ҳам биламан, юрагингни менга бағишлаганингни ҳам биламан. Қаддингни баланд тут. Сени эл-юрт эҳтироми кутмоқда.

Арслонбоб чўққиларидан мўралаган қуёш ёғдулари отанинг кўзларини қамаштириб юборди. У ўрнидан даст туриб, дашт бўйлаб қуёш кўтарилаётган томонга юра бошлади. Бепоён даштни қуёш билан улаб турган нур худди мармардан ясалган тахтиравон йўлни эслатди. Бу йўл мана шу даштдан бошланиб, тўғри қуёшга бориб уланади. Дашт бўйлаб бораётган Исомиддин ота Арабов мана шу йўлдан улугвор одим ташлаб, қуёш сари юксалиб бораётганга ўхшаб кўринди.

Абдухалил ҚОРАБОЕВ

Пахтабод районидagi «Маданият» совхози



Илғор механизатор Сулдон Кучаков Пахтакор район «Пахтакор» совхози далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни қабул пунктлари-га ўз вақтида етказиб беришга масъул.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси.

Шундай партия бор

Турсун ИБРОҶИМОВ

I

Сўйламоқчи бўлганларим —
 Қайноқ сатрларим
 Қўйганимиз ҳавас —
 Қуёшимиз, деб кўз тикканимиз,
 Виждонимиз, суянчиқ, деб атаганимиз;
 Болакай оламини уйғотаётган,
 Тириклик бешигин тебратаётган;
 Не-не мушкулларни этаолган ҳал,
 Одамзод ораусин топтирган камол
 Ўзи нур,
 Орзуси нур —
 Партиямиз ҳақидадир!

II

Партия...
 Партия нима?
 «Партия — миллионлар елкама-елка»,
 Коммунизм бўсағасига қўйганда қадам —
 Шу саводни бермоқ,
 Шундай сўрамоқ
 Эриш ҳам туюлар, эҳтимол, ошнам.
 Улуғ Партиямиз — замоннинг ақли,
 Дилбар замонларга замин, замондош.
 Партиямиз — инсоният бахти,
 У элларга
 баҳор элтувчи қуёш!..



* * *

Бир дон дон,
 Бир оний хаёл —
 Кўнги меваси...
 Ортиқча тафсилга ҳожат йўқ, асти
 Ўйлаб кўрилса шу дон,
 Шу оний хаёл —
 Ҳаёт, боқийлик зуваласи!
 Дон...
 Дон жойини топса ёзади бошқ;
 Хаёл-чи?!
 Хаёл ҳолис бўлса — ҳокими мутлоқ!..
 Бу —
 исбот талаб этмас оддий ҳақиқат,
 Бу — қиёмига етган хаёлот!..
 Шунда,
 Бу ҳақда зарурмас баҳсу баҳона.
 Бу — Диалектика!

* * *

Диалектика...
 Бу — бир оина.
 Утган аср ўз аксини кўрароқ унда,
 Аҳволи-руҳидан бўлар экан лол,
 Шунда,
 ўйга толди Маркс оқсоқол:

«Ер кимники?»
 «Ишлаганники!»
 «Хўш, не учун зулм?»
 «Шунча замонлар бош эгдик нега?..
 Ана, ўтмиш,
 Ана, ҳолу ҳуш...
 Ногоҳ нопок замон қалқди, тебранди.
 Одийлар бағрида,
 эмас эди туш,
 Бизнинг Партиямиз уйғонди.

III

Минг саккиз юз етмиш,
 Симбирск.
 Мўъжаз бир шаҳар...
 Апрель. Эрта тонг-сахар
 Дарахларда қўшлар чуғурлаб қолди,
 Шу куни бу кўҳна олам
 Бағрига Владимир Ленинни олди.
 Йиғлаб тугилди у ҳам,
 Варча-барча қақалоқлар сингари.
 Кулогига чалиндими шу дам
 Миллионларнинг фарёди, зори —
 Ким билсин —
 Қайгадир ошиққандайин
 Типирчиларди йўрғакда.
 Мария Александровна билолмасди,
 Қаёқдан билсин,
 Юз очмиш дунёлар унинг бағрида!..
 Волга ҳайқириб оқарди,
 Ҳайқирарди кечаги сокин тўлқинлар.
 Тонг кулиб, қуйманиб отарди
 Оқ, паркут тонглардан бергандек хабар!..

* * *

Поволжьеда ўтди унинг ёшлиги,
 Чигал сўқмоқларда кезарди ўйчан.
 Йўл йўлкаларнинг тор, чалкашлиги
 Ўйга толдирарди уни ҳар замон.
 Ўз-ўзига дерди: «Қандайин сўқмоқ,
 Ғов бўлган чакалак... қайга бошлар у?
 Катта йўл ҳам бордир?..
 Йироқдир бироқ...» —
 Ўзига катта йўл излар эди у.
 Узоқ-узоқларга тикарди кўзин,
 Узоқ-узоқлар ҳам унга қарарди.
 Ўзини, дилидаги Партиясин
 Узоқ-узоқларга олиб борарди!..

IV

Минг тўққиз юз уч...
 Брюссель... Июль...
 Миршаб бошлиғининг чимрилган қоши.
 Айғоқчи сўз қотар чайнаиб, мажхул:
 «Аллакимларнинг бирлашган боши...»
 Бошлиқ елка қисар,
 Шира қотган мўйлабин ялаб пўнғиллар:
 «Ҳалиги...
 Май базмидир балки,
 Келгиндиларнинг йиғинига хос?»
 «Қайдам, — айғоқчи ялтоқланар —
 Қимматли тўрам,
 Кўзларида... кўзларида эҳтирос!..
 «Бас!!!»
 Голланд докерлари бундан беҳабар,
 Ивир-шивир гап гузар саройда фақат.
 «Аллакимлар» бўлса
 Шу дафъа йўлда
 Туманли Лондондан кўзлайди омад...
 Олифта Европа оғринган пича:
 «Инсон крахмалланган ёқа тутганда,
 Тавба,
 Бировлар кўнглига келганин қилса?!».



Хеч кимса билмайди бу қандай гуруҳ,
 Хеч кимнинг тушига қирмаган гаплар.
 Хеч кимса билмайди,
 ҳа, ўша гуруҳ
 Қалбида бугунги кун амал олар!..

* * *

Съезд давом этади,
 Баҳски, беомон...
 Бу қандай баҳс ўзи?
 Воқифмас жаҳон.
 Ҳа, ҳали жаҳон билмас,
 Вулқондек кўчган бу ҳавас
 Эрта қурра бўйлаб қақин чақшин.
 Пролетар синфининг,
 Деҳқон ахлининг
 Ўксик юрагида чироқ ёқшин!
 Уч ҳафта ўтдики, давом этар съезд,
 Кўримсиз бинода милтиллайди шам.
 Қолмаган бўлса ҳам айтилмаган сўз,
 Масала равшанмас, масала мубҳам.
 «Инқилоб бўлмоғи лозимми?»
 «Лозим!..
 «Ғалаба оқибати кимники бўлсин?» —
 Мартовлар чайнаиб қолдию шу зум,
 Гуруҳ пайдо бўлди худди шу йўсин.
 «Ҳокимият ишчи-деҳқонларга!»
 «Кизик, бу Ленин нелар дейди-я?!»
 «Ишчи, деҳқон билан буюк ғалаба!»
 «Саводсиз омма...
 Ким бошқарар, а?..
 «Партия!!!»
 «Ундай Партия йўқ...»
 Ленин одим отиб одағий, босик
 Минбарга кўтарилди,
 Бошладди сўзни:
 «Уртоқлар,
 Бу ерда айтилди беҳуда гаплар!
 Ишчи-деҳқонларга йўлбошчилиқ

қилаоладиган,

Уларни ғалабадан ғалабага йўллайдиган,
 Хамиша қўллайдиган —
 Билмаганлар билиб қўйсин —
 Ерқин келажакка байроқдор
 Шундай партия бор!..»



* * *

Шундай Партия бор!..
 Ҳақиқатдан ҳаёт яратган,
 Офтобни ўзига қаратган
 Шундай Партия бор!
 Шу менинг Партиям;
 Саодат берган,
 Кетмас давлат,
 кетмас шон берган —
 Шу менинг Партиям!
 Миллионлар қатори мен унга фарзанд,
 Миллионлар қатори шодман, бахтлиман.
 Бахтлиманки,
 Советлар Иттифоқининг гражданиман!
 Ишимда, уйқумда, ҳа, мен хотиржам,
 Бугун фақат менмас, ташвишли олам
 хотиржам,
 Тинчликни тилаган онам хотиржам,
 Тинчликка таянчдир менинг Партиям!
 Шундай Партия бор!
 Бўлади абад!
 У — халқлар тилаги,
 Замин тилаги,
 Удир келажакнинг тинмас юраги!
 Унга қулук қилиб,
 Уни қилиб ёд
 Ленин сўзларини айтаман такрор:
 «ШУНДАЙ ПАРТИЯ БОР!!!»

Тошкент

ПАРВОЗ

Ширин орзулар оғушида уйига қайтаётган Шароф таббеҳу дашномлар остида қолишни кутмаган эди. Турмуш ўртоғи Шарифанинг гаплари ҳам майли-ю, аммо акаси Юсуфнинг кесатгани кўнглини жуда оғритди.

— Ҳм, бригадир бўлдим дегин... Шу сабилни мен ҳам қилиб кўрдим. Турган-битгани ташвиш. Кеча-кундуз тиним билмайсан-у, раҳмат йўқ. Кенгашмадинг ҳам. Тўғрисиная айтсам, ёш бошингга ташвиш сотиб олибсан-да?!

Шароф бошини кўтариб акасига юзланди.

— Уйланган иш, кўп ўйланганман.

Анчадан бери ака-уканинг мунозарасини ўйча тарозига солиб ўтирган Сарикул бобо гапга аралашди.

— Гапларинг менга ғалати туюлди, Юсуф! Майли, Шарофнинг раёини қайтарма. Йигитлик — оловлик дейишади. Бу фаслда тошга гул чизса арзийди. Ишласин, аини ишлайдиган пайти.— Бобо иссиқ чой қўйиб бир хўплади, сўнг Шарофга ўгирилди.— Қўркма, ўғлим! Муҳими, меҳнатга меҳр қўйиб, одамлар қалбига йўл топсанг, бас.

Шароф биринчи иш кунини шундай бошлади: кечки пайт бригада аъзоларини асфальт йўл четига дала шийонида тўплади. Кўпдан бери ўйлаб юрган фикрларини ўртага дадил ташлади.

...— Бригадамиз нега қолоқ? — дейсан. Қандай қилиб илғор бўлсин? Бир пайтлар биздан ўтадигани топилмасди. Етмиш иккинчи йил эди, шекилли, 26 кунда пахта планини дўндиргандик. Айтмоқчи, ўшанда ўзинг механизатор эдинг. Шу йили чўнтагимиз қаппайиб, даромади-миз мўл бўлиб қолувди. Ҳар бозор Деновга борардик. Кейин-чи? — Хуррам нафасини ростлаш учун бир аум жим қолди. Сўнг яна сўзида давом этди.— Кейин қардан ҳам қўшиб ёзиш, сотиб олиш деган фалокатлар пайдо бўлдию ишимиз орқага кетаверди. Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир бўлиб қолди.

Хуррамнинг гаплари аини Шарофнинг дилидаги фикрлар эди. Каердан ҳам ўша қалбакиликка йўл қўйилди-ю, деҳқоннинг насибаси қирқилди. Йил бўйи тер тукиб ҳосил етиштирганлар бир ёқда қолиб, пахта пунктига «пахта эканлар»нинг чўнтаги тўлди.

— Менда ҳам гап бор эди,— дея ўрнидан турди Зиёд ака Ҳамзаев. Ҳамма савол назари билан унга қаради.— Бундан ташқари, одамлар ўз ташвиши билан овора бўлиб қолганини ҳам айтиш керак. Далага чиққан ҳар бир одам фақат фойдани кўзлайди. Бир иложини қилиб пахтазор четидан, ток атрофидан бир қарич бўлса ҳам ер ажратиб олишга интиламиш. Очиғи, ажратиб ол-

дик ҳам. Далага — ишга, деб келамиз-у, хаёлимиз ҳалиги «ўзлаштирилган» бир парча ерда. Унга ҳам сув керак, ўғит керак. Оқибат нима бўлди, сувизликдан қовжираган пахта пайкаллари ёнида ўғитдан тўйиб, сувга сероб бўлган ёввойи ўт кўкка бўй чўзаверди. Мана, мисол учун Ҳурмат Эшонқуловни олайлик. «Менга ўт экиш учун ер тегмади» деб Муҳаммади Ҳумаев бригада-сига ўтиб кетди-ку?!

Шарофнинг маслаҳат учун, ўзаро келишиб олиш учун қақирган йиғилиши одамларга сабоқ бўлди. Одамлар ҳам тўлиб кетган экан, юзхотир, аччиқ-чучук демай, бор гапни айтишди. Йиғилишда сўзга чиқмаган одам қолмади ҳисоб.

...1981 йилнинг ноябри. Ғалбир сувдан кўтарилган сарҳисоб дамлар. Яқунлар қувончи, рақамлар салмоқи юксак эди. 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 49 центнердан пахта, 64 тонна ўрнига 104 тонна узум. Ҳосилдорлик пахтачиликда бир йилнинг ўзида 20 процентга ўсди. Одамларнинг ўртача иш ҳақи 195—215 сўм. Ҳар сўмига 86 тийиндан қўшимча даромад. Бу рақамларда меҳнатга муҳаббат, берором тунлар, одамлар қалбига йўл топа олган Шарофнинг изтироблари, ҳаяжони, елиб-югурши-лари ётарди.

...Эрта баҳор. Дала айланиб юрган Шароф ҳаёлига келган фикрдан безовта. Яхшиси, одамлар билан кенгашиб олиши керак. Бригада даласи келгусида ёппасига тоқзор бўлиши керак. Ҳар йили 10—15 гектарга кенгайтириб боряпмиз. Бир дона ток кўчати 40 тийин. Уни ҳам қўшни Тожикистондан келтириш керак. Бу ёғи транспорт, орт-тушир, дегандек... Турган-битгани харажат. Биласизми, бир гектар ерга салкам 600 сўмлик кўчат кетар экан. 600 сўм: айтишга осон. 10 гектарга эҳсақ-чи? Унда 6 минг сўм. Буларнинг ҳаммаси бригада аъзоларининг нақд чўнтагидан кетяпти. Нега шу кўчати ўзимизда етиштириб бўлмайди. Ортса, бошқа хўжаликларга ҳам сотармидик? — деди у аъзолари билан суҳбатлашиб ўтириб. Шарофнинг фикридан одамлар жонланиб кетишди.

— Маъқул фикр, фақат...

— Ерми? Ер — хув анови турлик! — Мўминқул қишлоғига тутах каровсиз ётган жойни кўрсатди Шароф.— Битта бульдозер бир кун ишласа бас!

Худди шундай бўлди. Орадан кўп ўтмай бу ерда қудратли бульдозер наъра тортди. Бир ярим гектарли майдон текисланди. Иш жадал кетди. Кексалар новддан қаламча тайёрлашди, ёшлар уни кўрсатилгандай қадаб чиқинди. Бу ер чиндан ҳам хазинага айланди. Ҳозир бригада аъзолари бу ерни «Олтинжар» деб

аташади. Бригада бошқа ердан уч йилдирки, кўчат харид қилмайди.

Бир томони Ҳазорбоғ каналига туташиб кетган боғда Шароф ака билан айланиб юрибмиз. Токлардаги ҳосил чўғидан кўз қувонади. Мен қалб яшаш, яратиш ишқи билан тўлган ҳамроҳимни суҳбатга тортаман.

— Ҳосил зўрга ўхшайди.

— Ҳа, режамиз ҳам зўрда. 200 тонна ўрнига 280 тонна узум, 100 тонна ўрнига 130 тонна пахта, 15 тонна ўрнига 20 тонна анор беришимиз керак. Булар ҳали кўп меҳнат талаб қилади. Суҳбат давом этади.

— Дарвоқе, депутатлик фаолиятингиз ҳақида...

Бригадир камтарлик билан сўз бошлайди:

— Фаолият энди бошланди. Ҳали муҳимроқ иш қилишга


улгурганимиз йўқ. Хабарингиз бор, районимиз воҳамиздаги кенжа районлардан. Кенжа бўлгач, ташвиши кўп бўларкан. Аиниқса, районимизда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш унчалик яхши эмас. Сабаби, медицина муассасалари жуда тарқок жойлашган. Бу нарса эса аҳолига жуда-жуда қийинчилик туғдирмоқда. Шунинг учун район марказида 250 ўринли шифохона қурдириш ташвишида юрибмиз. Лойиҳа тасдиқланган, маблағ ажратилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Олтинсой районидаги «Ширин» совхозининг бригада бошлиғи Шароф Сарикуловни узоқ манзилларни кўзлаган сурбургутга тенглагани келади. Сургут ҳаммаша юксакликка парвоз қилади.

Жўра ҚОДИРОВ

Жиззах область Арнасов районидаги Юлиус Фучик номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, район партия комитети бюросининг аъзоси Муборак Боймуродова.

А. Тўраев фотоси.



Теримчилар: Киров районидаги «Москва» колхози аъзолари Иноятхон Ахророва ва Ибодатхон Эшматова.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси



МАСАВВУР қилайлик: сиз янги очилган қўриқ ерда — йўл устида туриб, агрофага назар ташлайсиз. Бир тарафда баравж ўсган ғўза пайкаллари ям-яшил товланиб, денгиздек чайқалай ётибди. Йўлнинг иккинчи тарафида қачондир шудгордан чиққан майдонлар саратон офтобида кизиб, куёшдан нур эмиб, мудрайди. Чўлқуварларнинг қадамига махтал бўлиб ётган бу майдонлар ҳам ҳадемай чўл ҳосили учун кураш бошлайди... Юқоридан тўрғайларнинг майин овози эшитилади, алақанака чаксон қушлар галаси шиддат билан ёнгинангиздан учи ётади-да, ғўза пайкалига ўзини уради. «Тўрғай азалдан чўл шароитига, қурғоқчиликка мослашган қуш, — дея ўйлайсиз, қандайдир ички мамнунлик билан. — Мана энди қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, оби ҳаёт етиб келганидан кейин чўлда сув қушлари ҳам кўриниб қолди. Энди бу жойларни чўл деб бўлмайди...»

Бейхитёр йўлнинг икки тарафига экилган навиҳол дарахтчаларга кўзингиз тушади. Дарахтчаларнинг аксарияти авж билан ўсиб турибди, шапалоқдек-шапалоқдек япроқлар шабадада ҳилпираб, ҳавасингизни келтиради. Аммо, айрим дарахтчалар эса... иссиқданми, сув камлигиданми ёки тупроқнинг шўрлигиданми, қовжирай бошлабди. Демак, бу дарахтчалар чўл шароитининг қийинчиликларига бардош беролмабди. Негадир шу топда чўлга янгидан кўчиб келган кишилар ҳақида ўйлаб кетасиз. Уларнинг шароитлари қанақа экан? Улар чўлнинг жазираси офтобига, гармсел шамолига, чанг-тўзонига бардош бераётганмиканлар? Саратоннинг синовидан қандай ўтишди экан улар?..

...Ўттиз хонадондан иборат шаҳрихонликларнинг Зарбдор районига кўчиб келишларини тарихи қуйидагича юз берди. Шу йил 13 январь куни Москва район ижроия комитети раисининг муовини Солижон Мансуров шу райондаги қишлоқ хўжалик техникуми устaxonасининг мудирини Эргашали Раҳимовни ўз ҳузурига чақиртирди. Эргашали етиб борганида район комсомол комитетининг биринчи секретари Зайнобиддин Салоҳиддинов ҳам Мансуров билан суҳбатлашиб ўтирган экан.

— Сизни бу ерга катта бир ният билан чақирдик, — деди ижроком муовини Эргашали Раҳимовдан ҳол-аҳвол сўраганидан кейин. — Республика партия-ҳукуматининг чўлқувар областларга пахта илмини яхши биладиган одамлар юбориш ҳақидаги чакригини эшитган бўлсангиз керак?

— Ҳа, эшитганман, — деди Эргашали. — Жуда тўғри таклиф, ўз вақтида айтилган таклиф...

— Ана шу олижаноб ишга сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўсангиз...

— Шу гаплар ўзининг ҳам ҳаёлимга келувди, — деди Эргашали кулимсираб. — Бир-икки шерик топилса, кетаварардим. Эшимиз ҳам қирқ билан элликнинг ўртасига қороб қолди. Ҳозир бирор иш қилиб ном қозонмасак, кейин кеч бўлади. Биздан бошқалар ҳам бормикан ўзи?

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Солижон Мансуров. — Чўлда ишлашни, яшашни ҳош-хошлардан райижрокомга анча-мунча ариза тушган...

— Яна бир қисм аризалар район комсомол комитетига тушган, — деди Зайнобиддин Салоҳиддинов гапга қўшилиб. — Бизга асосан комсомол-ёшлар ариза беришган.

— Бизнинг ниятимиз шуки, Эргашали, сиз мана шу Москва районидан чўлга

отланган ташаббускорларга бош бўлиб борасиз.

Эргашали Раҳимов ўша заҳотиёқ район раҳбарларининг яхши ниятига розилик билдириди:

— Шунчалик ишонч билдирсаларингиз, чўлга борганим бўлсин...

Шаҳрихондан чўлга отланган кишиларга Эргашали Раҳимовнинг раҳбар этиб тайинлаши бежиз эмасди. Ешлигидан ғўза оралаб ўсган Эргашали дастлаб қолхозда табелчи, бригада бошлиғи бўлиб ишлаб юрди. Бу орада сиртдан ўқиб, Қўқондаги механизация техникумини, Тошкентдаги Ириригация институтининг Қўқондаги филиалини битирди. Шундан сўнг қолхозда участка механики, бригада механики, ремонт устaxonасининг мудирини бўлиб ишлади, бир неча ой давомида бош инженер вазифасини бажариб турди. Сўнгра Шаҳрихондаги қишлоқ хўжалик техникумига устaxonа мудирини бўлиб ишга ўтди. Тўғриси, устaxonани йўқ жойдан бор қилди, ўн бир йил давомида 43 та дастгоҳ ишлайдиган, ҳар йили 10 минг 700 сўм фойда берадиган қорхонага айлантирди.

Мана энди Эргашали Раҳимовга район раҳбарлари янги бир масъул вазифа топширдилар. У ана шу иш бўйича 22 январь куни Зарбдор районига келди. Эргашали ўша куни Зарбдор райкомининг ходимлари ҳамроҳлигида бир неча совхозда бўлиб, чўл ҳаёти билан танишди. Кечқурун райкомнинг биринчи секретари Эркин Зоҳидов ҳузуринда бўлиб, узоқ суҳбатлашди.

— Сизнингча, қанақа шароит яратилса, чўлга келган одамлар муқим бўлиб қолади? — деб сўради райком секретари суҳбат орасида.

— Чўлга келадиганлар биринчи йили қийинчилик бўлишини билиб, шуни кўнгилларидадан ўтказиб келишадиган, — деди Эргашали унга жавобан. — Аммо-лекин иккинчи йили ҳар бир хонадон алоҳида уйларда яшаш керак.

— Гапингиз тўғри, биз худди шундай бўлиши учун ҳаракат қилаймиз...

Ўша куни Эргашали Раҳимов Зарбдор районидаги Йўлдош Қўрбонов номли 14-совхоз директори Аҳмаддон Турсунов билан ҳам суҳбатлашди.

Маслаҳатга биноан Андижон области Москва районидан Зарбдор районига кўчиб келган ўттиз хонадоннинг ҳаммаси 14-совхозга — яп-янги вагон-уйларга жойлаштирилди. Кириш йўлагидан ташқари икки хонадан иборат вагон-уйлар баллонли газ ва электр нури билан таъминланган эди. Қисқаси, уларда бир хонадон бемалол яшаб турса арзийдиган шароит бор эди.

Совхоз аҳли, хусусан директор Аҳмаддон Турсунов ҳам, совхоз парткоми Саидахмад Жумабоев ҳам Андижондан келган чўлқуварларни яхши кутиб олдилар. Эргашали Раҳимов бошлиқ ўттиз хонадонга совхознинг алоҳида бир бўлими топширилди. Бўлим ихтиёрига 528 гектар ер берилди. Вақт жуда тигиз эди — андижонликлар 15 март куни кўчиб келишди. Шу боисдан дастлабки кунларданок ишга киришиб кетдилар. 366 гектар ерга чигит экилди, 53 гектарга беда уруғи сепилди, 65 гектар ер қовун-тарвуз учун ажратилди. Бундан ташқари, етти гектар ерга тут кўчати экилди. Бўлим ишчилари чўлда мевали боғ яратиш ниятида 1576 туп мевали дарахт кўчатини ҳам экидилар.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди. Водийдан кўчиб келган чўлқуварлар чўл шароитига қўника бордилар. Ғўзалар ва бошқа экинлар ўсиб, қилинган меҳнат кўзга қўри-


ниб қолди. Бирок, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, дейдилар. Фақат ишламаган одамгина хато қилмайди. Биринчи йилнинг қийинчиликлари сабаб бўлди, Фарғона водийси билан чўл зонасидаги шароит фарқ қилди, ҳар қалай, Эргашали Раҳимов бошқарувчилик қилаётган бўлимининг ғўзалари кўрган кўзни қувонтирадиган аҳволда ўсмади: айрим пайкалларда экин говлаб кетди, айрим пайкалларда эса, ёз ойлари вақтида сув берилмаганидан ғўзалар гулини тўқиб юборди...

Август ойининг бошлари эди. Зарбдор район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудирини Саломат Қўрабоевнинг ҳамроҳлигида 14-совхозда бўлди, андижонлик чўлқуварлар истикомат қилишгаётган вагон-уйлар «шаҳарчасини» кўрдик. Сўнгра Эргашали Раҳимов раҳбар бўлган бўлимга ўтди. Худди шу пайтда Тошкент область Коммунистик районида борган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бўлимининг ғўзаларини кўздан кечириб юришган экан. Очиғи, ғўзаларнинг аҳволидан ҳеч ким хурсанд эмасди.

Меҳмонлар олдида ғўзаларнинг аҳволидан иза бўлган совхоз директори Аҳмаддон Турсунов шаҳрихонлик чўлқуварларнинг ишдаги нуноқликлари ҳақида шикоятнамо сўз бошлади. Эргашали Раҳимов эса, камчиликини тан олган ҳолда, бу йилги планларнинг бемалол бажарилиши хусусида гапирди. Биз кимнинг сўзи тўғрино кимнинг фикри нотўғрилиги хусусида бир нима дея



Риштон районидаги Куйбишев номли қолхоздан Сирдарё областининг Меҳнатобод районида келиб қўриқ очган уста пахтакорлардан бири, коммунист Ҳанифа Екубова.
А. Тўраев фотоси.



Олимжон ХОЛДОР

«МЕКСИКА ДАФТАРИ» ДАН

* * *

Тоғ ўлкаси боғларида кўрдим чирой,
Ардоқладим мисраларда уни севиб.
Бир кафтимда куёш бўлса, бирида ой,
Она юртининг хижронида ёниб-куйиб —
Тунни қувиб кетаяпман, тунни қувиб.

Қалбим эса Андижонда, мен-чи бунда,
Ватанимга топинаман, шеърим қўйиб...
Ўйларимни яхшиликка доим йўйиб.
Сафар чоғи ишқ ўтида ёнар ҳар ким,
Она юртининг хижронида ёниб-куйиб —
Тунни қувиб кетаяпман, тунни қувиб.

Долалардан юрт баҳорин сўроқладим,
Тушларимни яхшиликка доим йўйиб.
Сафар чоғи ишқ ўтида ёнар ҳар ким,
Она юртининг хижронида ёниб-куйиб —
Тунни қувиб кетаяпман, тунни қувиб...

* * *

Йилроқи газаллар ва ишқномалар,
Мемуар аталган эсдаликлар ҳам,
Ўқинишга ўхшаш алланималар,
Кўнглиларга роса тегди, дўстгинам —
Мемуар аталган эсдаликлар ҳам.

Шиддат қозонида жўшиб қайнаймиз,
Сафарбар сатрлар нон каби керак.
Юртининг хизматига доим яраймиз,
Тирик бўлсак, уриб турса гар юрак —
Сафарбар сатрлар нон каби керак!

Тунни қувиб...

ТИНЧ ОКЕАН — НОТИНЧ ОКЕАН

ЁМҒИР МАВСУМИ

«САМОВИЙ УРУШ» ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛАРИГА ҚАРШИ ЕЗИЛГАН ШЕЪР

«Тинч океан» деб аташар барча эллар жаҳонда,
Аммо тинчлик нелигин билмайди у бир нафас.
Қоялардан ўпич олиб, қулоч отар ҳар ёнга,
Ўркач-ўркач тўлқинлар, тоғ-қирларга басма-бас.

Тинч океан ўйқу билмай қоялардан ошароқ,
Қўшиқ қуйлаб дарёларни, денгизларни қўзғатар.
Тонг отишин кутиб, эвоҳ, минг тўлғаниб тошароқ,
Яна тонгда шу заминни, китталарни уйғотар.

Тонг отдими, ором бермай ўзин отар одамлар,
Ғуборларин ювиш билан оворадир бир умр.
Афсуе, унинг пок кўксига гимирлашиб бу дамлар,
Ракетаю бомба юзар, лазер юзар — ажал-нур.

Ҳа, нур бериб асабигу тинчлигингни бузадир,
«Синов» дерлар «гумбир-гумбир» портлашларнинг отини.
Шундай, тун-кун галамислар янги режа тузадир,
Сир тутишиб элу юртдан қотил «кашфиёт»ини.

Вулқон сабаб янги орол яралди деб гап тарқар,
Аслида-чи, бу ёнишлар кўксин қилмиш жараҳат.
Эй, одамлар, билиб қўйинг, океан чайқалса агар,
Виз яшаган ушбу замин сув ости бўлур фақат.

Етмасмиди ер тубида, гоҳ ҳавода синовлар,
Қуёшни гар солсак арзир изимизга, одамлар.
Коиотнинг жанг майдони бўлишини бировлар —
Истаб қолди, безовтадир, безовтадир бу дамлар.

Ахир, сувга тупурганини басир бўлар, дейдилар,
Сувсиз бир кун яшамоклик мумкин эмас ҳеч қачон.
Океан сабр қосаи ҳам бир кун тўлар, дейдилар,
Тинч баҳр деб атаган ким, қай донишманд, қай инсон?!

Тинч океан тинчлик нима билмас, аён жаҳонга,
Ахир унинг тинч бўлишин истамаган одаммас.
Бу дунёга тинчлик керак, тинчлик керак ҳар жонга,
Ўз ҳолига қўйинг энди тинч баҳрни ҳар нафас!

Ёмғир тонгда шаррос қуяр
Тарновларни тўлдириб.
Майсаларни қучиб, суяр,
Булутларни қулдириб.

Пуфакчалар ялтирашиб,
Шода-шода балқадир.
Ўз йўлидан гоҳ адашиб,
Йўлақларда қалқадир.

Деразамни чертиб ўтар,
Наврўзнинг келинчаги.
Пешвоз чиксам ҳайрон этар,
Мажнунтол беланчаги.

Тақиб олган у сочпопук,
Нақ зумраддан баргаги.
Ёр нафасин шамол елир,
Бу баҳорнинг дараги.

Ёмғир баҳор рангин
суртиб —

Кетар ариқ бўйига.
Ялпиз чиқар бўртиб-бўртиб,
Шошар наврўз тўйига.

Дов-дарахтлар тўйга келар,
Бошда шоҳи тугунча.
Ўлкам узра бир куй елар,
Жонга роҳат о, бунча!

Ўша куйнинг адосиман,
Токи тирик эканман.
Мен баҳорнинг фидосиман,
Токи тирик эканман.

Қуйга солиб қалб торини,
Наврўз тўйин тўйлагум,
Она юртининг баҳорини,
Ўмр бўйи қуйлагум.

Андижон

олмаймиз. Фақат уларнинг сўзларини келти-
риб ўтамиз.

— Водийдан кўчиб келган чўлқуварлар-
дан умидимиз жуда катта эди, — дейди
совхоз директори Аҳмаджон Турсунов. —
Улар яшаётган шароитни ўз кўзларингиз
билан кўрдиларингиз. Лекин, афсуски, мана
ғўзаларнинг аҳволи... Суғоришни вақтида
ўтказинлар, деймиз, ариқ тўла сувни кўрса-
тамиз. Аммо, битта эгатдан сув ўтгану уч-
тўртта эгатга сув умуман очилмаган. Билма-
дим, Эргашали дўстимиз сувчиларни яхши
танлай олмаганми?.. Фикримча, Москва
районининг раҳбарлари чўлга одам юбо-
ришда пахта илмини билган мутахассислар-
ни танлашга аҳамият бермаганлар. Қаранг,
ахир, пахтачиликда ном чиқарган водийдан
келганларнинг ғўзаси шунақа бўлиши ке-
ракмиз?

— Аҳмаджон акамнинг гапларида жон
бор, — дейди Эргашали Раҳимов — Ғўзала-
римиз бошқа бўлимларидан фарқ қила-
ди. Лекин ишончим комилки, бу йилги
плани албатта бажарамиз, пландати
500 тонна пахтага бемалол берамиз. Пахтаси

дुरुст, яхши ишлаётган бригадаларимиз
ҳам бор. Масалан, Ғанижон Турсунов, Азим-
жон Тоҳиров, Абдунаби Солиев бошлиқ
бригадаларнинг аъзолари жуда яхши ишла-
шяпти. Ғанижон Тоҳиров, Рустамбек Исмо-
нов сингари механизматорлар, Абдувоҳид
Ҳурматов, Эргашали Исоқов каби сувчи-
ларнинг ишидан ҳам хурсандимиз... Яши-
рининг фойдаси йўқ, пахта илмига нў-
ноқроқ одамларимиз ҳам бор. Мен уларнинг
номларини айтиб ўтирмайман. Гуруч ҳам
курмаксиз бўлмайди-да, ахир... Чўлга кел-
ганимиздан ҳафа эмасмиз. Бизни яхши кутиб
олиниди. Бўлим аъзоларидан беш хонадон
аллақачон яхши коттежларга ҳам кўчиб
ўтишди. Чўл офтобига, пашшасига биринчи
йилиёқ анча ўрганиб қолдик. Бу йилги
синовдан яхши ўтиб олиш — бизнинг энг
биринчи ниятимиз. Келгуси йили бу йилги-
дан яхшироқ ишлаймиш. Одамларимизни ўз
ўрнига қўйишга, танлашга ҳам алоҳида
аҳамият берамиз. Ахир, ҳар қандай дарахт
кўчат ҳам экилган йили ҳосил бермайди-да.
Эргашали Раҳимовнинг гаплари даврада
ўтирганларни ўйлантриб қўйди.

Мана, пахта йиғим-терими мавсуми давом
этомда. Эргашали Раҳимов бошлиқ бўлим
далаларида ҳам терим машиналари ишга
тушди. Кунлик натижалар ҳар қалай ёмон
эмас: биринчи йили синовдан ўтаётган чўл-
қуварларнинг ўз ваъдалари устидан чиқиш-
ларига ишонса бўлади.

Саратоннинг ғалати табиати бор: кузда ёки
кўкلامда экилган дарахт ниҳолларини икки
тоифага ажратади. Тупроққа яхши ўрнаш-
ган, теранроқ томир ота бошлаган ниҳоллар
туп ёйиб, гурқираб ўсади, айрим ношуд
ниҳоллар янги шароитга кўниқолмайди,
қовжираб қолади.

Андижон областининг Москва районидан
Жиззах областининг Зарбдор районунига кўчиб
келган чўлқуварлар ҳам биринчи саратондан
ўтиб олдилар. Лекин олдинда хали яна
синовларга тўла саратонлар бор. Биз анди-
жонлик чўлқувар дўстларимизга фақатгина
яхши истақлар тилаймиз ва халқимизнинг
яхши ниятли ибораси билан: «Йнги ерларда
туп ёйиб, томир отинглар. Сизлар етиштир-
ган мевалардан бошқалар ҳам баҳраманд
бўлсин!» деймиш.
Хусан ШҒҲҲҲ



ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Рафиқ НИШОНОВ,

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри

БМТ Бош Ассамблеяси 1984 йил 17 декабрдаги резолюциясида БМТ ташкил этилганининг 40 йиллиги муносабати билан 1985 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йили деб нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида таъсис этилган халқаро ташкилот — БМТнинг ташкил топиши асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг ишлаб чиқилиши ва имзоланиши муҳим ўрин тутди.

БМТ Устави 1945 йили 25 апрелдан 26 июнча Сан-Францискода Халқаро ташкилот тузиш юзасидан бўлиб ўтган Конференцияда 50 та давлат вакиллари томонидан ишлаб чиқилганди.

Конференция ишларига СССР, АҚШ, Хитой ва Буюк Британия вакиллари томонидан 1944 йилнинг август — октябрь ойларида Думбартон-Оксда ишлаб чиқилган таклифлар асос қилиб олинди. Устав 1945 йил 26 июнда имзоланди ва ўша йилнинг 24 октябридан кучга кирди.

Польша, Конференцияда иштирок этмаган ва Уставни бирмунча кейинроқ имзолаган бўлишига қарамай, БМТни ташкил қилувчи 51 та давлат группасига кирди. Ҳозирги вақтда ушбу нуфузли халқаро ташкилотга 159 та давлат аъзодир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг преамбуласи (кириш қисми)да БМТни ташкил этиш учун бирлашган барча давлатларнинг, халқларнинг гоёлари ва умумий мақсадлари баён қилинган. Бу гоё ва мақсадлар келажак авлодни уруш офатларидан халос этишдан, асосий ҳақ-ҳуқуқларга инсон ишончини қарор топтиришдан, адолати ва халқаро ҳуқуққа ҳурматни таъминлашдан, социал тараққиётга, планетада кишиларнинг яшаш шароитларини яхшилашга қўмаклашишдан иборатдир. Булар ҳозир — орадан 40 йил ўтгач ҳам, худди урушдан кейинги — ушбу Устав қабул қилинган дастлабки йиллардагидек долзарбдир.

Юқорида қайд қилинган мақсадларга эришиш учун Уставда БМТга аъзо бўлган давлатларнинг муайян принципларга риоя қилишлари кўзда тутилган. Унинг барча аъзолари суверен тенглик принциpidан фойдаланишда, шу билан бирга, улар Уставга мувофиқ ўзлари қабул қилган мажбуриятлари ҳалоллик билан бажаришлари, халқаро мунозарали проблемаларни тинч воситалар билан ҳал этишлари, куч билан таҳдид қилмасликлари ва уни бошқа давлатларга нисбатан қўлдамасликлари керак.

Устав Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бирорта ҳам давлатнинг ички ишларига аралашish ҳуқуқини мутлако бермайди.

Янги вазифа ва проблемаларни ҳисобга олиб, БМТ Уставига баъзи тузатишлар

қилинган. 1974 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси давлатларнинг БМТ Уставига ҳамда халқаро тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, барча халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ташкилотнинг ролини кучайтиришга тааллуқли таклифларини кўриб чиқиш учун махсус комитет таъсис этди. Мазкур Комитет БМТга аъзо бўлган СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби 47 давлатдан иборатдир.

70-йилларнинг ўрталарида Уставга киришган тузатишлар иккита асосий орган — Хавфсизлик Кенгаши ҳамда Иқтисодий ва Социал Кенгаш аъзолари составини кенгайтиришга тааллуқли эди.

Бироқ 80-йилларда баъзи мамлакатларнинг вакиллари Уставни тафтиш қилиш мақсадида унинг бир қатор асосий қондаларига кескин қаршилик қилишди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг делегациялари Уставни тубдан инқирозга учратиш учун бўлаётган ҳар қандай уринишнинг хавфи характерини очиб ташлашди ва шунинг таъкидлашдики, БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишидаги самарадорлигини оширишга унинг Уставини қайта кўриб чиқиш билан эмас, балки унинг қондаларига қатъий амал қилиш йўли билан эришиш лозим.

БМТ асосчиларидан бири бўлган СССР урушдан кейин дунёни қуришнинг адолатли принципларини аниқлашда, БМТ мақсадларини ва Уставининг демократик принципларини ишлаб чиқишда, унинг нафақат қондаларини, балки руҳини ҳам ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнади.

Ҳозирги вақтда БМТ Йилини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар атрофида гоёт кучли сиёсий кураш авж олмақда. БМТ 40 йиллигини ўтказиш бўйича 100 дан ортиқ давлатдан тузилган Тайёргарлик комитетида СССР социалистик ва қўллаб қўшилмаган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида куч-ғайратни кучайтириш йўлидан бормоқда, АҚШ ва унинг иттифоқчилари эса барча ишни қисқартиришга тақаллуф ва БМТга аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда БМТ Уставига хайрихоҳ эканлигини умумий шаклда тасдиқлаш билан чеклашга интилишмоқда.

Совет Иттифоқи ўзининг БМТ Устави мақсад ва принципларига хайрихоҳлигидан келиб чиқиб, шунга ишонч билдирилдики, БМТнинг 40 йиллигини нишонлаш Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар халқларнинг куч-ғайратини ядро уруши хавфини барҳам топтиришга, космосда ва Ерда қуролланган тўхташга, халқаро кескинликни юмшатишга, тинчликни ва халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга сафарбар этувчи қўшимча куч бўлиб хизмат қилиши мумкин ва керак.

1985 йил — иккинчи жаҳон урушида фа-

шизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланган йилни БМТ Йили сифатида нишонлашга қарор қилинганлиги муносабати билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Қирқ йил муқаддам бирлашган куч-ғайрат билан фашизм тор-мор этилди, эндиликда куч-ғайратни инсониятнинг умумий ҳалокати душманига — жаҳон ядро ҳалокати тақдирига қарши бирлаштириш зарур. Жаҳон тақдирини учун муҳим бўлган ушбу ишга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам муайян ҳисса қўшиши керак.

Маълумки, БМТ фаолиятида ҳамма нарса ҳам силлиқ кетаётгани йўқ. Мазкур ташкилотнинг кўпгина ижобий қарорлари амалга оширилмаган. Гап шундаки, БМТ Бош Ассамблеясининг қарорлари мажбурий бўлмай, фақат тавсия қилиш характерига эгадир. Табиийки, бу уларнинг самарадорлигига таъсир этади. Бу, биринчи навбатда, давримизнинг бош проблемасига — қуролсизланишга тааллуқлидир. БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида кўпича Совет Иттифоқининг тинчлик хусусидаги ташаббуслари АҚШ ва унинг НАТОдаги шериклари томонидан пучга чиқарилмоқда, бинобарин, БМТ резолюцияларининг таъсирчанлиги пасайтирилмоқда.

Аммо, шунга қарамай, БМТ ўзининг Уставида қайд этилган мақсад ва принципларни амалга оширишга фойдали ҳисса қўшди. У бир қатор халқаро тангликларни баргараф этишга қўмаклашди. Бундай натижага кўп жиҳатдан, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг, планетамиздаги барча тинчликсевар кучларнинг ютуғи деб қараш мумкин.

Ушбу натижа қонуний характерга эгадир ва жаҳонда ҳам, БМТнинг ўзида ҳам кучларни янгичасида жойлаштириш лозимлигини билдиради. Агар дастлабки йилларда БМТ аъзоларининг бешдан тўрт қисмини Ғарбий Европа, Америка, Британия ҳамжамияти аъзолари бўлган мамлакатлар ташкил қилган бўлса, сўнгги чорак аср мобайнидаги тарихий воқеалар, яъни қарийб барча мустамакка мамлакатларнинг қуллик занжиридан халос бўлишлари шунга олиб келдики, эндиликда БМТ аъзоларининг аксариятини империалистик давлатлар ва уларнинг малайлари эмас, балки социалистик давлатлар, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мустақил мамлакатлар ташкил қилди. Гап фақат миқдорий ўзгаришлар хусусидагина эмас, балки айни бир вақтда рўй берган сифатий силжишлар тўғрисида ҳам боряптики, улар империалистик давлатларнинг мавқени анча кучсизлантирди.

АҚШнинг БМТдаги собиқ вакилларидаан бири, ҳозирда Кўшма Штатларнинг вице-президенти Ж. Вуш ушбу хусусида, шундай вақтлар бўлгандаки, менинг ўтмишдошларимнинг бир имоси кифоя эди ва биз дарҳол

кўпчиликни ташкил қиларди, деб таъкидлаганди. БМТ тўғривчи вакилларининг хотирлашларича, «овоз бериш машинаси»нинг бегўхтов ишлаши учун Қўшма Штатлар бажариладиган иш тартибларига хилоф равишда (алфавит бўйича белгиланган ўринларига амал қилмай) баъзан биринчи бўлиб овоз берарди. БМТнинг ҳаворанг байроғи остида ўтказилган Кореядаги Америка агрессиясининг ёки Конгодаги реакцион доираларнинг БМТ томонидан қўллаб-қувватлангани фактлари ана шу даврга тегишлидир. Эндиликда бундай бўлиши мумкин эмас. Сабаби — мажлислар залига электрон ҳисоблаш машинаси ўрнатилганимас, балки БМТда жаҳон микёсидаги ўзгаришларни акс эттирувчи кучлар нисбатининг ўзгарганлиги туфайли «овоз бериш машинаси» ишладан тўхтади.

БМТнинг сўнги сессиялари Вашингтон юргизаётган сиёсат натижасида дунёда аҳвол кескинлашган шароитларда ўтди. Қўшма Штатлар БМТнинг барча форумларидан ўзининг милитаристик, авантюристик йўлини дипломатия сиёсати ва пропаганда билан ниқоблаш учун фойдаланишга уринмоқда. Америка дипломатлари Вашингтоннинг ёлғондакам тинчликсевар сиёсатига жамоатчиликни ишонтириш учун турли-туман найрангларни қўллашапти. Қолаверса, бу найранглар АҚШ Гренадага ҳарбий босқинчилик уюштирган, «контрас»ни илҳомлантираётган, қуроллантираётган ва ўзи ҳам Никарагуага қарши ҳарбий акцияларга тайёрланаётган, Пентагон янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириётган вақтда амалга оширилмоқда. АҚШнинг сўзи билан иши бошқа-бошқалди БМТда шу даражада равшан ошқор бўлдики, Вашингтон аламиндан ушбу ташкилотнинг ўзини ҳам таҳқирлашгача бориб етди. Бироқ АҚШ БМТни обрўсизлантиришга ҳам, чўчитишга ҳам муваффақ бўлолмади.

АҚШнинг БМТдаги собиқ доимий вакили Ж. Киркпатрик БМТда АҚШнинг нуфузи пасайиб кетаётганлиги тўғрисида ташвишланаётганини айтди. Жумладан, у «БМТда АҚШнинг ишончли иттифоқчилари йўқ»лигини, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида Совет Иттифоқининг таъсири АҚШ никидан кучли эканлигини эътироф этди.

БМТда АҚШ позициясининг сусайиши Рейган маъмуриятини қаттиқ ташвишлантирди. Масалан, кейинги вақтда улар БМТ ролини ошқора пасайтиришдан воз кечишди. Ваҳоланки, Рейган президент бўлгандан кейинги дастлабки уч йилда ҳокимият БМТга нисбатан «керакисиз», ҳатто «зарарли» деган сўзларни ишлатди.

Вашингтоннинг тинчликка, қуролсизланишга ва ҳамкорликка «тайёрлик» ва «интилиш» тўғрисидаги демагогик декларациялари амалга ошираётган ишларига тесқаридир. Америка делегациясининг халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари бўйича, биринчи навбатда, қуролсизланишнинг конкрет масалалари бўйича берган овозини таҳлил қилиш бунга яққол кўрсатиб турибди.

Бош Ассамблея қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича жами 72 та резолюцияни муҳокама этди ва қабул қилди. АҚШ эса резолюциялар лойиҳасига 26 марта қарши овоз берди. (Қолаверса, бир марта АҚШ ўзининг таъйиқи билан овозга қўйилган космосда қуролсизланиш пойғасини бартараф этиш тўғрисидаги резолюциянинг муҳим пункти бўйича қарши овоз бериб, мутлақо яққаланиб қолди). У 10 мартадан кўпроқ у ёки бу қарорни қўллаб-қувватламай, овоз беришдан бош тортди. Агар, қарорлар 20 марта консенсус (овозга қўймай) асосида қабул қилинган ҳисобга олинса, у ҳолда АҚШ қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича овозга қўйилган резолюцияларнинг 80 процентини қўллаб-қувватлашдан бош тортган бўлиб чиқади.

АҚШ кун тартибдаги бошқа муҳим масалаларга тааллуқли резолюциялар бўйича ҳам тахминан шу тарзда (кўпинча яққаланиб ёки бир-икки яқин шериклари

билан қолиб) овоз берди. Бу АҚШ сиёсатининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзо бўлган мамлакатлар аксариятининг манфаатлари ва интилишларига мутлақо қарама-қаршиликдан далолат беради.

СССР эса, деб таъкидлади А. А. Громико БМТ бош секретари Х. Перес де Куэльярга йўллаган мактубида, ўзининг БМТ Уставидаги имзосига мустаҳкам содиқ бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Совет Иттифоқи БМТ ташкил топган вақтдан буён, унинг фаолияти барча босқичларида мунтазам равишда катта тинчлик ташаббуслари билан чиқиб келмоқда. Бу ташаббусларнинг кўпчилигини БМТ маъқуллади, мазкур умумжаҳон ташкилоти аъзоларининг аксарияти қўллаб-қувватлади.

Уз навбатида, Совет Иттифоқи дунёни ҳалокатга маҳкум этмоқчи бўлаётганлар йўлига ўтиб бўлмас тўсиқ қўйиш учун ядро урушига қарши курашаётган катта ва кичик давлатларни актив қўллаб-қувватламоқда.

СССР Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси, БМТ аъзоси сифатида миллий-озодлик ҳаракатларини, барча мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва тинчлик ишини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш учун ўз ҳуқуқидан ҳаммавақт фойдаланиб келди.

Шуни қайд этиш мароқлики, Ўзбекистон вакиллари, БМТ Бош Ассамблеялари сессиялари ишида СССР делегацияси составида иштирок этиб, бир қатор халқаро ва халқаро-ҳуқуқ проблемаларини ҳал этишга муайян ҳисса қўшдилар. Улар сўзга чиқиб, Ғарб ва буржуазия давлатларининг Африкадаги ўзини идора эта олмайди ва васийлик остидаги территорияларга нисбатан империалистик сиёсатини фож килдилар. Уларнинг Жануби-Ғарбий Африка, Танганьика, Того ва бошқа мамлакатларнинг мазкур халқлари манфаатларини ҳимоя қилувчи овозлари ўз вақтида баралла анградди.

Ўзбекистон вакиллари БМТнинг алоҳида органлари ҳамда унинг Иқтисодий ва Социал кенгаш, БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий Комиссияси, БМТнинг Африка учун Иқтисодий Комиссияси, Фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО), шунингдек Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) ва бошқа

ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятида гоят фаол иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг юқорида қайд қилинган ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалари бўйича муҳим халқаро учрашувлар ўтказиладиган машҳур жой бўлиб қолди. Масалан, 1983 йилнинг 2—12 сентябрь кунлари Тошкентда ЮНЕСКОнинг коммуникацияларни ривожлантириш Халқаро программаси (МПРК)нинг Ҳукуматлараро Кенгашининг IV сессияси ўтказилди. Сессия БМТ Жаҳон Коммуникация йили деб эълон қилган йилда ўтди ва 1983 йили ЮНЕСКО томонидан СССРда ўтказилган энг йирик халқаро тадбир бўлди.

Сессия ишида МПРК Ҳукуматлараро Кенгашига аъзо бўлган 35 давлатнинг расмий ҳукумат делегацияларидан ташқари, бир қатор халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг регионал информация системаларидан делегация ва кузатувчилар катнашдилар.

МПРКнинг Тошкентдаги сессияси вақтида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилиндики, улар «информацион империализмга қарши янги халқаро информация тартибини қарор топтириш учун курашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди».

БМТнинг халқаро муносабатлар система-сидаги ўрнини реалистик баҳолаб, шуни тўлиқ асос билан айтиш мумкинки, мазкур Ташкилот ўзига аъзо бўлган давлатлар унинг мақсадларига эришиш учун сабот билан биргаликда куч-ғайрат сарфлашган, хозирги ва келажак авлод тақдири учун БМТ Устави бўйича ўз зиммаларига олган масъулиятга мувофиқ ҳаракат қилган ҳолларда кескин халқаро проблемаларни ҳал этишга ижобий ҳисса қўшишга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, мунозарали халқаро масалаларни куч билан ҳал этишнинг душмани бўлган Совет Иттифоқи БМТга тинчликнинг таъсирчан қуроли сифатида катта аҳамият бериб келди ва бераверади ҳамда бундан 40 йил муқаддам БМТга асос қилиб олинган адолатли, демократик принциплар халқаро муносабатлар амалиётида мустаҳкам қарор топиши учун янги ташаббуслар билан майдонга чиқаради.



КПСС XXV съезди номидаги Урганч пиллакашлик фабрикасининг ишчиси, съездолди меҳнат вақтасининг зарбдори Ҳалима Худойберганова.

Қ. Отаев фотоси (ЎЗТАГ)

ЙИГИТНИНГ БАХТИ

Ҳарбий хизматдан қайтган Абдурашид ўзаро маслаҳатда: «Нима бўлса ҳам заводга ишга қираман», деди ота-онасига.

— Ўзинг биласан, ўғлим. Омадингни берсин, — деди отаси Мели ака.

— Биттанг шаҳарда ишляясан-ку, шу етмасиди? Сен ҳам аканинг ортидан борасанми? Қишлоқда қолсанг бўларди, болам, — деди онаси Хайри хола. Абдурашид эса:

— Нега хафа бўласиз, акамнинг ёнида ишласам нима бўпти? — дея онасини юпатган бўлди.

Заводда ишлаш унинг учун завқли туюларди. Яна қанақа корхонада денг. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Самарқанд лифт-озолик заводиди-я. Эҳ-хе, у акасидан завод ҳақида кўп бор эшитган. Акаси Бахриддин корхонада шофёрлик қиларди. Абдурашид акасининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутиб турар, ҳар куни ундан албатта бирор янги гап эшитар эди. Хуллас, корхонада юз бераётган ҳар бир янгилик ва ўзгаришдан Абдурашид хабардор эди.

Қадрлар бўлимадиғилар Абдурашиднинг илқ, самимий кутиб олиши:

— Сендек билагига куч югурган йигитлар бизга жуда керак, — дейишди улар.

Цех бўйлаб борар экан, дастгоҳларнинг қулоқни қоматга келтириб гувилаши, пайвандлаш агрегатларидан сачраётган учқунлару коржома кийган ишчиларнинг қўли-қўлига тегмай қилаётган ҳаракатлари тобора сеҳрларди уни.

Абдурашид ўзига ишонган йигитлардан эди. Шу тўғрисида у анча-мунча ишни кўрдим демасди. Ҳарбий хизматдаги пайтларда ҳам худди шу характери учун бошиқлардан доимо раҳматнома эшитарди. Шунинг учун ҳам унинг кўзига заводдаги ишлар жўн кўринганди.

Уни участка бошлигининг хонасига олиб киришди. Бошиқ ёлғиз ўзи қандайдир қозоғга термулганча ўтирарди. У Абдурашиднинг саломига боши билан алик олиб, ўтиришга жой кўрсатди. Бир оздан сўнг йигитга юзланиб:

— Сизни сиртдан таъриф қилишди. Жуда ажбир йигит, дейишди, — деди.

— Ҳа, шу заводда ишламоқчиман, — деди Абдурашид босиқ оҳангда.

— Тўғри қиласиз. Сиздақанги ёшлар биз учун жуда керак. Ахир, юкимизнинг тенг ярмини сиздек ёшлар кўтаришяпти.

— Ушалардан ўрнак олиш керак, демокчимисиз?

— Ҳа, балли.

— Ҳаракат қиламан.

Шу топда хонага: «Мумкинми, қақиртирган экансиз», дея ёши элликлардан ошган, кўринишидан зуваласи пишиқ бир киши кириб келди. Бошиқ эса:

— Келинг, келинг, ўртоқ Третьяков, — дея ўрнидан туриб ҳалиги кишига қўл чўзди. — Ҳа, қақиртирганчим, Борис Петрович. Яна бир муҳим иш чиқиб қолди.

— Хўш, хўш.

— Мана бу йигитчани, — у боши билан Абдурашидга ишора қиларди, — тарбиянгизга олсангиз. Бўладиган болага ўхшайди.

— Бу ёғини бизга қўйиб бераверинг.

— Сизга муваффақият тилайман, — дея бошиқ Абдурашиднинг қўлини қисди.

Улар олдинма-кейин хонадан чиқишди. Абдурашид иши бунчалик осон кўчишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Вугун қабул қилишса, икки-уч кундан кейин келиб ишни бошласам керак, деб ўйлади. Йўқ, ҳамма жойда қисқа-қисқа суҳбат қилишгач, дабдурустанда цехга йўллашди.

Цехдаги ишлар Абдурашид кутгандек осон эмас, эртдан кечгача обқда тик туриб у ёқдан-бу ёққа югурмаса улгуриб бўлмайди-

ган иш экан. Аввалига роса қийналди. Металлни келтирса, сир беришда шошиб қолди. Бундай пайтларда устози Борис Петровичнинг маслаҳатига таянди, унинг измидан чиқмади. Олти ой деганда цехдаги ишларни ҳар қолда эплайдиган бўлди.

Цехда муҳим юмушлар — лифтларнинг ташқи томонларига ишлатиладиган деталларга сир бериларди. Бошқача айтганда, лифтларнинг чиройли, кўркем бўлиши шу цехдаги кишиларнинг меҳнатига боғлиқ. Бир қарашда бу юмушлар осондек туюларди кишига. Бироқ битта деталга зев беришнинг ўзига хос машаққатлари бор эди. Масалан, тайёр деталь аввало химикатлар ёрдамида яхшилаб тозаланади. Сўнгра у электротит суюқлигига солиниб, унга маълум ҳажрат беришади. Шундан сўнг деталга хром — сир югуртирилади. Бу ишлар технология асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳар бир деталнинг технологик схемаси — паспорти бор. Иш, ўлчам, вақт шунга қараб баҳарилари. Борди-ю, сал англашилмовчилик юз берса, сир кўчиб, детал брак чиқиси мумкин. Абдурашид бу технологик жараёнларни кўравериб кўзи анча пишиб қолди.

— Энди сенга ишонса ҳам бўлади, — деди бир куни Борис Петрович унинг қўлини маҳкам қисиб.

Бу устознинг шогирдига бўлган ишончи эди.

Абдурашиднинг мустақил ишлаш бошлаганига ҳам мана ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда цех ва корхона ҳаётида, ишчилар турмушида эҳ-хе, қанчадан-қанча ўзгаришлар юз берди. Заводда янги-янги линиялар ишга туширилди, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берадиган янги қувватлар ўрнатилди. Хуллас, корхона лойиҳа қувватига чиқиб олиб, унинг маҳсулоти — пассажир лифтига давлат Сифат белгиси берилди. Ҳозир маҳсулотнинг 70 проценти ана шу фахрли белги остида тайёрланмоқда.

Абдурашид мана шулар ҳақида ўйлаганда қалбида қандайдир гурур, ишидан қониқиш ҳиссини туяди. Ахир, қувонмай, фахрланмай бўладими. У ҳам ўз бахтини, шон-шухратини мана шу корхонадан — меҳнатидан топди.

Абдурашид бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббускорларидан бири сифатида майдонга чиққанида участка бошлиги ҳам, устози Борис Петрович ҳам гоят хурсанд бўлиб, «Устоздан олмаган шогирд шогирд эмас», дейишиб уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишди. Еш ишчининг самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Яқиндагина у партия аъзоллигига қабул қилинди, кўксини эса «Шавкатли меҳнати учун» медали беади. Шундан кейин ютуқлар кетидан ютуқлар келаверди: Ўзбекистон ЛКСМ XXII сьездининг делегати бўлди; 1982 ва 1984 йиллардаги иш натижалари бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

1984 йил ёш коммунистнинг ҳаётида ўчмас из қолдириди. Абдурашид беш йиллик плани икки ҳисса адо этганлиги учун Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. Оддий қишлоқ йигити учун бундан ҳам ортиқ бахт ва толе борми ахир!..

Дарвоқе, беш йиллик тошпирикни жонажон партиямизнинг XXVII сьезидигача удалашга сўз берган Абдурашид Мелиевнинг ҳаётида яна бир янгилик юз берди. У Ватанимиз пойтахти — Москвада ўтказилган жаҳон ёшлар ва студентларнинг XII фестивалида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

Абдурашид ўзи эришган ана шу меҳнат ютуқларида бутун коллективнинг муносиб ҳиссаси бор, деб ҳисоблайди. Чунки заводга олиб келганлар ҳам, ширин сўз билан қаршилаганлару қўлини ишга ўргатганлар

ҳам шулар. У коллективнинг кучини шу ерда кўрди, сиёсий жиҳатдан шу ерда етилди.

— Абдурашид Мелиевнинг ёшларга хос ғайрат-шижоати кўпчиликка ибрат бўларли, — дейди корхона партия комитетининг секретари Нажмиддин Абдурахмонов. — Уни завод комсомол комитети секретарининг ўринбосари этиб сайлашиб жуда тўғри қилишган. Абдурашид ёшларнинг дилижони. Уни доимо ёшлар ўртасида кўрасиз. Туризм, балиқ овлаш спорти, турли мусобақалар, бадий ҳаваскорлик кўриклари дейсизми, ҳаммасида фаол етакчи. У бошқарётган кинохаваскорлик тўғраги билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Абдурашид Мелиев қаерда бўлмасин — хоҳ цехда, хоҳ комсомол комитетида бўлмасин, фақат бир нарсаси — корхонанинг бугуни, эртаси ҳақида ўйлайди, қайғуради. Чунки ҳали заводда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, тадбирлар жуда кўп. Бир вақтлар шухрати доврў таратган корхона негадир кейинги йилларда депсиниб турибди. Пиланлаштирилган тадбирлар баъзан бажарилмай қолаётир. Масалан, заводдаги кўпгина юмушлар ҳанузгача қўл кучи билан бажарилмоқда. Тайёрлаш цехига алақачон автомат-роботлар ўрнатилиши керак. Бошқа цехлардаги юмушлар ҳам механизация гарданига юклиниши лозим.

Аммо бу тадбирларни амалга оширишда сустанглик қилинаётир. КПСС Марказий Комитетида фан ва техникани тақомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган кенгашда ўртоқ М. С. Горбачев корхоналардаги бундай ҳолларни кескин танқид қилди. Бу тадбирларнинг изчил амалга ошиши учун барча жонбозлик кўрсатиши лозим.

Еш коммунист ҳам ана шу муаммолар ечими ҳақида бош қотираётир.

Адхам ҲАИТОВ,
Нормуҳаммад САЙФИДДИНОВ
Самарқанд шахри



Форин район Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қахрамони Қобил Алқаров КПСС XXVII сьезини муносиб кутиб олиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси

ЧОЛЛАР

(ҲИКОЯ)



Хожимурод ота уйқу-сида беҳосдан чўчи кетиб, қаравотдан кулаб тушаёзди. Туш кўрибди. Тушида тенгкур жўраси Омон билан қишлоқ яқинидаги дарёда ким ўзарга чўмилишиб юрганмиш. Дарё шунчалик тез оқарканки, кўз очиб юмгунча одамни елдай учириб кетармиш. Омон ўз кучини кўрсатмоқчи бўлиб оқимга қарши сузган экан, оқим уни чирпирак қилиб орқага улоқтирибди. Унинг кетидан Ҳожимурод қулочкаш-лабди. Етай-етай деганда, Омон сувга шўнғиб кўздан ғойиб бўлибди. Ҳожимурод анча ергача сузиб бориб уни тополмагач, фарёд уриб, ўз овозидан ўзи уйғониб кетибди...

Отанинг юраги ғаш торғди. Кўнгли алланечук беҳузур бўлиб, кампирни ҳозирлаган нонуштага ҳам қарагиси келмади. Обёқ устида бир пиёла чай ичди: «Гузарга чиқиб келай» деб жўнади. Кампир эса: «Оч-наҳор қакка борасиз! Ҳавонинг авзойини қаранг. Шундоқ пайтдаим уйда ўтиргингиз келмаса-я!», деб жавраганча қолди.

Ҳожимурод ота бугун сарта-рошликда соч-соқолини тарашила-тиб, ҳаммомга тушиб, пешиндан кейин бир танишиникига тўйга борадиган эди. Лекин бу аҳдидан қайтди. Қўшни қишлоқда яшовчи кадрдони Уста Омонни кўргиси келди. Неча кундан бери шу фикр дилидан ўтардию, кеч кузак ҳаво-си айнаб, усти-устига шаррос ёмғир куйиб, йўли тўсилиб қолган-ди. Бугун ҳам осмону фалақини қора булут қоплаб, борлиқ зими-тонга айланган; совуқ изирини изиллатиб турган бўлса-да, тунги алог-чалог туши тинчлик бермади. «Борай-чи, ахволи нима кечдикин? Еки ерга бағрини бериб ёта-ёта мажолдан кетиб... Йўғ-е, худо сақласин!»

Кўз олдига бундан икки ойча бурун кетган қайғули кунлар келди... Ҳожимурод ота ўз ҳовли-сида уста Омонга иморат қурди-раётган-ди. Мақсади ёгингарчи-ликка қолмай томини ёптириб, неварга тўйи қилиш эди. Иморат битган куни қуюқ зиёфат бўлди. Элётарга бориб уста кетмоқчи

бўлди. Ҳожимурод ота уни қўй-мади. Уста ўз хотини Жаннат бувининг шу кунларда сал сир-қовлашиб юрганини биларди-ю, дўстининг раъйини қайтаролма-ди.

Эрталаб юрагига гулгула туш-ди-да, ўрнидан турасолиб йўл-га чиқди. Ҳаллосланганча уйига борса... не кўз билан кўр-син, хотини абадий уйқуга ке-тибди... Омон ота бир зум ра-воннинг қия очилган деразасига юзини бурганича қимирламай ётган хотини тепасида донг қотди. Ҳуши бошидан учиб, аъзойи ба-данини титроқ босиб, не қиларини билмасди. Жаннат буви очик қолган ювощ қўй кўзларини эри-га тикиб, ҳар вақтдагидай маъсу-мона, мулойим оҳангда: «Ўзи-нгизни тунинг, дадаси. Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сал уйқу элитди, чамаси...», деяётгандек эди. Ҳа, ҳа, у кечаси билан ойинани очиб қўйиб эрини кутган, қойнаҳой ахволи танглашганда, ёрдам сўраб чақирган, ҳеч ким додини эшитмаган...

«Шунчалик омонат бўлиб қол-ганмидинг-а, Жаннат! Гафлат босибди мени, гафлат! Дард энгиб қўйган экан-у, бир оғиз дардин-ни билдира қолмабсан. Чолим-нинг юраги увишмасин, дединг-ми-а? Ҳар вақтдагидай мени аядингми-а? Аттанг, аттанг!»

Омон ота кўп йил бирга умргу-заронлик қилиб, қўша қаригани, якка-ёлғиз суянчиги, дардаши, вафодор, мунис рафиқасидан бе-вакт жудо бўлганига асло ишон-гиси келмасди. Унинг охириги сўзини эшитиб, рози-ризолик ти-лашиб қололмаганига ўртанарди. Эҳ-е, улар узоқ умр бадалида озмулча иссиқ-совуқ кунларни кечирганмиди... Улар ҳали ке-лин-куёвлик лазазини тотиб ул-гурмаёқ қишлоқни босмачи бо-либ, коммунистлар қатори бу-ларнинг уйига ҳам ўт қўйганда... қулоқлар қаршилигини энга-энга қолхоани обёққа тургазганда... Ва-тан урушининг даҳшатли йўлла-рини ўтганда... Ҳамма ерда Омон-нинг юрагига қуч, белига мадор бериб турган шу хотини эмасми-ди! Йўқчиликлар ҳам, жудолик-лар, турмушининг бўлак укубатла-ри ҳам эр-хотин ўртасидаги итти-

фоқ, меҳр-оқибатга путур етқа-золгани йўқ.

Уларнинг фарзанддан толе-лари бўлмади. Ешлари қирқдан ошгандагина Жаннат бир ўғил туғиб берди. Унга Замон деб исм қўйишди. Кўрган-кечиргани шу ўғил бўлиб, эр-хотин бор орзу-умидларини шунга боғлашди. Ўғил вояга етгач, Москвага бориб ўқишни ҳавас қилди. Бир кетган-ча етти йил қолиб кетди. Ота-она уй-жойни саришталаб, қўшалок кўчқор боқиб, тўй тарадудини кўриб туришганда, Замон жуфт бўлиб кириб келди. Қаллиғи кўх-ликкина, Замон билан бирга ўқи-ган экан. Ота-онанинг тарвузи қўлиқларидан тушди. Бирмунча вақт уста Омон дўст-ёрлари ичида музтар бўлиб юрган бўлса-да, Жаннат хола ҳар чоғдагидай кенгфёшлик қилди: «Бўлар иш бўлибди, майли, дадаси, юлдузи юлдузига тўғри келибди. Иқболи-ни сўрайлик, ўзидан кўпайсин...»

Улар кўчқорнинг бирини сў-йиб, ўртамиёна қозонда ош дам-лаб, қишлоқни чақиритди. Тўй бўлмаса ҳам тўйчадек ўтиб, келин келгани, ҳар қалай, элга ошқор бўлди. Энди устанинг кўнгли хиёл ёзила бошлаганда, келин-нинг хархашаси чиқди. Олди равон қилиб қурилган икки уйча-нинг бири келинга торлик қилди. Асли тошкентлик бообруь хона-дондан чиққан қиз қишлоқ бур-чагидаги пасткам бир эскича қулбага кўнника қолармиди. Айниқса, бола кўришгач, уйнинг торлиги жуда билиниб қолди. Замон хотинининг димоғ-фиро-ғига аранг чидаб, унга сабр бериб юрган кезларда зилзила бўлди хом гишдан қўтарилган бу кўх-на бино қаттиқ шикастланди. Бошқа қўшниллар қатори булар ҳам бир неча ой чорвоққа қапа тикиб ўтиришди. Охири Замон шу-жаҳадга кўп қаватли бинодан уй-жой олиб кўчди. Жаннат буви чакалоқ бағ-буғига ўрганиб, елиб-югуриб юрганди. Бирданига юпанчигидан ажралиб юраги увишиб қолди.

Бу нарса устага кўпда билин-масди, бугун вақти қолхоз қури-лишларида ўтарди. Зилзила унинг ишини яна кўпайтириб қўйди. Жаннат буви сийир-бу-

зоққа қараш, резавор экинларни ўташ, сугориш каби юмушлар билан қуйманиб вақтини ўтқа-зишга ҳаракат қиларди-ю, гоҳида ёлғизлик жонидан ўтиб кетарди. Шунда ҳам эрига нолимасди. Фақат бир марта, ўшанда ҳам ёлборгансимон деди:

— Дадаси, уй-жойни вақтида тузата қолганингизда, болалар бағримиздан чиқиб кетишмасми-ди балки...

— Э, хотин, бу жойни тузатган-нинг билан манзур бўлармиди. Ешларнинг иштаҳаси бўлакча, тушунмайсан...

— Тушунганим билан нима қилай, инсофга қақирсангиз бў-лармиди. Яккаю ягона боламнинг дийдорига зор бўлиб ўтираверай-ми?

— Ахир айб мендами? Ўзинг-дан кўр... — деди Омон ота, у ёри-га ўтмади. Илгари ҳам кампир шу йўсин нолиш қилганда Омон ота: «Ўзинг ҳам ҳосил даррахта ўхша-маганингда, бу кунларга қолмас-динг!», деган эди. Бу гап беҳос оғзидан чиқиб, хотинининг дили-ни қаттиқ оғритганди, ёшлик давридаги дил ярасига туз сеп-ганди. (Ҳа, ёш келин-куёвлик чоғлари йилдан-йилга фарзанд қотавериб тоқати тоқ бўлган Омон бир гал мастлик билан: «Турсанг тургин, бўлмаса устингга хотин оламан», деб юборган эди...)

...Жаннат буви оламдан ўтди. Дафи маросими тугади. Хароба ҳолига тушиб, бий даладай ҳу-вилаган уйда танҳо қолган Омон отани даҳшат босди. Оғир муси-батни кўтаролмай, ётиб қолди. Ваъзан ўғли, кўпинча эса бева синглиси, жияни келишиб, иссиқ-совуғидан ҳабар олиб туришди. Қўни-қўшниллар ҳам йўқлаб ту-ришарди-ю, негадир бир кўрпада катта бўлган дўсти Ҳожимурод дараксиз эди. Бугун ана шу дўстининг пайдо бўлиши Омон ота учун худди Хизр йўқлагандай бўлди. Неча хил андишаю ха-дикирашлар билан кирган Ҳо-жимурод ота ним қоронги уйда чалқанча ётган ўртоғига кўзи тушибоқ, чўчиб кетди. Омон ота дўсти истиқболга қаддини ростламоқчи бўларкан, Ҳожиму-род ота илдамроқ келиб ёнига

чўкди, ётган жойида елка қоқишди. Сўнг иккови оғир сукутга кетди.

Ҳожимурод ота етмиш беш ёшда, суяги бузуқ, япалоқ бўлгани учун полвон лақабини олган. Уста Омон эса учкам саксонда, аммо чайир, ихчам бўлгани учун полвондан ёшроқ кўринарди. Ҳозир эса полвонга муштарай бола тахлит яна ҳам кичрайиб кетгандай туюлди. Полвон ўз дўстининг қаровсизлигидан хуррайдик кетган соч-соқоли, оппоқ қош-киприклар ёпириқдан сўниқ кўзларига ер остидан разм солганча ўша мотам кунларини куюниб ёслар, янғасининг бемаҳал вафотига ўзини ҳам айбдордай сезиб, ичичидан азилар эди. Бу туйғу дафн маросими пайти яна кучлироқ эди. Ушанда ўз ёғида қоврилиб унсиз фарёд чекаётган дўстининг, сал бўлса-да, юпатиш учун тили қалимага келмади, ҳатто унинг ёнига яқин йўлломлади. «Омонни ўша оқшом уйимда олиб қолмаганимда ўз уйига етиб келиб, балки хотинининг касалига даво топармиди», деб пушмон еярди у. Омон ота эса ўша хайрсиз тунини андуҳ-надомат билан ёслардио бунинг учун бировни айблашни одамгарчиликдан деб ўйламасди, хотинининг ўлимига яқкаю яғона сабабчи деб ўзини биларди. Вечоранинг дардини ўз вақтида пайкаб шифокорларга қаратолганидан, васиятини эшитиб, рози-ризалик тилашиб қололмаганидан армонда эди. Яна бошқа армони ҳам бор эдию ёлғиз ўзига аён эди.

— Узинг қалайсан, ўртоқ? — деди ниҳоят Ҳожимурод ота.

Аста қаравотдан хонтахта ёнига тушиб ўтирган Омон ота оғир жимликдан сўнг, хафта товушда: — Узимни сўрама, — деб қўйди. Етавериб дармонсизлангани суст ҳаракатларидан кўриниб турарди.

Ҳожимурод ота бошқа нарса сўрамай, ўрнидан туриб, чакмонини ечди. Электр чироқни ёқди, дераза форточкасини очди. Шунда кўзи тоқчада турган патнисдай мрамар лавҳага тушди. Лавҳанинг ўртасига кампирнинг фотосурати ўрнатилган бўлиб, остига сўзлар ёзилганди. Ҳожимурод бунни кўриб кўрмасликка олди. Заҳлаб, могор иси босян уйга дераза туйнукчасидан соф ҳаво кираркан, Ҳожимурод ота деди: — Сездингми, ташқари совуқ. Бу уйни иситиш керак. Тунука печка бормиди?

— Бор. Болалар келса қуриб беришар, — деди Омон ота. Кейин ўйлиниб қолди. — Сандал ҳам тузуқ...

— Маъқул гап. Лекин болалар қачон келарди? Қор ташлаб бера, совқотиб қоласан-ку, — деди Ҳожимурод ота. Ҳали кўчадан кириб келишдаёқ, чорвоқка бу яқинда супурги темай, ҳамма ёқ хас-хазон қалашиб, кўчиб кетган ховлидай ивириб ётганини кўрганди. Дўстини шу ахволда ташлаб кетгиси келмади. Ундан сўраб ўтирмай чорвоқ бурчагида ўргимчак уя босиб ётган сандални тозалаб, уйга киритди-да, ўз жойига ўрнатди, устидан кўрпа ёпди. Олов тайёрлаш ҳаракатига тушганди, Омон ота вақтинча электр плита қўйиб турадиган бўлди. Икки қария чой тайёрлаб,

сандал атрофида узоқ ҳасратлашиб ўтиришди. Энди Ҳожимурод ота ҳадисирашдан қутулиб, ўзини дадилроқ тута бошлаганди.

— Омонбой, — деди у оғир ботмайдинган қилиб, — бу ётишингда ўзининг абгор қилиб қўясан. Мундоқ қаддингни кўтариб, ул-булга урингин, уёқ-буёққа боргин. Одам таптини одам олади.

— Уёгини сўрасанг, синглим ўз уйига олиб кетмоқчи. Лекин марҳуманинг чирогини ўчириб, бутунлай ташлаб кетгим йўқ, — деди Омон ота кўзини тоқчадаги мрамар лавҳага тикиб. — Муни раис ўғлим тўрилатиб берди, ба-рака топгур. Қабрига ўрнатмоқчиман. Йиллигида. Ҳозирча меҳмон бўлиб турсин. Кўз олдимда. Меҳрибонганим ўз оти билан жаннатга эди. Кўриб ҳасратлашиб турман, сал таскин топади юрагим. Бирпас кўрмасам дарди дунём қоронгулашади, ҳайё-ху деб оламдан чиқиб кетгим келади..

— Суф сенга-е, тентак! — деди дўстининг кўзларидан милт-милт оққан ёшни кўриб полвон, бурунгича оддий муомалага ўтиб. — Юрагинг дарё эди. Сув келса симириб, тош келса кемириб ўтадиган одам эдинг. Дунё кўргансан. Шукр, эл-юрт олдида юзинг ёруғ. Қиргин-баротда қатнашган, кимсан будённийчи отлиқ аскар, ўлим билан юзма-юз олишган пахлавон-а!..

— Шундай дейсан-у, аммо кампирин олдида...

— Ҳа, кампирин билан ёмон яшабсанми? Баҳамжихатлик, тотушлиқда умр кечириб, қўша қариш бундан ортиқ бўладими?

— Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи биледи... Сендан ўтмаганим, Ҳожим? Умрингда хотинингга хиёнат қилмаганмисан, ҳеч-а? Ҳа, гапир!.. — Ҳожимурод дўстининг маънодор боққан нигоҳига дош беролмай, ерга қаради. Унга дўсти қўлини бигиз қилди. — Утган гапга салават дегин-а? Менга қара, Ҳожим, инсофга келиб, хотининг дилига заррача озор етказма. Иложини топсанг, бир кун ҳам ундан кейинда қолақўрма!..

Ҳожимурод ота дами ичига тушганча узоқ хаёлга чўмди. Шу аснода не-не воқеалар кўз ўнгидан ясов тортиб ич-ичини кемириб ўтмади... Меҳмонни оғир ҳолатдан қутқариш учун Омон ота:

— Қорин ҳам очди. Холодильникда шўрва бор. Шунини олиб иситсак, — деди.

Полвонга жон кирди. Дўстини уринтирмасдан бу ишни алоҳида ҳафсала билан ўзи адо этди. Иссиқ шўрвага суви қочган нон тўғраб иштаха билан тановул қилишди. Танлари яйраб, аҳвол руҳиялари хиёл ўзгаргач, Ҳожимурод ота ўз дилига тугиб келган муддаони очишга фурсат етди, деб ўйлади. Бироқ сўзни нимадан бошлашини билмай хийла вақт иккиланди. Охири ясама томоқ қуриб, узокдан даромадини келтириб, қимтина-қимтина деди:

— Сенга ўргаттулик йўқ, ўртоқ, киши қаригандан кейин ёлғиз яшаши қийин бўлади, албатта. Етиш-туришинг бор, иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дегандай. Одамга тан маҳрам керак... — Омон ота сергақлашиб, суҳбатдошига ўқрайиб олди. Полвон бошлаган сўзини давом эт-

тирди. — Агар маслаҳатга юрсанг, бошингни иккита қилиб...

— Нима, нима! — деб бақириб юборди уста. — Сен менинг ўрнимда бўлсанг шундай қилармидинг, бетавфиқ?

Полвоннинг қапалаги учиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Сенга юрагим ачингандан айтувдим... — деди полвон нафаси ичига тушиб.

— Юрагинг ачимай қўя қолсин! — Уста олдингидан баттарроқ ғазабланиб ўрнидан турдию чопонини елкасига ташлаб, ҳасса таянганча ташқарига чиқиб кетди.

Полвон ҳайрат ичига нима қиларини билмай ўтирарди. Анча кутгандан сўнг, у ҳам чакмон ва этигини қийиб ташқарига чикди. Чорвоқнинг ичкарида у ёқдан-бу ёққа айлиниб юрган Омон ота бунга қайрилиб ҳам боқмади. Ҳожимурод унинг яқинроғига борди-а:

— Ахир, чин дўстим, деб ҳаддим сиғиб гапирсам, сен... — дейиши билан, уста унинг гапини чўрт кешиб:

— Бор, бор кўзимга кўринма! — деб дағдаға солди.

Ҳожимурод полвон мулзам тортиб қаққайганча турди-турди-да, кейин сувга тушган мушукдай шалпайиб судралганча кўчага чикди...

* * *

Полвон анча вақтгача ўзига келолмай юрди. Жонажон дўсти

уйидан ҳайдалгани қанчалик жон-жонидан ўтмасин, барибир ўқтин-ўқтин унинг аянчли аҳволи кўз олдига келиб юраги ачирди. Қиш кириб, кундан-кун совуқ қаҳрига олди. Ҳамма ёқни оппоқ қор босиб, йўллар яхмалак бўлди. «Сал кунлар илиса, Омонни бир қўриб келсам. Уйига киритмай, эшикдан қайтариб юборса ҳам майлийди», деб ўйлаб юрди.

Қишнинг қаҳри қайтиб, ерлар шилт-шилт бўлиб, бўғотларда сариқ сумалак кўриниб қолди. «Ана энди борсам бўлади», деб чамалаб турганда, бир танишидан уста Омоннинг узоқ вақт касалхонада ётиб чиққани, қариндоши ўз уйига олиб кетганини эшитди.

Қўклам ҳавоси дала-даштини кўм-кўк майсаларга қолади, ўрик, олчалар оппоқ гулга бурканди. Юрак қизиб, жон-жондорлар сайри ҳаво истаб, яқинлар бир-бирларини кўмсаб қоладиган кунлар. Ана шундай кунлардан бирида Ҳожимурод полвон ўз қўли билан ош дамлаб бир тоғорчага босди-да, қўшни кишлоқ сари йўл олди. Таниш кўхна кўрғончага етганда, қутилмаган манзарадан кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетди. Кўрғонча дарвозаси ланг очик, ичкаридан одамларнинг говур-гувури эшитилмоқда эди.

— Узи нима гап? Тинчликми? — деди ўзини йўқотаёзган полвон.

— Тинчлик, отахон, — деди кетмон билан ариқ тозалаётган



Т. Саъдуллаев чизган расм.

киги қалпоқли норғул йигит. Нарироқда эса бири белкурак, бири паншаха, болта тутган кишилар чорвоқда қуймаланиша ётган эди.

— Уста бува қани? — деди Ҳожимурод ота дафъатан.

— Уста ҳам келиб қоладилар! Қани, буёққа, отахон, — деб қалпоқли йигит полвоннинг қўлидаги тугунни олди-да, ўзини равоғга таклиф этди. — Яшанг, отахон, хашарчиларни йўқлаб келисиз-да?

— Ҳа, келди, тушунтириб гапирчи, болам? — деди равоғнинг остонасига ўтириб, икки қўлини юзига тортган полвон.

Йигит унинг қаршисига чўнкайди-да, тушунтира кетди. Уста Омон синглисиникида экан. Қол-қос раиснинг буйруғи билан бу кишилар устанинг қаровисиз ётган чорвоғини тартибга келтириш, унинг ремонт қилиш учун келишибди. Полвон, буяндан ажабланиб турди-да, лоп этиб эсига бутлур куздаги воқеа тушди. Дафн маросимга келганлар устанинг уй-жойи бузилиб-ёрилиб ётганини кўриб: «Эссиз, бўзчи белбоққа ёлчимас, дегани тўғри экан. Бутун умрини хайрли ишга, қолхоз ободончилигига сарфлаган қўли гул уста ўз уйига қаролмабди-да!», деб ачинишибди. Бу гаплар маросимга бош-қош бўлиб юрган раиснинг қулроғига: «Қолхоз ветеранининг қадри шу бўлди!» деган дашномдай туюлган экан.

Воқеани англаб кўнгли хийла ёришган полвон: «Аммо савобли ишга қўл урибсизлар, умрларингдан барака топинглар!» деб дуо қилди. Ғайрати кўзиб, ўзи ҳам хашарга қаршиб юборди...

Қайтаркан ўйлади: «Омоннинг ўзи уйда қилинаётган ишни кўрса нима деркин? Кўнгли кўтарилармикан ёки менга қилган нордон муомаласини қилармикан буларгайм? Майли, нима деса дер, ўзи саломат бўлса бас!..»

Полвон кейинги гал келганида дўстини кўраркан кўзларига ишонмади. Соч-соқоли тарашланган, ҳассасини ташлаган, хечраси сал ёришган, қўлида метр ўлчовини тутиб, одамларга нималарни-

дир уқтирмақда эди. Полвон хиёл илдамлаб унинг олдида бораркан, икки қадрдон маҳкам қучоқлашиб кетишди. Узоқ ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, полвон ремонтдан чиқаёзган кулбани кўриб хурсанд бўлди. Аммо кулба ёнига ўрнатилаётган пойдеворга кўзи тушиб ажабланди.

— Бу нима ҳаракат ўзи?
— Яна битта уйча қурмоқчи-ман.

— Ия, нима зарур келди сенга, қариган чоғингда ўзингни койитиб-а?

— Койиш йўқ, ёрдамчилар бор. Материаллар бўлса, ана қалашиб ётибди...

— Материалнинг ўзи билан иморат қуриб бўларканми?..

— Қўрқма, ўртоқ, ўлимликка етарлик ақча бор...

— Битта жонингга шунча жой нима даркор ахир, оғайним?

— Болаларга...

— А-а? — деди полвон кўзларини жаланглатиб.

Уста Омон дўстини боғнинг салкин ерига ўрнатишдан чорвога бошлади. Анордай қип-қизил пишган луччак, сап-сарик зарғалдоқ шафтолилардан узиб, дастурхонга қўйди. Икки қария шафтолихўрлик қилиб ўтириб, юракдан дардлашди. Шунда полвон билдики, ёз бошланиб, боғ обод бўлгандан кейин устанинг ўғли хотини ва болалари билан келиб турадиган бўлишибди. «Ҳа, бўлди, оғайнимнинг руҳини тетиқлаштириб, қалбига қувват, белига мадор берган нарса шу экан...», деди кўнгли таскин топиб полвон. Шу кунги кечгача отамлашиди. Хайрланув чоғида полвон оғайнисига яна тайинлади:

— Узингни ортиқча уринтирма, секин-секин битар...

— Хотиржам бўл, битиб кетади. Иннайкейин, эсингда бўлсин... — деди уста дўстини оғоҳлантириб, — ҳадемай кузак келадди. Шунда Жаннатнинг йиллигини ўтказамиз. Ошни ўзинг дамлайсан. Янаги йилга неварга тўйи қилсам деган ниятим бор... Фақат... раҳматлигим кўзи тириклигиде бўлолмади-да...

— Болаларнинг шукрини қил, дўстим!..

ЕТУКЛИК ПАЛЛАСИ

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Бу ҳикматли мақолни адабиёт ва санъат ҳодимларининг ижодига нисбатан ҳам, хусусан Ҳақим Назир сингари ўзининг минг-минглаб китобхонига эга бўлган ёзувчининг ижодий фаолиятига нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Ўзбек совет болалар адабиётини ўнлаб ҳикоялари ва очерклари билан, «Кўкорол чироқлари», «Енар дарё», «Кенжаёт» сингари қиссалари билан, «Лочин қанотлари» романи билан бойитган Ҳақим Назир мана бугун 70 ёшга тўлиб, кўпчиликнинг эъзоз-эътиборига сазовор бўлиб, тўрда кўр тўкиб ўтирибди.

Меҳнат ҳам эгиз — бахт ҳам эгиз, дейди халқимиз. Ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти давомида маҳоратнинг сермашақат сўқмоқларида тинимсиз меҳнат қилган хўрматли адибимиз, — зеро, талантнинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдан иборатдир, деб бежиз айтилмаган, — сўнги йилларда устма-уст бахт ва шодликка мушарраф бўлаётир. Чунотчи, 1984 йил ҳам Ҳақим Назирга қўшаол шодлик олиб келган эди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи биносида ўтган муътабар анжуманлардан бирида кўпчиликнинг шодийна қарсақлари остида таниқли ўзбек болалар адабиғи Андерсен мукофотининг дипломи топширилди. СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганига 50 йил тўлган тантанали кунларда ўзбек ёзувчиларидан Ҳақим Назирга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси унвони берилди.

Ҳақим Назир ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг хўрмат-эъзозига муносиб адиб. Айниқса ўзбек совет болалар адабиётининг насрий қисмини шакллантиришда, ривожлантиришда Ҳақим аканинг хизматлари беқиёсдир. Юбилар адибимизнинг «Еш гвардия» нашриёти томонидан чиқарилган, китобхонлар томонидан севибли ўқилаётган беш жилдлик асарлари бу сўзимизни тасдиқлайди.

Одатда ҳар бир адибнинг эл олдидаги хизматлари унинг адабиёт майдонига қандай образлар олиб киргани билан белгиланади. Бу жиҳатдан қараганда, ёзувчи Ҳақим Назирнинг Дамир, Қўдрат, Собир, Султон амаки, Бўрон, Рустамжон, Уктам сингари образлари кўпдан бери минг-минглаб болаларнинг сеvimли қахрамонларига айлиб қолганлар.

Ҳақим ака — шогирди кўп ижодкор. У ўз шогирдлари билан суҳбатлашиб ўтирганида ижод

машаққатларидан, маҳорат сирларидан сўзлайди, шогирдларига кунт ва сабот билан ишлаш лозимлигини, сўз устида ишлаш қийинчиликларидан эринмаслигини қайта-қайта уқтиради, ҳаётни ўрганишни эса умр бўйи тарқатмаслик кераклигини айтади. Баъзан шогирдлар устоздан унинг адабий ижодга қадам қўйиши жараёни ҳақида сўрайдилар. Ҳақим ака шундай деб жавоб беради:

— Матбуотда ишлаб, мухбирлик қилиб юрган пайтларимда ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, одамларнинг турмуши ва меҳнати билан чуқурроқ танишиш мақсадида республикамизнинг турли шаҳар ва кишлоқларига тез-тез бориб турардим. Мен бормаган районлар, кишлоқлар оз бўлса керак. Шунинг учун, бутун республикани кезиб чиққанман, десам ҳам бўлаверади. Уша сафарларим давомида турли касб эгалари билан, ҳар хил болалар билан учрашдим, дўстлашдим. Улар ҳақида очерклар ёздим. Очерклар аста-секин қиссаларга айланди... Албатта бу ишлар осонликча оз бергани йўқ...

Адабиётшунос олимлар Ҳақим Назир ижоди хусусида сўз юритганларида баъзан унинг асарларини Аркадий Гайдар асарларига, Ҳақим аканинг қахрамонларини Гайдар қахрамонларига қиёслайдилар. Яхши, ҳавас қилса арзийдиган қиёс! Ҳақиқатан ҳам «Лочин қанотлари» романидаги айрим образлар «Темур ва унинг командаси» асаридаги қахрамонларни эслатади. Зеро, ўз мамлакатини ҳар томонлама баркамол қиришни истаган, шу юртнинг болаларини эса, онгли ва етук қиришни ҳавас қилган кишиларнинг ишлари бир-бирига яқин бўлиши, бир-бирини эслатиши табиий ҳолдир.

Барча санъаткорлар сингари адабий ижод соҳиблари ҳам ёшлари улғайган сари доғишманлик касб этадилар. Бундай пайтларда яратиладиган асарлар ҳам аввалгиларидан мазмунироқ, қуюқроқ бўлади. Юбилар адибимиз Ҳақим Назир айни пайтда худди ана шундай доғишмандонга ёшда. Биз кўп сонли ёш китобхонлар ҳамда шогирдлар номидан Ҳақим аканинг узоқ йиллар сиҳат-саломат бўлишига, аввалгиларидан ҳам яхши, қизиқарли асарлар ёзиб, ҳаммани хурсанд қилиб юришига тилакдошмиз.

О. ҲУСАНОВ

ХАЗИНАТОПАР ИТ

Итларнинг инсонга садоқати ҳақида кўпгина ҳикоялар, ривоятлар эшитганмиз. Аммо, итнинг хазина топганлиги воқеаси биринчи марта юз бергандир. Ҳа, Муха лақабли ит чиндан ҳам яқинда каттагина олтин хазинасини топди.

Бу воқеа Ёкутстоннинг Паловское кишлоғида рўй берди. Уша кун Муха исиқдан сақланиш учун озиқ-овқат омборининг девори остида ўзига ин казий бошлади. Йўловчилар ногаҳон

итнинг оёқлари остида тупроқ аралаш ялтироқ тангалар тушаётганини кўриб қолдилар. Уша ерга етиб борган милиция ходими топишган хазина синчковлик билан текшириб чиқди. Узиям хазина деса арзигулик дафина экан: 1897—1900 йилларда зарб этилган 377 та тилла танганинг ҳаммаси давлатга топширилади.

ОЛТИ ОЁҚЛИ ЭЧКИ

Кениянинг Рифт-Валли вилоятига қарашли кичик бир қишлоқда галати бир жонивор пайдо бўли. Гап шундаки, мазкур қишлоқда туғилган эчкичанин оёқлари одатдагидек тўртта эмас, олтинга эди. Бу галати ходиса ҳақидаги хабар атрофдаги кишлоқларга ҳам тарқалиб кетди. Кениядаги КНА ахборот агентлигининг хабарига кўра, ана шу антика жониворни кўриш учун ҳар кун юзлаб одамлар келиб турибди.

ОТАЛАР СЎЗИ

Анвар ДАДАБОВЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат
кутубхонасининг директори

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ёшликдан бирга ўсган дўсти Умаржон ота билан ЎзССР халқ шоири Асқарали Чархий Қўқонда, буюк демократ шоир Муқимийнинг уй-музейида тез-тез суҳбат қурадилар. Шоир Чархий ўчоқдаги қадимий қумгон шараклаб қайнаб турса ҳам, битта-битта ўрик ўтин ташлаб қўярди. Аччиқ кўк чой устида суҳбат қизирди. Икки отахоннинг гурунглари жуда мароқли ўтарди. Биз ёшлар баъзан улар даврасига қўшилиб қолганимизда, аввал изн сўраб, сўнг суҳбатларини магнитофон лентасига ёзиб олардик. Ана шундай суҳбатлардан бири инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг атеистик қарашлари ҳақида бўлган эди. Қуйида ўша суҳбатнинг адабий матнини келтирамиз:

Чархий: — Инқилоб йиллари эди. Қўқон шамоли хуруж қиларди. Ҳозирги ҳаммом ёнидаги Етовқўзининг қовлиси ўрни ўшанда кенг қарвонсарой эди. Исфара гузари, Ҳожибек гузари, бутун Тароқчилик маҳалласининг ёшу қариси — тумонат халқ йиғилган. Извошда Ҳамза Ҳакимзода, Назиржон Иброҳимов, Юсуфжон доривор, Абдуллажон Усмоновлар келишиб, йиғилиш бошланди. Ҳамза Ҳакимзода қўқон арава устига чиқиб, Туркистонда инқилоб галабаси, хотин-қизларнинг озодлиги, янги турмуш, шаҳарда совет мактаблари

очилганлиги, бу мактабларда янги алифбо, дунёвий адабиётлар ўқитилиши ҳақида сўзлади. 10—15 та эшон, мулларлар ҳасасини дўкиллашиб, йиғиндан намоишкорона чиқиб кетишди. Ҳамза, Пўлатжон Қаюмов эртаси куни янги мактаб очилишига келишди. Биз ҳам шу мактабда ўқирдик. Мактаб ҳозирги Хусайн Шамс номидаги мактаб ёнида жойлашган эди. Ҳамза ўзи ёзган шеърлардан намуналар ўқиди. Пўлатжон Қаюмов ҳам шоирнинг шеърларидан ўқиб бердилар. Шеърларда тўғрилиқ, янги турмуш, инқилоб, ёш Советлар республикаси тараннум этилар, хурофотни фош этадиган сўзлар янграр эди. Шоир талабаларга ўзи ёзган шеърлар тўпламини тақдим этди.

Умаржон ота: — Ҳамза Ҳакимзода, Юсуфжон доривор, Назиржон Иброҳимовлар билан ёшга ёки ойга фарқимиз бор эди. Тўқсонқовун, Қатагон қишлоқларига бориб, шоирнинг отаси Ҳакимча табибга турли хилдаги гиёҳлар териб келардик. Табиб амаки турли хил дорилар тайёрлар эдилар. Тўртталамиз дори тайёрлашга кўмаклашар ва уларни Жоме мадрасасидаги минора остидаги Ҳакимча табиб дўқонига олиб борар эдик. Ҳамзахон эшон-мулларнинг куф-суфлари бейфойда эканини ҳалол-пок ота-сининг меҳнатидан сезарди. Чунки улардан даво топмаган киши-

лар Ҳакимча табибдан шифо топишарди. Табиб амаки аксарият кишилардан ҳақ олмас эдилар. Қўқондан тез-тез савдогарлар Хиндистон, Арабистонга жўнашганда, уларга ёнғоқ олиб келишни илтимос қиларди. Уни от ёғи билан аралаштириб, оёқ оғригини даволашда фойдаланар эди. Бизларга: «Агар бирон етимнинг касалини даволасанг, етти марта Маккага борганини савобини оласан», деб насиҳат қиларди.

Кечагидек эсимда: 1921 йилнинг ёзида Ҳамзахон қўлида газета билан хурсанд ҳолда кириб келди. Унда янгича урф-одатларни жорий қилиш, қалинга қарши кураш ҳақида низоом эълон қилинган эди. Ҳамза Ҳакимзода: «Мана энди, янгича турмуш куриш учун қўлимизда мафкуравий қурол бор — эндиам эскича яшарсан, эшонлар, бировларни севганига чанг солиб, севилганларни қон-қақшатиб кўр-чи энди», дерди.

Ҳозирги кунда ҳам айрим кишилар эски бидъатларга ишониб, замонамизнинг кундалик муваффақиятларини, ёшларнинг бахтли ҳаётини ҳис қилолмайдилар. Ахир катта-катта қалин беришлар, «уй кўрар»лар, «қиз кўрар», «куёв чақирив», «юз очди», тўйдан ташқари, ёппасига бутун шаҳар ёки қишлоқ аҳолисини чақириларини янгича урф-одат деб бўладими? Йўқ! Қинғир йўл-

лар билан бойлик тўплаганлар урф-одатимизни ҳам оёқости қилиб юборишяпти. «Кизил тўй» деганда бир аjoyиб тўй эсимга тушиб қолди. Камол қози мадрасаси ўрнида комсомол ёшларга клуб қуриб берилди. Ҳамза Ҳакимзода ташаббуси билан шу ерда илк бор «кизил тўй» ўтказилди. Келин-куёв Муҳиддин Қори Ёқубов билан Тамарахоним эдилар. Ҳамза ўзи тузган хаваскорлар билан маданий хизмат қилди, мен эса ош тайёрладим. Бир аjoyиб тўй бўлди. Ҳамза бу тўйни «инқилобнинг келажак меваси» деб атади ва бошқа жойларда ҳам шундай бахтли тўйлари давом эттириш кераклигини уқтирди.

Чархий: — Ҳамза Ҳакимзода бир куни бизга ёзган бир пьесасини ўқиб берди. Уни эшитиб, Марьямхоннинг тақдирини ўйлаб, диндорларга яна ҳам нафратимиз ортди.

Умаржон ота: — 1926—1927 йилларда Қўқонда ташкил этилган «Худосизлар ташкилоти»нинг мингдан ортқ аззолари бўлиб, улар фақат шаҳардагина эмас, Бағдод, Бешариқ, Учкўприк, Янгиқўрғон, Яйпан томонларга бориб, янгича турмуш куриш, паранжини ёндириш, хотин-қизларни меҳнатга чорлаш учун жонбозлик кўрсатдилар.


Чархий: — Ниёзий дин пешволарини жуда ёмон кўрарди. Дин ҳомийлари инқилобга қарши чиқиб, босмачилар томонида туриб, қанчадан-қанча фаолларимизни, аёлларимизни хўрлади, янгича ҳаёт қурган қиз-жувонларни қонга белади. Шунинг учун ҳам Ҳамза янги замон куриш учун халқни дин асоратидан қутилишга ундарди.

Умаржон ота: — Шуларни ўйлаб, бир нарсага ҳайрон қоламан, ҳозир Ҳамзахондек кишилар минглаб, миллионлаб бўлсаю, техника асрида яшасаю, ҳали ҳам эски урф-одатлар, бидъатлар, нопоклиқлар бўлиб туриши бахтиёр ҳаётимиздаги катта доғ эмасми, Асқарали?

Чархий: — Фарзандларимизни пок, ҳалол қилиб ўқитдик. Емон бўлишмади. Лекин, тўқликка шўхлик қабилда бола тарбиясидан кўра шахсий дунё ортиришга муккасидан кетган кишиларнинг жиловини тортиб қўядиган вақт келди. Ҳамза айтганидек, ёшларнинг бахтиёр ҳаётига ҳеч қандай динни ҳам, қоридомларни ҳам аралаштириш керак эмас. Барча янгича расм-русумларимизда коммунист раҳбар, комсомол оталиги бўлса, замон руҳига мос бўлади.

Ҳа, оталар сўзи — ақлнинг кўзи... Советлар диёри равнаки йўлида куч-ғайратини аямай, ҳаётнинг бутун синовларидан чинор каби букилмай ўтиб келган икки нуруний отахон суҳбати қизиқ борарди. Бу суҳбат Қўқон шаҳридаги Матбуот кўчасида — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий уй-музейида давом этарди...

Эндиликда, бу ерда, шоир қўли билан экилган кекса тут тағидаги эски сўрида маҳалла ёшлари йиғилиб суҳбатлашадилар, қўшиқ куйлайдилар. Уй тўрида эса алаңларда тобланган улдуғ шоирнинг нурли сиймоси ёшларни курашларга чорлаб туради.



Ҳамза уй-музейида.

С. МАҲҚАМОВ фотоси

АБАДИЙЛИК ҚЎШИҒИ



ҚАДРДОНЛАР

«...Севимли устозим Ҳамза Ҳакимзода Шохимардон кишидоги кечирган кунлари, олиб борган ишлари, оруз-умидлари ҳақидаги хотирами тугатар эканман, халқимизнинг оташин фарзанди билан қисқа вақт бўлса ҳам бирга ишлаш ва ундан таълим олиш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад қувонаман».

Октябрь инқилобнинг оташин куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бирга ишлашган, у билан мулоқотда бўлган, унинг тарбияси ва ўғитларини олган ҳар бир киши шоир хотирасини ҳамisha хурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Юқорида келтирилган самимий сатрлар ҳам ана шундай кишилардан бирининг — Ҳамза билан Шохимардонда салкам бир йил бирга ишлаб, кейинчалик унинг шогирди сифатида самарали фаолият кўрсатган Абдулла Хатамовнинг қаламига мансуб. У Ҳамза раҳбарлигида Шохимардонда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди, жаҳолат ва хурофотга қарши кураш иштирокчисига айланди, комсомол ячейкасининг секретари, қишлоқ Советининг саркотиби сифатида Ҳамза билан ёнма-ён туриб фаолият кўрсатди. Ҳамзанинг фожевий ўдмидан кейин қотиллар устидан олиб борилган суд йиғилишларида ҳақиқат ва адолат учун курашувчилар сафида мустаҳкам турди. Абдулла Хатамов Шохимардонда Ҳамза музейининг ташкил этилишига муносиб ҳисса қўшди ва умрининг охирига қадар (1979 йил) унга мутасаддилик қилди. Унинг қаламига мансуб «Ҳамза Шохимардонда» деб номланган хотиралар китоби шоир ҳаётининг қизгин қутубларида кечган сўнгги йилларини жонли лавҳаларда ёритиши билан қимматлидир.

Фотосуратда акс этган яна бир киши Мелибой Абдуллаев (унгда) бўлиб, у Ҳамзанинг тўнгич опаши — Ачаюн Ниёзованинг ўғлидир. Қариндош-уруғларининг гувоҳлик беришича, шоир меҳнаткаш халқ вакиллари қатори, ўз яқинларига ҳам ниҳоятда меҳрибон ва талабчан муносабатда бўлган. 1911 йилда туғилган Мелибой Абдуллаев ҳам жуда ёшлигидан ўз тоғасининг ғамхўрликларини туйиб воёга етган. 20-йилларда Қўқонда Ҳамза таълим берган интернат-мактабда тахсил олган, унинг маслаҳати билан Тошкентдаги медицина билим юртида ўқиган, сўнгра шу соҳадаги ўқишини Москвада давом эттирган. Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида медицина врач сифатида қатнашган М. Абдуллаев контузияга йўлиққани туфайли кейинги йилларда бoshка соҳаларда хизмат қилди (1981 йилда вафот этди). Мелибой Абдуллаевнинг тоғаси ҳақидаги хотиралари Ҳамза шахсиятига доир қимматли маълумотлар эканлигини ҳамзашунос олиmlар алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Ҳозирги пайтда унинг фарзандлари — Эркин, Эльза, Гулмира оналари — Мавжуда опа билан бирликда турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар.

Абдулла Хатамов ва Мелибой Абдуллаев бир-бирлари билан тез-тез учрашиб туришар, уларнинг Ҳамза ҳақидаги суҳбатлари ва хотиралари ёшлар даврасида ўчмас таассуротлар қолдиради.

Ушбу фотосуратда ҳам қадрдонларнинг 1978 йилда Шохимардондаги учрашув онлари акс этган.

Б. АМИНОВ
С. Маҳкамов фотоси.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри коллективи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб, Улмас Умарбеков пьесаси асосида «Қуёшга таъзим қил» балет-ораториясини санъат ихлосмандларига тақдим этди. Давр синовларидан мардонавор ўтган аjoyиб ўзбек аёли тақдир балет сахнасида ўз ифодасини топди. Икки қисмли, муқаддима ва хотимадан иборат бу балет музикасини композитор Рустам Абдуллаев ёзган. Асарнинг постановкачи балетмейстери — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Янсон, балетмейстери — А. Раҳимов.

Сахнада бош қаҳрамон Санобар Камолова ҳаётининг асосий давларини, унинг шахс ва граждан сифатидаги шаклланиш жараёнини балет тили билан қайта яратилганини кўрамыз. Авторлар балетта Вақт, Ишонч, Умид, Муҳаббат каби рамзий образларни кiritиб, булар орқали асардаги фалсафий-умумлашма гоани тўлароқ очишга ҳаракат қилганлар.

Балет марказида турувчи Санобар Камолова образини СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Бернара Қориева ижро этди. (Шунингдек, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚАССР халқ артисти З. Давлатмуродова, Ф. Сатдуллаева ҳам бу ролни ижро этадилар).

Биринчи кўринишда Санобар — В. Қориевани ёшлар даврасида кўрамыз. У набираси Илҳом (ЎзССРда хизмат кўрсатган артист В. Ключко) ва унинг севгилиси Муҳаббат (солист З. Краснова) бахтидан масрур. Бу ҳолат актрисанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан сезилиб туради.

Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида Санобар барча оналар қатори ғалаба йўлида тер тўкиб меҳнат қилди. Уруш уни фарзанди Ваҳромдан (солист А. Евворган), келини Рисолатни (солист Л. Турская) суянган тоғидан жудо этди. Вироқ Санобар —

В. Қориева ғамни мардонавор енгади, шафқатсизлик ва адолатсизликка қарши исён кўтаради.

Спектаклда Санобарга қарама-қарши бўлган бек кизи Фотима (В. Ражабова) образи мавжуд. Фотима қанча уринмасин, Санобардаги севги, садоқат, ишончнинг энголмайди. Бинобарин, ҳаёт ўлим устидан, яхшилик ёмонлик устидан ҳамisha ғалаба қозонади. Ҳаётга, одамларга ишонч ва муҳаббат, эзгуликка интилиш инсоний умрга мангулик бахш этади. Санобар Камолова тақдир бунинг ёрқин тимсолидир.

Сахна безаклари дид билан, ўз ўрнида қўлланилган. Рассом С. Фесько асар воқеалари билан сахна безагининг мутаносиб бўлишига ҳаракат қилган. Айниқса, бутун спектакль давомида сахнада порлаб турувчи куёш образи гоият жонли чиққан.

Хормейстерлар А. Шильпрут ва М. Яндринская ҳам асар гоисини, образлар моҳиятини очишда ўз ижодий ҳиссаларини қўшганлар.

Балет-ораториянинг муқаддима ва хотима қисмларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Муқаддимада Вақтнинг вазмин овози янгради. У инсонларга, яратувчи ва кудратли одамларга мурожаат қилади: «Бу замин силарга берилган, унга эғалик қилдинг, уни асранг!»

Хотимада Санобар Камолова ва Вақт мулоқоти берилади. Уфқдан кўтарилаётган куёш нурлари ичра Санобар дала бўйлаб бормоқда. Шун пайт Вақтнинг овози эшитилади:

— Инсонга бахтли ва шодон эртани тақдим этган куёш, салом сенга! Урушин, ёмонлик ва ўривонликни, ғам ва вайронликни енгган Инсон шарафига абадий порлайвер!».

Инсониятга абадий гимн сифатида жаранглаган ана шу сўзлар остида Санобар Камолова одамлар, куёш ва вақт истиқболи сари дадил одим ташлайди...

Гулчехра УМАРОВА



ҲОРДАГИ ШАҲАР

Марокконинг Ужда шаҳридан 56 километр узоқдаги тоғларда жойлашган сўлим Зегзеле воҳасида катта горлар комплекси очилди. У ер остида — 35 километр узун-

ликка чўзилган. Археологлар ундан иш қуроқларини, мурдаларнинг қолдиқларини, ҳайвонларнинг кўпгина суюқларини топдилар. Горлар даҳаси қадимда ҳозирги бербларнинг ўтмишдонлари бўлган очилар қабиласининг шаҳри эканлиги маълум бўлди. Мутахассислар радиоуглерод усулида текшириб, бу ерда одамларнинг 10,5 — 12,5 минг йил илгари яшаганликларини аниқладилар.

Африканинг бу қисми афтидан ўтмишда ҳозиргидек қурғоқ бўлмаган. Унда намлик, тропик шароит мавжуд бўлганидан очилар айик, бегемот, антилопа каби ҳайвонларни ов қилиб тириччилик ўтказганлар.




Иштихон районида Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкал.

А. Жумаев фотоси

Тошкент шаҳридаги 2-трамвай паркиннг илғор ҳайдовчилари (чапдан ўнгга): Тўхтабой Соилов, Бахтиёр Бобоев, Маҳмуд Қодиров, Рихсибой Саидов, Иброҳим Шокиров, Ҳақим Содиқхўжаев аҳолига транспорт хизматини яхшилаш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.

В. Мосин фотоси






Инженер-технолог М. Муҳамедов, катта инженер А. Ражаббоев, инженер-технолог А. Попов заводнинг ишлаб чиқариш марказида.



Завод комсорги, уста А. Арутюнов (чапда), ишчи М. Гиниатулин ва бухгалтер Т. Гариповалар комсомол-ёшларни социалистик мусобақага жалб этиш бўйича маслаҳатлашмоқдалар.




Рақамлар программаси орқали бошқариладиган фрезер дастгоҳи ишчиси Малик Сафин.

Алюмин қуйиш корпуси қурилиши мастери Қ. Аҳмедов, бригадир Э. Меназизов ва звено бошлиғи М. Горнов танаффус пайтида.


Ийгувчи-слесарь Б. Сулаймонов ва мастер А. Турсунов дастлабки моторларни йиғишда иштирок этмоқдалар.

Заводнинг ёш ишчиси Улуғбек Эминов.



ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИДА

В. Мосин фотолари





М. НОВИКОВ. ТОҒ БАҒРИДАГИ ҚИШЛОҚ.

ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ

Ишонсанг, жонимда бир соғинч ёнар,
Ишонсанг, юрагим долғага тўлик,
Сийлагин,

бағримни тўлдиргин яна,
Ватан,
сен ям-яшил кенгликлар бўлиб.

Баҳор бу, боладек тутар баримдан,
Шўхликлари дилбар, журъатлари шан.
Қуёш бўлиб ёғил далаларимга,
Тупроққа ёруғлик ато эт, Ватан.

Армонларга кўкси қалқондирман мен
Оқ-ойдин эртанинг ишончи ила.
Вза гуллаган кун осмондирман мен,
Ватан,
давлатимга ривожлар тила!

Сарғайиб қолмасман кузак олдида,
Бир фасл меҳнати авлодга татир.
Ватан, қуёш бу кун деҳқон қалбиди,
Миллион оймомалар бу кун Ердадир.

Забаржад хирмонлар юксалган пайти
Сўнгсиздай туюлар шараф йўлларим.
Хайратнинг сип-силлиқ сочин тарайди
Менинг назоқатсиз, дағал қўлларим.

Созимни созладим тўйлар олдида,
Бир жасур қўшиққа қўл урдим дадил.
Ватан,
қуёш бу кун деҳқон қалбиди,
Миллиард оймомалар бу кун Ердадир!..

СИНОПТИКА

Илмлар кашф этдик, қаранг, бетимсол,
Дейлик,

синоптика қандоқ яхши фан.
Усиз гофил эдик, бетадбир ва лол
Табиатнинг турфа табиатидан.

Демасмиз, қахрамон десинлар бизни,
Хар жабҳа шон-шўхрат саҳнимас зинҳор.
Зеро, шу пахтамиз — гавҳаримизни
Синоптиклар асраб қолди неча бор.

Лекин саволлар ҳам кўпдир одими,
Олдан кўра билиш шайдо қилади...
Масалан:

бахтиёр севги додини
Қай бир хил вазият пайдо қилади?

Бугун сенга гуллар тутган дўстингни
Емонга чиқарасан, наҳот, эрта кун?
Идрокдан мосуво бўлиб ўсдингми
Бири кам ҳаётни камситмоқ учун!

Нейрон ҳужайрали мулки борлиқда
Зеҳнимиздан ниҳон сир қолмас, аммо
Яшасак-да олий устиворлиқда,
Инсон инсон учун олий муаммо.

Билмайсиз,


ўтаркан қулларимиз шўх,
Ешлик бу, бетакрор ширин онлар бу!
Дилда-ку, ҳеч қандай васваса ҳам йўқ,
Бизни забт этмоқда бир ювош туйғу.

Табиат қутқуси даҳшатмас жуда,
Синоптика ривож топган бу дамлар.
Айтинг,

не савдо бор дунё бошида,
Эртанинг авзойи қандай, одамлар?

Фанга тафтиш эмас бу оддий мисра,
Йўқдир орифликка шоир даъвоси.
Фақат ёруғ қуллар бўлсин Ер узра,
Соф бўлсин дунёнинг оби хавоси!..

Фарғона



Сирдарё область Ворошилов районидаги «Гулистон» совхозида қорамоллар ва соғин сигирларнинг зотини яхшилаш, уларнинг махсуддорлигини ошириш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти.

Суратларда: (чапдан) область Советининг депутати, илғор сут соғувчи Ойниса Жўраева; Бушуев зотли моллар боқувда; сут соғувчи Гулчехра Сатторова ва совхознинг бош ветеринария врач Костантин Ким.

Н. Мухаммаджонов фотолари.

САМАРАДОРЛИК

СУНГИ йилларда энгил саноат, жумладан тўқимачилик саноатини янги техника билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор берилаётди. Яратилаётган дастгоҳлар бошқаришнинг қўлайлиги, камшоққинлиги билан аҳамиятлидир. Ана шундай техникалардан бири — совет ва чехословак мутахассислари ҳамкорлигида яратилган бўлиб, сиқилган ҳаво ёрдамида калава йигирадиган машинадир. Бу қурилма шу пайтгача қўлланиб келинган урчуқли йигирув машиналар ўрнини эгаллайди. Эндиликда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишлаб чиқариш цехларида қатор афзалликларга эга бўлган моноксиз пневмопапирилу тўқув дастгоҳлари, ўнлаб поток линиялари, «Вакама», «Текстима» фирмаларининг замонавий ускуналари ҳам қўлланилмоқда.

Бироқ, шунга қарамадан, республикамиз тўқимачилик саноатида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни юксалтириш суръатлари давр талабидан ортда қолаётди. Буни халқ истеъмоли молларига бўлган талаб-эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганидан ташқари, баъзи бирлашма ва корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш учун мавжуд резервлардан тўла-тўқис фойдаланмаётганлиги, маҳсулот турларини яхшилаш ҳамда харидоригр молларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этмаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан, ишлаб чиқариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарлар, инженер-техник ходимлар, ишчиларнинг ўз вазифасига масъулиятини ошириш билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу ҳақда ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида қилган докладыда шундай деди: «Кўпчилик тармоқларда фан-техника тараққиёти жуда суръат, эволюцион тарзда — кўпроқ амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман янгилаш йўли билан давом этмоқда. Бу тадбирлар мўайян самара бермоқда, албатта. Лекин бу самара ҳаддан ташқари кам».

Ун ва ўн биринчи беш йилликлар даврида Тўқимачилик комбинати ҳам территориал, ҳам ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми жиҳатидан юксалди. Пойтахтимизнинг учта районидан учта тўқув ва битта йигирув, Паркент районида эса битта йигирув филиали қурилди ва ишга туширилди.

Йилига уч миллион метрдан зиёд газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мақзув филиаллар замонавий техника билан жиҳозланган. Бундан ташқари, ўтган йили ишга туширилган пардозлаш фабрикасининг газламан оқлаш-оқорлаш корпуси йилига юз миллион метрдан зиёд газламага қайта ишлов бериш қувватига эга.

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда ишлаб турган корхоналарни янги техника билан қайта қурулантириш ва модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ун биринчи беш йилликнинг фақат тўртинчи йилида корхонада 2 миллион 342 миң сўмлик 328 та янги ускуна, дастгоҳ ва агрегатлар монтаж қилинди. Айни вақтда, ишлаб турган эски ускуналардан 738 таси модернизация қилинди. Натижада 1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди.

Шунга қарамадан Тўқимачилик комбинатида ишлар кўнгилдагидек бораётди, деб бўлмайди. Ўтган йили корхонанинг йигирув ишлаб чиқаришидаги ускуналар 86 процент, тўқув ишлаб чиқаришидаги дастгоҳлар эса

фақат 81 процент қувват билан ишлади, холос. Айниқса, йигирув фабрикалари танда ва арқоқ иллари етказиб бермаганлиги оқибатида дастгоҳларнинг кўпи бекор туриб қолди. Натижада товарларни савдо ташкилотларига етказиб бериш юзасидан олинган шартномалар тўла бажарилмади. Устига-устак, корхона савдо ташкилотларининг буюртма шартномаларини бажармаганлиги учун 4,5 миллион сўм жарима тўлади.

Меҳнат интизоми техника қувватларидан самарали фойдаланишнинг асосий омилларидан биридир. Аммо ўтган йили меҳнат интизомини бузувчилар айби билан корхонада 77 тонна калава, 649 миң метр хом сурп, 1 миллион 47 миң метр тайёр газлама, 1,5 миллион дона шартли галтак ип нормадагидан кам ишлаб чиқарилди.

Маъмурият ва жамоат ташкилотлари юзга келган аҳволни тубдан ўзгартириш учун самарали тадбирлар белгилади. Бунинг натижасида йилнинг биринчи кварталда маҳсулот реализация қилиш плани юз фоиз бажарилди, натижада корхона салкам ярим миллион сўм даромад олди. Айни вақтда, меҳнат интизоми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча мустаҳкамланди.

Корхонада ишлаб чиқилган тадбирларда иш сифати ва самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг синалган воситаси — меҳнатнинг ягона наряд усулига катта эътибор берилаётди. Бу ерда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқа-



риш ҳажми орди. «Н» («Янгилик») индекси билан маҳсулот тайёрлаш кенг йўлга қўйилди.

Бугунги кунда корхонанинг асосий касб эгаларидан 3 миң 617 кишини қамраб олган 213 та бригада ягона наряд усулида ишламоқда.

— Бу методнинг имкониятлари кенг, — дейди биринчи йигирув-тўқув фабрикаси директори Оқилжон Зупоров. — Бунда ишчилар ўз меҳнати коллектив рившида, онгли бошқаришга ўтишади. Меҳнатнинг бу усули ишчилар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўртоқларча ёрдам муносабатларини уйғунлаштиради, «қўл учида» ишлаш, танбаллик, меҳнат интизомини бузиш каби иллатларга барҳам беради. Ҳар бир ишчининг меҳнати коллективнинг кўз ўнгига содир бўлади.

Тажрибали бригадирлар Жўрабой Тўйчибоев, Оқилжон Қурбонов бошқараётган коллективлар бригада методининг афзалликларини амалда исботлашмоқда. Тармоқ нормада икки баравар кўп дастгоҳларга хизмат қилаётган Йўлдош Охунбоев номидиги Тошкент область мукофоти лауреати Сирожидин Пўлатов бугунги кунда ўн иккинчи беш йилликнинг сўнги йили хисобига маҳсулот топширмоқда.

Фабрикада қобилиятли мастер ёрдамчиси Вадим Коростелев етакчилигида бригадирлар кенгаши ташкил этилган. Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган кенгаш йиғилишида бригадирлар иши таҳлил қилинади. Кенгашда бригадалар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақага яқун ясалди, голиблар аниқланади... Бу, ўз навбатида, коллективларнинг ўз-ўзини бошқариш ишига ижобий таъсир этапти.

Шу фабриканинг мастер ёрдамчиси Жўра Тўйчибоев етакчилик қилаётган тўқувчилар бригадаси илғор коллективлардан ҳисобланади.

— Бригада методи бир мақсадга — икки томонлама манфаатдорликка қаратилган, — дейди Жўра Тўйчибоев. — Биринчидан, ишлаб чиқариш манфаати. Бунда иқтисодий-техник кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги ва ускуна самарадорлигининг ошиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши, ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмдан келадиган даромаднинг юксак бўлиши назарда тутилади. Бригадамида сўнги тўққиз ой мобайнида ускуналар қувватидан тўла фойдаланилган ҳолда ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ўртача 118 процентни ташкил этди. Тўқувчилар нормадаги 31 ўрнига 36 тадан дастгоҳда хизмат қилишга ўта бошлади. Улар ойлик топшириқни 110 процентдан кам бажармаган ҳолда барча маҳсулотни юқори сортларга топширишмоқда.

Иккинчи манфаатдорлик — ишчининг моддий ва маънавий манфаати. Ўтган йилнинг иккинчи ярми ҳамда шу йилнинг ўтган даврида бригадамида социалистик мусобақада фабрика кўчма вимпелини олти марта қўлга киритишга муваффақ бўлди. Айни вақтда, ҳар бир ишчининг меҳнат ҳақи коллектив бошқариш методига ўтгунга қадар бўлган ойлик маошга нисбатан ўртача 40—50 сўмга ошди.

Ҳар иккала манфаатдорлиқни янада ошириш имкониятлари бор. Бунинг учун дастгоҳларга зарур қисмлар тансиқлигини, инженер хизматидаги нуқсонларни батамом тугатиш лозим.

Жўрабой Тўйчибоевнинг фикрлари асосли. Корхонада меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада методи жорий этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳозирча қўлга киритилган натижалар кўнгилдагидек эмас.

Оқибатда миллион-миллон сўмлик ипгазлама маҳсулотлари кам ишлаб чиқаришмоқда. Харидорларга ва ўнлаб тикув фабрикаларига буюртма шартномасида кўрсатилган миқдордаги газлама етказиб берилмаганлиги учун корхона жуда катта ҳажмда жарима тўлади. Ҳар иккала манфаатдорликка — давлат ва ишчилар манфаатига жиддий путур етди. Бу, ўз навбатида, корхонада кадрлар қўнимсизлигининг ортishi, ишчиларнинг моддий манфаатдорликдан «ҳафсаласи пир» бўлишига олиб келди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бригада методи имкониятларидан фойдаланишда коллективларга инженерлик хизмати ҳамда ҳомашё таъминоти ҳал қилувчи мезон эканлигини унутмаслик лозим.

Ун биринчи беш йилликнинг сўнги йилида тошкентлик тўқимачилар олдига улкан вазифалар турибди. Йил охирига бориб 17 миң 300 тонна калава, 139 миллион метр хом сурп, 233 миллион метр тайёр газлама, 360 миллион дона шартли галтак ип ишлаб чиқаришни таъминлаш зарур.

Корхона коллективи йиллик топшириқни 28 декабрь куни бажариб, планга қўшимча 3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган. Бу вазифаларнинг бажарилиши учун имкониятлар мавжуд. Бунда асосан техника қувватларидан тўла ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатнинг ўз-ўзини бошқариш методини кенг жорий этиш ҳамда унинг имкониятларини тўла ишга солиш лозим. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида таъкидланганидек: «Ташкилий-иқтисодий ҳақда социал резервларини ишга туширган ва биринчи навбатда одамлар активлаштирилган тақдирда нисбатан тез самара олиш, ҳар бир киши ўз ўрнида виждонан ва тўла самара билан ишлайдиган бўлишига эришиш мумкин».

Ҳабибулло САЙДУЛЛАЕВ



Москва районидagi Фрунзе номли колхознинг илгор бригада бошлиғи, қишлоқ Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор

Робияхон Мўминова

Н. Муҳаммаджонов фотоси



Теримчи қизлар: Юлдуз Ҳайдарова, Давлат Розикова, Замира Тожиҳолиқова (Бўз районидagi Карл Маркс номли колхоз).

А. Тўраев фотоси.

Сабриддин САДРИДИНОВ

КУЗ

Шишадек сувларнинг шилдираши, эҳ,
Гузаллар кулгусин ёдга солади.
Узилган варракнинг чигал ипидек
Ҳавода мезонлар сузиб қолади.

Олма-беҳиларнинг уйкаш ислари
Қишлоқни тўлдириб кўкка таралар.
Анорнинг ёноқдек қизил туслари
Ошиқлар кўксини қайта яралар.

Анжирнинг буришиқ, сариқ пўстини
Мажиун яягига ўхшайди, деманг.
Топмасангиз дармон майлига уни
Бошқа қўлга олманг, майли ҳеч еманг.

Жажжи қадаҳларга тўлган каби ноб
Узумдан тирқирир асал росалик.
Қовулларни айтинг, мана шундай тоб
Туради шарбатга тўлган қосадек.

Нашвати тутсангиз, унинг нашъаси
Ўтар оламдagi намолардан ҳам.
Бугун пахтазорнинг ёниқ чехраси
Эмас юлдуз тўла самолардан кам.

Кулади чаноқда оппоқ толалар
Пиёлага тўлган қаймоқдек бу вақт.
Гўё пешонада балққан толелар,
Гўё панжаларда тўлиб турган бахт!

Гўё орзуларнинг очиқ китоби,
Гўё илҳом кундек ловуллар тинмай.
Гўё келажакнинг улуг офтоби —
Далалар бағридан юксалмоққа шай.



Юксал, юксал, сен эй, уфқлар қадар,
Юксал, уфқларнинг бағрига сингиб.
Зотан, даврим аъми чакноқ шунчалар,
Кун суръати кўяр йилларни энгиб.

Кулади чаноқда оппоқ толалар
Пиёлага тўлган қаймоқдек бу вақт
Лўппи чаноқларда қулар толелар,
Тўкин далаларга тўлиб кетган бахт.

Кумуш далаларнинг олтин кучоғи
Истиқбол мулкига айлангани дам.
Бекиёс ўлкамнинг сеҳри куз чоғи
Ўзгача ардоқли,
Ўзгача кўркам!

ПАХТА МОНОЛОГИ

Билинг, мен офтобман, оппоқ пахтаман,
Ўқинг, пешонамда ўзбек имзоси.
Нурлар каби тоза, юмшоқ пахтаман,
Қаттиқ меҳнатларнинг етук иншоси.

Мен шундай мўъжиза — оппоқ пахтаман,
Гўдак ҳовучимда чарақлаган бахт.
Қаршимда хаёл-ла асло тўхтаманг,
Оиларни фурсатлар сўроқлаган вақт.
Субҳидам сингари оппоқ пахтаман,

Оппоқ бир газалман,
Порлоқ тақдирга,
Минг-мингларнинг бугун оппоқ бахтиман,
Арагайман шеърга,
Мақтов-тақдирга.

Иқбол куйлар нурли толаларда шод,
Оппоқ манглайимда бахт тикмиш ялов,
Икки минг градуслик
Елқинман, билсанг,
Дехқон юрагидан сачраган олов.

Билинг, мен офтобман, оппоқ пахтаман,
Ўқинг, пешонамда ўзбек имзоси.
Нурлар каби тоза, юмшоқ пахтаман,
Қаттиқ меҳнатларнинг етук иншоси.



Куз манзараси.

А. Жумаев фотоэтюди

ДАЛВАРЗИНТЕПА ТОПИЛМАЛАРИ

Қадимий Далварзинтепа Сурхондарё область Шўрчи районига қарашли «Октябрь 30 йиллиги» колхозининг пахтазор далалари ўртасида жойлашган. Бу ерда йнгирма йилдан ортиқроқ вақтдан буён археологик қазини ишлари олиб борилаётир. Кўхна шаҳарча олимлар учун қулмаган кўпгина янгиликлар келтирди: бу ердан кулолнинг, хунарманднинг ва бадавлат шаҳарликларнинг уйлари, ибодатхона, шаробхона, хилхона, улкан тилла хазинаси ҳамда ҳозирча жаҳондаги энг қадимий фил суягидан ясалган шахмат доналари топилди.

1984 йилнинг ёзида эса, кўхна шаҳарча марказидаги катта кўчалар кесинган чорраҳада жойлашган будда ибодатхонаси очилди. Энг аjoyиб янгилик — ибодатхонанинг турли хоналаридан қазиб олинган улкан ҳайкаллар коллекциясидир. Бу ибодатхонанинг марказий хонасидаги йирик ҳайкал айниқса эътиборга лойиқ. Ундан Будда-воиз ҳолати — анъана-

вий тик турган ҳолатдаги йирик Будда ҳайкали топилди. Будданинг боши ё чоғиб ташланган ёки синиб тушган ва шикаст топган. Тиниқ қизил рангга бўялган, хом гиштдан ишланган асосга қўйилган оёқлари мустаҳкам ва тик турибди. Қоп-қора сочлари тепага қараб қизил рангга бўялган, қоши ҳамда кўз қорачиқлари ҳам қизил ранг билан айлан-тирилган.

Уша хонанинг тахмониди бошқа бир боддисатванинг деворга қапиштирилган ҳайкали бор. Боддисатва — бу Будда йўли бўйлаб астойдил борувчи буддизм динининг бир персонажидир. Буддизм ривоятига кўра, боддисатва ўзининг шахсий имкониятларидан воз кечиб, ҳамманинг бахт-саодати йўлида барча ситаму азобларни ўзига олади. Бу лойдан ясалган ҳайкал алвон рангга бўялган бўлиб, бўёқ унинг белига қадар давом этган. Боддисатва оқланган тахмоннинг тиниқ қизил заминига ўрнатилган. Унинг чап кўли букилиб, қоринни босиб турибди. Унг кўли унг биқинига кўтарилган ва тирсагидан насти йўқ. Сочининг кўнгироқлари белбоғ билан ўраб олинган ҳамда турунж (медальон) билан безатилган. Бўйни атрофида бир қанча маржон шодалари бор.

Биз учун ҳозирча обш безағидида бир деталь жумбоқ бўлиб қолмоқда: пешонасида анъанавий хол — «чукурча» мавжуд ва у ганч билан шубаб қўйилган. Бу чукурча ичда эса, халқа қилиб қалайланган аjoyиб олтин безак бор.

Худди мана шу хонада гипсдан ишланган йирик ҳайкаллар ерта юз тубан бўлиб ётибди, улар орасида яримянлангоч аёлнинг танаси бор. Улар билан биргаликда роҳибнинг, дубулга кийган аскарларнинг (?) ва буддизм персонажи ҳайкалининг кичик каллалари топилди.

Бошқа хоналарда ҳайкалларнинг фақат бўлаклари — синиб тушган кўл бармоқлари, яланг оёқлар, та-

кинчоқларнинг деталлари, кўкракка осиладиган тақинчоқлар, тиллақошлар, турунжсимон безаклар сочилиб ётибди. Уларнинг аксариятига тилла суви югуртирилган бўлиб, қизил, алвон ранг, оч жигаррангларга бўялган.

Топилмалар ҳақида ҳозирча аниқ гап айтиш қийин. Хоналардан — 70—80 сантиметрли кул қатламлари ичидан сопол идишлар, қорачиқроқлар чиқди. Улар 80 дона. Шуниси кизикки, хоналардан бирида 40га яқин сопол чироқлар тўнтарилиб ерда ётарди, уларнинг баъзиларида пилик сўхталари изи бор. Эҳтимол, бу хонада диний маросимлар ўтказилгандир.

Қорага бўялган гавдаси ярим метр келадиган аждаҳо — тамомила қутилмаган мўъжизавий фигура бўлиб чиқди. Шунингдек, ёзуви бор тўртта сопол парчаси (қадимий Бактрия ва ўрта форсий ёзувларига оид), Будда расми чизилган тасвирий санъат асар-



лари бўлаклари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хона полдан топилган мис тангаларга нисбат бериб, мазкур будда ибодатхонаси эраמידан аввалги III аср бошларида ишлаб турган, деган хулосага келинди.

Будда ҳайкаллари, хусусан, будда ибодатхоналари ўрта Осиёда қазув ишлари олиб бораётган археологларга аввалдан маълум. Бироқ Ўзбекистоннинг жанубидан бундай ибодатхона биринчи марта топилди. Улуғ Купон империяси хукмронлиги давридаги архитектура, буддизм санъати ва қадимий уртаосиёликлар билан ҳиндларнинг алоқалари қандай бўлганлигини яхшироқ тасаввур этишда мана шу топилган ҳайкаллари ўрниши анча катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

Б. ТУРҒУНОВ,
Ҳамза номидидаги Санъатшунослик
институтининг катта илмий ходими
(«Наука и жизнь»дан)



СОҒЛИҚ КУШАНДАСИ

Ичкилик — иллат!

Бирор тўй-маъракада ичкиликнинг зарари ҳақида гап кетгудай бўлса, баъзи бировлар ўз гапларини исботлаш учун билиб-билмай буюк кишилардан далил келтиришга уринадилар. Чунончи, бир тўйда ўтирган меҳмонлардан бири қуйидаги тахлитда сўзлади:

— Ибн Синодек улуг одам ҳам оз-оз ичишга қаршилик қилмаган. Масалан, у бир шеърида:

Қўлингда бўлмасин пайваста бода,
Бир ойда бир бор ичсанг ҳам кифоя,—

дейди. Яна бир ерда эса: «Майнинг ози тарёк, кўни захримор-

дир»,— деган қатъий фикрни айтади. Ҳўш, бунга сиз қандай қарайсиз?

Ҳа, кишини ўйлантирадиган савол. Ахир, барча ярамас одалар ўша «оз-оз»дан бошланмай-дими? Спиртли ичимликнинг маккорлиги ҳам шунда. Оғиздан «оз-оз» кирган май миядан жой олади, оқибатда инсонга ўз ҳукмини юрита бошлайди. Ичкиликбоз бора-бора ичмаса тура олмайдиган бўлиб қолади.

Ичкиликнинг яна бир ҳосиятсизлиги шундаки, кайф қилиш учун бутунги миқдор эртага камлик қилади. Чунки бадмаст оз-оздан ичиб юриб ўз организми-

нинг ҳушёрлигини, сезгирлигини сўндириб қўяди.

«Бош оғриғи»га мубтало бўлган ичкиликбоз эса, эрта наҳорда ичмаса кўзига бутун дунё қоронғи кўринади. Бу майхўрлик, ичкиликбозликнинг илдиз отгандан дарак беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, спиртли ичимлик аввало бош миёга таъсир қилади, ақл-хуш бошдан учади. Ақлдан ажраган киши ҳеч нарсдан тоймайди. Энди унга икки дунё бир қадам бўлиб қолади. У энди жиноятга қўл уришдан ҳам тоймайди.

...Ичкиликбозлар узоқ умр кўрмайдилар. Чунки организм иш-

дан анча эрта чиқиб қолади. Бундай организмда психоз, невроз, цирроз, миокард инфаркти, атеросклероз, сил сингари касалликлар пайдо бўлади ва ниҳоят бундай одам бевақт оламдан кўз юмиши мумкин.

Хуллас, классик адабиётдаги «оз-оз» ичши ҳақидаги мисраларни шартли маънода тушунмоқ керак. Уша гапларга суяниб, оз-оз ичш мумкин деб, 40 даражали ичимликларни истеймоқ қилиш мутлақо хатодир.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидатлари

ҲИСОР ЭТАКЛАРИДА

Яккабоғ ўрмон хўжалиги ва Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси та-сарруфидаги тоғ, қир-адир ва кенгликларда табиатнинг мафтункор кўринишларини, турли ажойиботларни кўриш мумкин. Ҳисор тоғи барридаги бундай мўъжизали табиат гўзалликлари инсон муҳофазасида. Жонкуяр инсонлар табиат бойлигини, ундаги жонзотларни авайлаб асра-моқдалар.

Богот ўртасидаги ялангликдан тип-тиниқ жилга оқаяпти. Тоғ-райхон, ялпиз, кийик ўт, анғиз ва бошқа ўсимликларнинг, турфа гулларнинг муаттар ҳидлари ди-моққа уради. Эътиборимизни жилгадан ўн кадамлар нарида бир гилам ўрнида ўсган, япроқла-ри кулупнай баргини эслатса-да, аммо сийрак япроқли ўсимлик тортиди.

— Бу ўсимликнинг номини «Ота иси, она иси» деб юритиша-ди, — дейди кекса ўрмончи Али-қул бобо. — Бунинг ҳиди алоҳида ёқимли — кайфиятни кўтарди, дилга хушнудлик солади. Ота-онанинг ҳидидек сеvimли деб бу номни тоғликлар кўйишган. Яна «Меҳр гули» ҳам дейишади. Бу ҳақда афсона бор. Айтишларича, ота-онани унутиб, олисларга бош олиб кетган тошбағир бир ўғлонга ушбу ўсимликнинг гулини олиб боришибди. Ўғлон гулни ҳидлаб дарҳол ота-она хузурига равона бўлган экан. Бунга сабаб гулнинг ҳиди, унинг тош бағрини юмша-тиб, қалбига ота-она меҳрини солибди...

Яккабоғ ўрмон хўжалигида эл-ликка яқин шифобахш гиёҳлар ва ўсимликлар ўсади. Айтиш ке-ракки, улар ҳар жойда ҳам унавермайди. Унган билан, мабо-до иқлим ва табиий шариот тўғри келмаса, дориворлик хусусияти-ни йўқотади. Ана шу шифобахш ва қимматбаҳо гиёҳларни, ўсим-лик илдизи ва меваларини йиғиб олиш ҳамда фармацевтика саноа-тида фойдаланиш мумкин. Фақат иш режали ташкил этилса бас. Ўрмон хўжалигининг бошлиги-дан ана шу ҳақда сўрадик.

— Ҳозирча бир неча турдаги доривор гиёҳ ва ўсимликларни етказиб бериш бўйича керакли ташкилотлар билан шартнома тузганмиз, — дея шу соҳада қи-линаётган ишлар ҳақида гап бошлади ўрмон, хўжалиги ди-ректори Қўқон Бердиев. — Шун-га кўра ҳар йили мавсумда бир неча тоннадан шифобахш гиёҳ-лар териб топшираямиз. Маса-лан, ўтган йили 10 тоннага яқин итбурун (наъматак меваси), 6 тон-на анзур пиёзи, 4 тоннага яқин

зира ва зирк ҳамда бошқа турда-ги шифобахш маҳсулот етказиб бердик.

Арчалар... Қишин-ёзин сўлиш, саргайишни билмаган абадий ям-яшил дарахтлар. Ҳисор этаклари-да уларнинг сони беадоқ, 30 минг гектар майдонни эгаллаган. Ҳи-сор тоғ-арча қўриқхонаси ходим-лари ана шу майдонлардаги ар-чаларни муҳофаза қилиш, улар-ни кўпайтириш йўлида жонкуяр-лик қилмоқдалар.

Маҳаллий арча фақат уруғидан кўкартирилади. Бу — катта сабр-тоқат ва тadbиркорлики талаб қиладиган иш. Ўрмончилар ҳар йили бир неча минг дона арча уруғи екишади. Еш арча ниҳолла-рини уч йилдан сўнг бошқа ерга олиб ўтқизиш мумкин. Ушанда унинг бўйи 10—15 сантиметрдан ошмаган, ёйиқ томири аса бир метр чуқурликда бўлади. Шунинг учун тоғлардаги табиий арча-ларни асраб авайлашимиз, бирор туп арчанинг ҳам кесилишига йўл қўймаслигимиз керак.

Эндиликда Яккабоғ ўрмонла-рида табиат мавжудотларини бе-мақсад йўқ қилишга қатъий чек қўйилган. Бу ерда ташкил этил-ган Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси ўрмон жониворларини ўз ҳимоя-сига олган. Ҳозир қўриқхонада ноёб ҳайвон ва паррандалар кў-пайтирилмоқда.

Яккабоғ ўрмонининг ҳайвонот олами ранг-баранг. Унда қоплон, айиқ, тўнғиз, архар, кийик, бур-сиқ, тулки, жайра ва қашқалдоқ-ларни учратиш мумкин. Турна ва оккушлар, Осиёнинг ҳеч қаерида яшамайдиган ҳилолкаклик ва бошқа кўплаб қушлар шу ерда асралмоқда. Ўрмончилар уларни кўпайтириш ҳаракатидалар.

Ҳисор этагидаги хилват Мучин

қишлоғи юқорисида сизот сувлар-дан ҳосил бўлган кичик кўл ва яшил сайхонлик бор. Ҳар йили баҳорда ва эрта кузда ана шу ййлов турналар маконига айлана-ди. Улар олис сафарга ана шу ерда куч тўплашади, тайёргарлик кўришади. Турналарнинг оромини ҳеч ким бузишга журъат этмайди. Негаки, қишлоқ кекса-лари турналар қўнган юрт осой-ишта, қут-баракали бўлади, деб айтишади. Бу ерда турналар сер-ўт, сувлоқ жойда тухум қўйиб, бола очаяпти. Полопонларини учирма қилиб, иқлимга мослаш-япти. Улар бу ерда ўтган йилда-гидан икки ҳисса кўп. Гала-гала бўлиб юрадиган бу сергак қуш-ларнинг бир неча тури — оқ ва кўк турналар бор.

Қўриқхонадаги ноёб парранда-лардан бири — бу ҳилолкаклик-дир. Унинг хислатлари ҳақида бу ердагилар кўп гапиришади, аммо ўзини кам кўришади. Негаки, ҳилолкакликлар жуда камайиб қолган. Борлари ҳам денгиз сат-ҳидан 3 минг метр баландликда, овлоқда яшашади. Ранг-тусда од-дий какликдан унча фарқ қил-майди, макиёнининг катталиги тустовуқдай, она ҳилолкаклик эса кўринишда даканг хўроздай келади. Бўйни узун, оёқлари тўш-ли, оғирлиги 3—5 килограмм атрофида.

— Илгари замонларда, — дея ҳикоя қилади меҳнат ветерани Эргаш Эшев, — ҳилолкакликлар бадавлат хонадонларда бўлган. Улар аввалига қафасда, одамга кўникишгач, очикда сақланган. Ҳилолкакликларнинг ноёб хисла-ти бор. Ҳилолкакликнинг сайра-ши оддий какликниқидан фарқ қилади. У тиниқиб сайраса, овози асабларни юмшатиб, кишига дил-

хушлик бахш этади. Афсуски, бераҳм овчилар хуштаъм гўшт ва ноёб пат дея бу қушни кўплаб овлашган. Чўчиб қолган сезгир қушлар одамлар билан яқин яшайдан воз кечиб, юксак тоғ чўққиларида, қоялар бағрида маскан қуришган.

«Қизил китоб»га киритилган бу қушнинг тақдири энди бўлакча кечинчи керак. Ўрмон хўжалиги ходимлари ҳилолкакликларнинг тухум очиб кўпайиши, уларнинг тинчлигини ҳеч ким бузмаслиги учун кўз-қулоқ бўлиб туришлари лозим.


Косагар — Зарафшон тоғи билан Ҳисор тоғ тизмалари ушлаган жой. Бодомзор мрамор қониға етмасдан чап қўлдаги дарага йўл олсангиз, ана шу мафтункор ман-зилгоҳга етасиз. Тоғ булоқлари ва қорликлардан оқаятган муздек зилол жилгалар харсанглари ювиб, қуйиға оқади. Бир сой сув харсангдан харсанга сакраб ҳис-басиз шоввалар ҳосил қилган. Шоввадан тушаётган сув метин харсангни ўйиб, тошхувузлар ҳо-сил қилган.

Бир тошхувуздан иккинчисига сув шовва бўлиб қуйилади. Бун-дай тошхувуз ва шоввалар қирк-тача. Қуёш нурида шоввалар найкамалак ҳосил қилган. Бир қарашдаёқ тўрт-беш шоввадаги камалаклар жилваланиб, рангин нурлар кўзни қувонтиради. Кам-алаклар қуёшга монанд ўзгариб, товланиб туришади.

Субҳидамда турфа қушлар тў-да-тўда бўлишиб, чанқоқ босгани Косагарга келишади. Чанқоғини қондирган какликларнинг маст сайроғи бутун дарада ёқимли аксе-садо беради. Яна қандайдир қуш-ларнинг таниш-нотаниш овозла-ри қулоқларга қалинади.

Косагар сойи келиб Қашқадарё-га қўшилади. Сой бўйлаб пастга тушар экансиз, табиатнинг беба-ҳо, қайтарилмас таровати кўнгли-нгизга кўчади. Ана шунда она табиатнинг қанчалик гўзаллиги-ни яна бир қарра ҳис қиласиз, мафтункор диёримизнинг бутун лаатофати кўз ўнгингизда намоен бўлгандек туюлади.

Акрам АМИНОВ



Ҳисорак тоғларидаги қўриқхонада

Б. Юсупов фотоси (ЎЗТАГ).

Инсон ва табиат

БИРИНЧИ ЎЗБЕК КИНОРЕЖИССЁРИ



НАБИ ГАНИЕВ ўзбек миллий киносанъатимизнинг ilk қалдирғочларидан бири, ўзига хос режиссёр сифатида халқимизнинг меҳр-мухаббатига сазовор бўлган. 1905 йили Тошкентда туғилган Наби Ганиев болалигиданоқ ҳар бир нарсадан нафосат, гўзаллик, жозиба топишга интилар эди. Кўрган нарсаларини қалбдан ҳис қилибгина қолмай, уларнинг тасвирига қозоғга туширар эди. Дўстларининг сувратлари, қушлар, гулдан гулга кўнган капалаклар, заминга бир текисда нур сочиб тоғ ортидан кўтарилаётган улкан қуёш тасвири — ёш расмоннинг ilk асарлари мазмунини ана шулар ташкил қилар эди.

Қуёш ёш расмон тушунчасича буюк Инқилоб рамаи эди. Не бахтки, унинг ўсмирлик даври Ленин даҳоси туфайли буюк инқилобий ўзгаришлар содир бўлаётган йилларга тўғри келди. Эндликда ким қандай эзгу орзу қилган бўлса, эриша оладиган социалистик тузум қарор топган эди. Бу тузум Наби Ганиевнинг келажак ораулари учун ҳам кенг уфқлар очди. У Москвадаги ВХУ-ТЕМАС — Олий бадий техника устaxonасига ўқишга кирди. Бу кутлуг даргоҳда кино асослари ҳам ўргатилар эди. Наби Ганиевнинг бутун хаёлини энди ХХ аср мўъжизаси бўлган навқирон кино санъати эгаллади. У расм билан кинодан қандайдир умийлик кидирар, бунга тошгандай ҳам бўлар эди. У оқ қозоннинг бир бетига қушнинг расмини чизди, иккинчи бетига қафасни, қозни тез айлантирган эди: қуш қафасга кириб қолганга ўхшади. Шунда киноси бекорга «ҳаракат

чан сурат» деб атамасликларига ишонди.

1925 йили Наби Ганиев Тошкентга дорилфунун таълимини олиб, рассомлик ва кино асосларини мукамал ўрганган ҳолда қайтиб келди. Янги социалистик жамиятнинг барпо этишда кино санъатининг роли, аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини дилдан ҳис қилган Н. Ганиев ўша йиллари ташкил этилган «Шарқ юлдузи» кино фабрикасига ишга кирди. Фабрикада миллий кадрлар деярли йўқ эди. Наби Ганиев бу ерда ишни «Вахт қуёши» фильмида режиссёр ассистентлигидан бошлади.

1927 йили экранларга чиқарилган бу фильм республикамизнинг кўпгина кишлоқларида намойиш этилди. Фильмда ер-сув ислохоти, деҳқонларга ер берилиши, хотин-қизларнинг эскилик бидъатларига нафрат билан қараб, паранжиларини гулханга улоқтириш лавҳалари ўз ифодасини топган эди.

Постановкачи-режиссёр О. Фрелихнинг «Соябонли арава» фильмида Наби Ганиев актёрлик иқтидорини ҳам синаб кўрди. У ижро этган Боймат бойвачча роли жонли чикди. Н. Ганиев Войматнинг калтафаҳмлигини, нозик инсоний ҳис-туйғулардан маҳрумлигини кўрсатиш учун ташқи либосдан, гримдан, атрофидаги буюмлардан ҳам ўринли фойдаланди.

«Юксалиш» бадий фильми Н. Ганиевнинг кинорежиссёр сифатидаги ilk мустақил иши бўлди. Бу фильмда Улуғ Октябрь инқилоби шарофати билан капитализмни четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри социализмга қадам қўйган ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар ишонarli бадий талқин қилинди. Бу кинокартинада биринчи марта ўзбек ишчисининг образи гавдалантирилди. Н. Ганиев суратга олинган ҳар бир деталдан фильм олдида қўйилган мақсадни ёритиш учун санъаткорона фойдаланди. Биринчи ўзбек киноактёрлари И. Собиров, Э. Ҳамроев, И. Аъзамовлар ўзларига топширилган ролларни Н. Ганиев кўрсатмалари асосида маромига етказиб ижро эта олдилар.

Наби Ганиев режиссёрлик қилган «Рамазон» фильми эскилик бидъатларига қарши курашга бағишланган. Фильмдаги Темур образи ўзида янги социалистик жамият кишисининг шаклланиши жараёнини мужассам этади. Режиссёр кейинги ижодий иши — «Ийигит» бадий фильмининг яратишга киришар экан, ўзининг бўлажак қаҳрамонини оддий

халқ орасидан излади. Бу ўринда унга биринчи ўзбек сценаристи ва киноактёри Эргаш Ҳамроев сценарийси қўл келди. Батрак Пўлат (артист Э. Ҳамроев) — ёшлигиданоқ турмушнинг оғир экинни елкасига ортганлардан. Лекин қанча тер тўкмасин, ҳеч бири икки бўлмайди, бир қарич ер сотиб ололмайди. Октябрь инқилоби туфайлигина у ҳам рўшнолик кўради. Шўролар ҳукумати унга ҳам ер беради. Аммо босмачиларнинг қутқуси, мутаассибларнинг уни ўзалри томонга оғдириб олишга урнишлари таъсирида Пўлатда иккиланиш юз беради. Ерни колхозга қайтариб бермоқчи бўлади. Аммо атрофида содир бўлаётган улкан воқеалар уни бу фикрдан қайтарди.

Наби Ганиев фильмда Пўлатнинг онги ва руҳиятидаги ўзгаришларни тадрижий равишда очиб боради. Пўлатнинг янги тузум афзалликларини тўла тушуниб етиш, инқилоб ишининг актив курашчилардан бири даражасига кўтарилиш жараёнини кўрсатади. У фильм йўналишини кўпроқ қаҳрамоннинг ички психологиясида юзага келадиган зиддиятлар орқали очиб беришга ҳаракат қилди. Иқтидорли кинорежиссёрнинг социалистик реализм методи асосида яратилган бу киноасарида сохта экзотика билан чекланган бир қолидаги «шарқона» фильмлар ананаларига барҳам берилиб, Совет Шарқининг реал ҳаёти ва реал кишилари бадий ҳаққоний тасвирланди.

30-йилларнинг охирига келиб, кино техникаси ҳам ҳар томонлама ривожланиб, овозли фильмлар яратиш даври бошланди. Бу эса киносининг ижтимоий мавқени

янада ошириб, режиссёр Наби Ганиевнинг хаёлини банд қилиб юрган орузларнинг рўёбга чиқishi учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Н. Ганиевнинг хаёлини банд этган нарса тарихий ва афсонавий шахсларнинг экран талқинини яратиш эди. Айниқса Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи қаҳрамонлари уни тамоман мафтун қилиб қўйган эди. Лекин у «Ўтган кунлар»ни фильм қилишни режалаштириб юрган бир пайтда Улуғ Ватан уруши бошланиб, Наби Ганиев ҳам барча совет санъати аҳли қаторида ўз истеъдодини ватандошларимизни она — Ватан химоясига олтинтирадиган, уларни маккор ёвдан қасос олишга ундайдиган фильмлар яратишга қаратди. Қисқа фурсатда «Биз енгамиз» (К. Ерматов билан ҳамкорликда) ва «Жанговар дўстлар» фильмларини яратди. Бу асарларда фронт ва мамлакат ичкарисида адо этилаётган жанговар топириқлар, жангчиларимизнинг Ватан озодлиги йўлида олиб бораётган мардонавор курашлари ўз аксини топган эди.

Ўзбек халқининг ўлмас қаҳрамони Хўжа Насриддин ҳақидаги лафизлар Улуғ Ватан уруши йилларида яна ҳам машҳур бўлиб, жанг майдонларида ҳам, мамлакат ичкарисида бораётган меҳнат жабҳаларида ҳам зўр қизқиш билан тингланар, ҳалол, мард, тўғрисиъз Хўжа Насриддин образи оғир дамларда кишиларга кўтаринки руҳ, ғайрат бағишлар эди. Киносанъаткорлар халқ озаки ижодига мурожаат қилиб, Хўжа Насриддиннинг экран талқинини яратишга киришдилар. Бу ишга совет киноси устаси Яков Протазанов ва иккинчи режиссёр

«Насриддин саргушларга» фильмидан кадр: Зулфия (Ю. Ризаева) ва Саид (К. Холқов) учрашуви.



сифатида Наби Ганиев кўл урди. «Насриддин Бухорода» фильми жаҳон экранларида ҳам муваффақиятли намоиш этилди.

1946 йили суратга олинган «Насриддиннинг саргузаштлари» фильми ҳам «Насриддин Бухорода» кинокартинасининг давоми бўлиб, бу асарни Наби Ганиев мустақил ишлаган эди. Фильмда Хўжа Насриддин образи янада халқчил, самимий, дилкаш, меҳнат кишиларига доим кўмаклашиб юрвчи ғамхўр инсон сифатида гавдалантирилди.

Наби Ганиев бу икки фильмни яратиб даврида халқ оғзаки ижоди намуналаридан кинода кенг фойдаланишининг самарасини амалда кўргач, энди халқ оғзаки ижоди намуналарини асосида қахрамонлик мавзусида асар яратиш устида ўйлаш бошлади. Унинг бу ишга киришишига биринчи ўзбек генерали Собир Рахимов катта ижодий туртки берди. Фронтдан қисқа фурсатга Тошкентта келган С. Рахимов Муқий театри саҳнасида «Тоҳир ва Зухра» спектаклини кўриб: «Агар шу асар фильм қилиниб, фронтдаги жангчиларга кўрсатилса, ажойиб иш бўлур эди», дейди. Наби Ганиевни бу сўзлар илҳомлантириб, тезда шу фильм (драматург Собир Абдулла сценарийни асосида) устида иш бошлади. Утмишда жабр-аулм кўрган халқ ўз хаёлида овоз, фарвон ўлкалар, халоскор ботир қахрамонларни яратган. Наби Ганиевнинг мазкур фильмда ўз давридаги зolim ва бевафо шохлар ва уларнинг жабридан озор чеккан гуноҳсиз, эркис хотин-қизлар, йигитларнинг тўлақонли образлари яратилди. У халқ афсонасини экранлаштириш устида ишлар экан, ижодий образлар — пок қалбли Тоҳир ва Зухра, ёвузлиқка қарши бош кўтарган доғишманд Сардор образларида ўз эркинлигини ҳимоя қилаётган совет халқи фазилатларини эслатувчи деталларга алоҳида эътибор берди. Салбий образлар — зolim Бобохон, ёвуз ниятли Қоработир, хоин вазир образлари талқинида фашизмга хос бўлган ёвузлиқни ифода этишга ҳаракат қилди. Бу фильмни кўрган Улуғ Ватан уруши жангчилари: «Тоҳир ва Зухра» фильми бизни жанг майдонларида қахрамонликлар кўрсатишга илҳомлантирди. Ҳаётимизни қурбон қилсак-да, Ватанимиз туپроғини душман томонидан топталишига йўл қўймаймиз!» деб ёзган эдилар. «Тоҳир ва Зухра» фильми Наби Ганиев ижодининг шох асари бўлиб, бу киноасар ўзбек кино санъатининг шухратини оламга ёйди. Орадан қанча йиллар ўтса-да, бу фильм ўзининг бадиий-эстетик қимматини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Ганиевнинг ижоди камолот палласига етган бир пайтда шафқатсиз ўлим уни бизнинг ораимиздан олиб кетди. Лекин ўзбек киносининг ривожланишига ўзининг улкан улушини қўшган Наби Ганиев ўзи яратган асарлари билан биргачида бизнинг сафимизда яшамокда.

Абдураззоқ КАРИМОВ

«МЎЪЖИЗА ШАҲАРНИ КЎРДИМ...»

Эрта тонгдан телефон жиринглаб қолди: «Фестивалга аталган кўшиқ тайёр бўлди. Эшитишни истасанг, кел!» — Жаннинг кўтаринки кайфиятда эканлиги сезилиб турарди. Тезда кийиниб, унинг ҳузурига йўл олар эканман, ҳаяжонимни босолмасдим. Бўлмасачи! Мен яқинда машҳур француз композитори, Жаҳон ёшлари ва студентларининг 1957 йилда Москвада ўтказилган VI фестивали қатнашчиси Мишель Легран билан учрашгандим. Уша суҳбат чоғида унда жаҳон ёшларига бағишланган янги кўшиқ яратиш фикри туғилганди. Легран бўлажак кўшиқ текстини ёзишни ўзининг яқин дўсти, ижодий ҳамкори — француз ёшларининг семимли кўшиқчи-шоир Жан Дрежакка таклиф қилганди. Сахаримардондан менга кўнги-роқ қилган ҳам ана шу кўшиқчи-шоир Жан Дрежак эди.

Жаннинг уйда турли адабиётлар сочилиб ётарди. Аммо ижоди учун муҳим ҳисобланган ҳужжатлар қатъий тартиб билан турарди. Булар келажакда ёзилажак поэма, шеър, кўшиқлар учун материал бўлиб, Жан уларни газета ва журналларнинг саҳифаларидан қирқиб олганди.

Жан ўша мақоалар тўпланган папкалардан бирини очди. Бироқ менинг аввал кўшиқни эшитишга ошиқиб тоқатсизланаётганимни кўриб, қоғозларни бир четга суриб қўйиб, магнитофон кассетасини олади: «Олдин тинглаб кўрамиз».

Фортельяно жўрлигида Мишель Легран оҳиста кўшиқ бошлади.

Кўёш нурларига беланиб
Офтобдай оромбахш шаҳарга келдим.
Навқирон дарахту гул ҳамма
Анҳорларда зилол сувларни кўрдим.
Қаердан келибди булар сахрога,
Ахир, бу жой тубсиз сахро эди-ку?
Пайдо бўлган Кўёш ҳамда Бахордан
Мўъжиза — Навоий шаҳри экан бу!

— Бу кўшиқ оркестр жўрлигида янада жўшқин ва замонавий руҳда янграши керак, — фикримни сезгандек хушчақчақ сўз қотди мезбон.

У денгиздай чексиз оппоқ пахта-зор
Кўксига очилган оқ нилуфар гул.
20 ёшлар — шу қадар дилдор,
Кўрдим бир-бирига қўяганин кўнги.
Уқидим уларнинг нигоҳларида
Тақдирни ўта хавф остида қолган

Бу кўхна Заминнинг куйлаб номидан
Офтобдай юксаклик томон йўл олган —
Инсоннинг Тинчлик, Бахт кўшиқларини.
Куйлатажак улар кенг Ер шарини.

— Жуда ажойиб! — дейман Жанга. — Нега энди кўшиққа Навоий шаҳрини мавзу қилиб олдинг?

— Сахрода барпо этилган Навоий шаҳрида, — деб давом этади Жан Дрежак, — одамлар болалар аравачалари билан сайр қилиб юрадилар, анҳор ва фавора-ҳовузларда чўмиладилар. Кечагина кум барханлари кўчиб юрган кимсасиз сахро бўлган бу ерда бугун бўлажак олимпиадачилар спорт мусобақалари ўтказиладилар. Шаҳар эса шу қадар ёш, мафтункор! Кўёш нурларига беланиб ётади!

— Бутун дунё бўйлаб «очилган кўрик» деган тушунча юради, — давом этади Дрежак. — Мўъжиза шаҳар Навоийни бу тушунчанинг ёркин рамзи дейиш мумкин. Французлар бу шаҳар тимсолида инсон куч-қудратининг, ақл-заковатининг нималарга қодир эканлигини, тинч меҳнат саҳронинг ҳам боғу бўстонга, жаннатга айлантира олишининг жонли тимсолини кўрадилар. Париж, Франция, ГАРбий Европадаги мамлакатларнинг раҳбарлари учун сабоқ бўлиши керак бу...

Ана шу мақсадда Жан Ўзбе-

кистонга қилган сафаридан сўнг — уйига қайтаётганида, Москва меҳмонхонасида Навоий шаҳри ҳақидаги мазкур шеърининг дастлабки сатрларини қозғага туширганини айтар экан, таъсирланиб кетдим!


Биз яна қайта бошдан Мишель Леграннинг лентага ёзилган овозини тинглаймиз. Жан Дрежак дўсти Легран билан 1957 йили Совет Иттифоқида қилган илк сафарини эслади. «Балтика» теплоходи Ленинградга, VI фестивалга франциялик 350 делегатини олиб кетаётганида, делегатлар орасида Франция Компартиясининг раҳбари Морис Торез ҳам бор эди. Ленинград портида уларни мингглаб совет кишилари кўлларидан ранг-баранг гулдастлар билан кутиб туришарди. Соҳилга ўн километр масофа қолганда, денгизнинг нариёғида совет кўшиқларини севиб ўрганган француз ёшлари катерлар, моторли қайиқларда кеманинг олдига ўтиб, русча кўшиқ бошладилар...

Легран оркестрининг концертлари Ленинград, Москва, Киев шаҳарларида шунчаки муваффақият қозонибгина қолмай, балки зўр ғалаба билан ўтди. Қанча-қанча қизгин учрашувлар, танишувлар, баҳсларни айтмайсизми!

Францияда тескаричилар оддий меҳнаткаш одамларини Совет Иттифоқининг қудрати билан кўрқитишни, социалистик тузумимиз афзалликларини тескари тарғиб қилишни яхши кўришарди. Бироқ Жан учун бизнинг семимли мамлакатимиз куч-қудрати тинч, осойишта ҳаёт кечириш, гурурга тўлиб, илҳом билан меҳнат қилиш гарови ҳисобланади.

Мен нурга йўғрилган шаҳарни кўрдим,
Унда ҳамма нарса ажиб, анвоий.
Кўз-кўз қилиб ўзин баҳорий кўр-кин
Бахт, Тинчликни куйлар бутун
Навоий.

А. ИГНАТОВ
(«Комсомольская правда»
газетасидан)



А. Жумаев фотостудии.

Табият кўйида.

СЕҲРЛИ ҚЎШИҚЛАР

Ғазалкент. Кейинги йилларда бу сўлим шаҳарнинг номи тиллардан тушмай қолди. Шаҳар

Маданият уйи қошида ташкил этилган «Гулёр» фольклор ансамбли аъзолари ижро этаётган жо

зибали қўшиқлар ҳам бу шаҳарнинг шухратига шухрат қўшиди.

...Ансамбль аъзоларининг сахнада пайдо бўлишларини кузатиб-тоқ тўқинланиб кетасиз. Атлас кўйлак, қалами камзулларининг кенг этакларини шамолда хиллратиб, заррин қийиқчаларини пешоналарига чиройли танғиб, қўлларини ҳавода нафис ҳаракатлантириб, майда қадамлар билан ўзлари айтаётган қўшиқ дарёсида оқиб сахнага кириб келишади. 25 аёл бир-бирларига жўровоз доира чертиб, қўшиқ бошлашади. Ўз овозларидан яна ҳам жўшиб, даврани гир айланиб, ҳар бандни янгидан бошлаганларида гўёки томирларингизга янги тўлқинлар оқиб киради, вужудингиз жириллаб кетади. Доира садолари авжлана боради. Беихтиёр ўзингиз ҳам ашулага жўр бўлингиз келади...

Ансамбль репертуаридаги ҳар бир асар ана шундай ҳис-ҳаяжон, эҳтиросларга тўла. Бу қўшиқ ва рақслар, доира усуллари шу қадар содда, диловар, қалба яқинки, беихтиёр болалик йилларингизни ёдга оласиз, шўх ва қувноқ ҳам ўйчан қўшиқлар сизни ажиб сирли оламга етаклаб киргандай туюлади.

Ансамбль аъзолари — 55 ёшдан 75 ёшгача бўлган кўп болали онахонлар: колхозчилар, ишчилар, пиллакорлар, тарбиячи аёллар. Улар 1979 йил август ойида «Бўстонлик» совхозида бўлиб ўтган бир қувончли воқеани мароқ билан эслайдилар. Ушанда шаҳар маданият уйининг методистлари ташаббуси билан дала

шийпониди «Қизлар давраси» ўтказилди. Бадий қисмда Лазоқат Нуримова, Тилла Орипова, Хатима Абдурахмоновалар ўзлари билган халқ қўшиқларини доира жўрлигида тўлиб-тошиб ижро этар эканлар, тингловчилар уларни қарсақлар билан кўмиб юбордилар. Шундан сўнг кўп ўтмай қўшиқ ижро этган аёллар ўз ансамбллари тузишга қарор қилдилар. Доира, рубоб чертувчилар ҳам ўзларининг ораларидан чиқиб қолди. Энди улар ҳафтаининг ҳар сешанба, пайшанба, жўма кунларида ишдан кейин уй ишларини саранжомлаганларидан сўнг маданият уйида Лазоқат Нуримова бошчилигида янги қўшиқлар ўргана бордилар, унутилаётган халқ қўшиқларини янгидан ижро эта бошладилар. Бу орада улар ўз репертуарларини чистонлар, ҳазил-мутойибали лапарлар билан бойитиб, колхозчилар учун тез-тез концерт уюштирдилар.

Шу таразда орадан уч йил ўтди. Бир куни окшомда ҳамқишлоқлар ўз сеvimли ансамбллари «зангори экран»да кўриб, ўз кўзларига ишонмай қолдилар. «Гулёр» ансамбли ҳақида ҳикоя қилуви бу телефильм рангли тасвирда суратта олинганди. Ушанда ансамбль аъзолари «Гулёр», «Сумбула», «Ер-ёр», «Тановар» сингари халқ қўшиқларини шу қадар берилиб ижро этдиларки, тингловчилар беихтиёр тасанно айтдилар.

Орадан кўп вақт ўтмай уларнинг санъати Марказий телевидение орқали намойиш этилганида ғазалкентликларнинг қалблари фаҳрга тўлди. Кўрсатуви музикали эшиттиришлар бош редакцияси тайёрлаганди. Бу гал улар «Асра қизил гулли», «Улмишам», «Бор шамоли», «Ўйнанг ёр, ўйнанг», «Ҳо-ҳо, яли-яли», «Қошгинангнинг қароиси», «Модаржон», «Ишқингда мен девона», «Катта ашула», «Бўстонлик», «Сада райҳонингга балли» каби ўнлаб қўшиқларнинг музикали сеҳрини миллионлаб санъат ихлосмандлари қалбига етказдилар. Экранда Бўстонлик районидаги қишлоқлар ҳам қўшиқ садоларига чулғаниб, кўзга ташланди.

Умуман, Ғазалкент табиатиининг ўзи бир мўъжиза. Тяньшаннинг қорли чўққилари шундоқ қўлингизни узатсанг етгудек бўлиб бор виқори билан кўзга ташланади. Пастда Чирчиқ дарёси тошдан-тошга урилиб, шиддат билан жўшиб оқади. Бир томонда мевали боғлар, ям-яшил узумзорлар, дам олиш зоналари, иккинчи томонда чексиз экин майдонлари кўзларни қувонтиради. Эрта тондан қуёш қоялар ортидан бир чиройли жилмайиб чиқиб келади, она табиат офтобнинг заррин нурларига беланади. «Гулёр» ансамблининг хонанда ва раққосалари ҳам барча меҳнаткашлар қатори ишга отланадилар, завқли меҳнат давомида халқ дилидаги куй ва қўшиқларни териб юрадилар.

... Мана, қишлоқ узра тагин сирли, салқин окшом чўка бошлайди. Қаердандир узоклардан сирли қўшиқ таралади...



Ҳақима Абдурахмонова ва Манзура Аширбоевалар доирани қарсиллатиб чалишганда, оддий томошабиннинг ҳам рақсга тушгиси келади.



75 ёшли Рихсixon ая Шарипова даврани тўлдириб, гир айланиб рақсга тушганда, қўлларидаги мўъжаз қўшиқлар шикирлаб, томошабинга ажиб завқ бағишлайди.



«Гулёр» ансамбли аъзолари меҳнаткашлар ҳузурига ана шундай хушчақчақ алёр айтиб, шўх ўйинга тушиб чиқиб борадилар.

В. Дубровский фотолари

Назира ИҮЛДОШЕВА

ИБРАТЛИ УМР

Уруш бошланганда, Нозим Мираев район пионерлар лагерига вожатий бўлиб ишларди.

Денов районда умумий сафарбарлик эълон қилинди. Ҳамма йигитлар ақдидлик билан Ватан ҳимоясига отландилар. Еш Нозим кўнгилчилар қаторида район ҳарбий комиссариатига борди. Лекин у ердagiлар унинг хали ёш эканлигини айтди. Орадан бир йил ўтди. Нозим Мираев район ҳарбий комиссариатига яна арза берди. Няхоят, 1942 йилнинг 18 сентябрида у Совет Армияси сафига қабирилади.

Нозимлар тушган эшелон дастлаб Владивосток шаҳрига томон йўл олди. Уша йилнинг 30 октябрида уларни пароход орқали Владивостокдан Советская Гавань шаҳрига юборишди. Уша ерда Нозим ва унинг теғдошлари миномётчилар взводида хизматни бошладилар. Нихоят, уларни кейинги йилнинг бошида фронтга жўнатишди. Нозим Мираев ўз қуроолшлари билан Пермь областага келиб, 19-ўқув бригадасининг 58-миномётчилар полкида бироз мудат ҳарбий тайёргарликдан ўтди. Бу ерда у ҳам миномёт отиш техникасини ўрганди.

1943 йилнинг август ойида Нозим Мираев Калинин фронтининг Смоленск йўлидаги бўйлаб ҳужум қилаётган 20-армиянинг 727-ўқув полкининг солдатлари сафига жангга кирди.

— 1943 йилнинг 14 сентябрь кунин, — деб хотирлайди Нозим Мираев, — тип-тирноғигача қурооллан душманга қарши икки соат қаттиқ отишма бўлди. Шиддатли жанг билан душман плацдармини ёриб ўтди. Бўлиммазлик жангчилари ўз мардликлари билан қўмондонлик эътиборига сазовор бўлди. Жангда алоҳида намуна кўрсатган бошқа қурооллош дўстларини қаторида «Жасурлиги учун» медал билан тақдирландим.

Одатда, миномётдан пистирмада туриб танкага қарши ўқ узилди. Бунда мўлжални албатта тўғри олиш лозим. Аҳо ҳолда ўқ нишонга тегайди.

Нозим Мираев Ватанимизнинг вақтинча душман эғаллаб олган шаҳар ва қишлоқларини озод қилиш учун олиб борилган кейинги жангларда душманга қарши мардларча курашди. Унинг бу жасорати кўксидан ҳам рамзий из қолдиради. У «Жанговар хизматлари учун» медал билан мукофотланди. 1944 йилнинг бо-

шида афвсиз жангларнинг биринчи Нозим чап оёғидан оғир яраланиб, дала госпиталига тушди.

Ўзбек жангчиси Калинин fronti чизиги бўйлаб 153 километр узунликда жойлашган шаҳар ва қишлоқларини озод қилишда фаол иштирок этди. Нозим бир оёғидан ажралиб госпиталда ётар экан, ўзини эмас, қурооллош дўстларини, Ватан тақдирини ўйларди. Жангга яроқсиз бўлиб қолганидан эса ўқинар эди... У бир неча ой даволагач 1944 йилнинг ноябрида кўлинтайёққа суяниб юртига — Денов районига қайтди.



Энди Нозим Мираев уруш туғайли хароб бўлган қишлоғини оёб қилишга бош қўлди. Кенатас қишлоқ Советида секретарлик қилди. 1953—1956 йилларда райондаги Куйбишев номи колхозда партия комитетининг секретари бўлиб ишларди. Нозим Мираев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта хизматлари учун бошқа илгорлар қаторида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шу орада бир неча йил район ижроия комитети раисининг муовини вазифасида ишларди. У районда дастлабки ташкил этилган колхозлараро куралиш ташкилотлари «Москва» колхозидagi парадначилик фермаси ва шаҳар инвалидлар уйининг ташкилотчиларидан бири сифатида элининг эътиборини қозонди. Мана, бир неча йилдирки, Нозим ака Мираев пенсияда. Лекин ижтимоий меҳнатдан хали қўл узгани йўқ. Район ветеранлар Советининг фаол аъзоси сифатида ёшлар, Денов шаҳар аҳолиси ўртасида урушга қарши тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Нозим ака Сарвосиё ва Ангор районларида истиқомат қилаётган Ражабали Сатторов, Қўзи Бўриев, «Хазороб» совхозида ялаётган Собир Султонов сингари қурооллош дўстлари билан тез-тез учралиш туради, жанг хотираларини ёшларга ҳикоя қилиб беради.

Нозим ака — ота сифатида кўпларга ибрат бўлади-ган нарибадавлат киши. У 9 фарзанд учун азиз падар бўлса, 28 нафар неваралар учун эса мўътабар бободир.

Хайдар ХУШМАТОВ

ЭКРАНДА МАШГУЛОТ

Ўқитувчи дарсини тушуни-тирар экан, киночани босди:

— Бошқарув пултига эшитади!

— Саккизичи синфлар учун Тошкент телевидение-сидан кеча берилган физика фани машгулотини кўрсатсангиз.

— Марҳамат!

Ҳозиргина формулалар билан тўлиб кетган доска икки томонга сурилиб, телевизор экранни кўринади. Сўнгра дикторнинг дона-дона сўзлари эшитилди:

— Физика фанидан ўқув кўрсатувида бошлаймиз!

Бир неча дақиқа ичида ўқувчилар кўрсатувнинг муҳим жойларини дафтарларига қайд қилдилар. Кўрсатув тугагач, ўқитувчи ўртага саволлар ташлади. Талабалар бу саволларга навбат билан жавоб қилишди. Худди шу вақтда бошқа хонада еттинчи синф ўқувчилари билан рус тили ва адабиёти фанидан дарс ўтилямоқда эди.

— Болалар, — деди муаллим, — сиз ҳозир шоир Уйғунинг ҳаёти ва ижоди билан танишдингиз. Энди шоир билан учрашингиз ҳам мумкин...

Синфда жонланиш пайдо бўлади.

— Яқинда семилми шоиримиз В. И. Ленин номидagi Тошкент Давлат университетини студентлари хазурида меҳмон бўлди. Уша учрашув телевидениеда лентага ёзиб олинган. Марҳамат, ҳозир уни кўрашингиз мумкин.

Ҳа, гап телестудия ҳақида кетаяпти. 45 минутлик дарс соатида ўқувчилар мавзунини ҳам тинглаш, ҳам кўриш имкониятига эга бўлган Кува районидagi В. И. Ленин номи мактабда қарийб беш йилдан бери телестудия мунтазам ишлаб турибди. Ўқувчиларга мукаммал билим бериш, вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида телевидение экран ўрнатилган бу мактабда «Коммунизм» колхозининг мингта экин фарзандлари таълим олмақда.

Партия ва ҳукуватимизнинг умумий таълим ва унар мастабини ислох қилиш ҳақидаги қарориди таълим ва тарбия сифатини ошириш, ҳар бир предмет ўқитилишининг юксакор илмий даражасини, фанларнинг асосларини мустаҳкам эғаллаб олишни, гоъвий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни, эстетик ва жисмоний камолот яхшиланшини таъминлаш вазифаларини ўқувчиларга қўйилган.

Биз ҳикоя қилаётган машгулот коллективи ана шу ҳаётини кўрсатмаларини изчила бажарашга киришди.

Кува район халқ маорифи бўлимининг муддир Турсун-

али Курбонов ҳам Москвада ўтказилган таълим мактаблари ўқув базаларини мустаҳкамлаш ва машгулотларда техника воситаларидан фойдаланишга бағишланган семинарда иштирок этган қулиларида мактабларда Ислоҳчи жорий этиш борасида амчагина ишлар қилинаётганидан хабардор бўлди. Семинарда Киев шаҳар мактабларида телеукусуналар ўрнатилганлиги, ўқитувчилар дарс жараёида телефильмлардан кенг фойдаланаётганлиги айтилди. Ушаида Турсунали Курбонов вақт топиб Киев шаҳридаги айрим мактабларини ва уларда ўтиляётган дарс сифатини бориб кўриб келди. Кувага қайтгач эса, у дастлаб мактаб телестудиясини куришдан олдин уни йиғувчи мутахассислар тоишига ҳаракат қилди. Бу иш ленинградлик мутахассислар кўлидан келишини билиб, у ерга жўнади ва тегишли мутахассисларни топди.

Ҳадемай, иш бошлаб юборилди... Ҳозир мавжуд 30 та фан кабинетига ўттизта телевизор ўрнатилган. Бу кабинетлар 3 та видеомагнитофон, 7 та кино аппарат, 7 та магнитофон, 11 та диапроектор, 11 та фильмоскоп билан жиҳозланган. Эндиликда бу мактабда бир вақтининг ўзида олтинча программа орқали барча фан кабинетларида телекўрсатувлар намойиш қилиш имконияти мавжуд.

Мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар учун ҳамма шароитлар яратилган. Рус тили, чет тили, жисмоний тарбия дарслари икки гуруҳга бўлиб ўттилади. Янги ўқув йилида рус тили ва чет тили кабинетлари учун янги кўргазмалар қурооллар сотиб олинди. Мазкур мактабда ўқувчиларга меҳнат малакасини сингдириш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаёттир. Ҳозир 8-синфлардан 77, 9-синфлардан 54, 10-синфлардан 61 нафар ўқувчи «Намуна» қишлоғидagi 4-мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида хунар ўрганимоқдалар.

Мактабнинг аҳли ва ишчан педагогик коллективи ўтган ўқув йили якуни учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Касабаси союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган эди. Зафар байроғи илгор педагогик коллективи янги муваффақиятларга даяват этмоқда.

Умида АБДУАЗИМОВА



ОЛОВ ҲУРМАТИ

Яқинда Калуга шаҳрида антиқа музей — гугуртлар музейи очилди. Мазкур музей учун коллекция тўлаган «Союзфанспичпром»нинг Калуга шаҳар конструкторлик-технология бюроси ходимлари, гугуртлар буидай хураятта муносибдир, деб ҳисобладилар.

Ана шу гаройиб музейга кириб қолгудай бўлсангиз, гугуртларнинг ранг-баранглигини кўриб ҳайратланисангиз. Улкан камини-печаларга олов ёқагани каттагугурт дейсизми, бор-йўғи икки сантиметр узунликдаги икчам гугурт доналари дейсизми, ёқилганда сигнал берадиган, хилма-хил рангда товланадиган, ёмғирда ва қор-бўронда ҳам ўчмайди-ган гугурт дейсизми — ҳамма-ҳаммаси музей экспонатлари орасидан ўрин олган.

Гугуртлар Россияга дастлаб ўтган асрининг ўттизинчи йилларида келтирилган эди. Кўп ўтмасдан гугуртлар Россиянинг ўзидаги гугурт фабрикаларида ишлаб чиқарила бошланди. Бундай фабрикалар асосан Калуга губерни-сидида жойлашган эди. Ҳар қалай, ўша пайтлардаёқ гугуртлар сифатли тайёрланар эди. Рус олми Э. Толлиннинг Кўтбда олиб борган экспедицияси озик-овқат оморидан топишган ва ранги унйиқиб кетган қутидagi гугурт ўша пайтларда ишланган гугуртларнинг сифатидан шаҳоват бера олади. Чунки саксон йилдан кўпроқ вақт давомида абадий музликда ётган гугуртнинг чақиб кўрсангиз, текис алапта билан ёниб туради...

Австралиянинг Янги Жапубий Уэльс университети палеонтологлари шу қутбада бундан 15 миллион йил аввал яшаган жониворларнинг тошга айланган нуқсаларини топдилар. Айни куларда 75 квадрат километр территорияда қазилма ишлари олиб борилаёттир. Бу ноидир кашфиёт олимларга миллионлаб йиллар муқаддам йўқолиб кетган жониворларнинг, масалан, этхўр, йирткич кенгуру, кўрпалак ва тисмоҳларнинг айрим турлари, қопчиқли йўлбарсларнинг қолдиқларини биринчи марта тадқиқ этиш имконини яратди. «Нью сайентист» журналининг ёшишга қўра, топилмаларни текшириш Ерда ҳаётнинг ривожланиш хусусида қимматли қўшимча маълумотлар беради.

ҲАЁТ ХАЗИНАСИ



ХАЛҚИМИЗНИНГ ақлзаковати, донишмандлиги, куч-матонати, орзу-умидлари сингдирилган бадий сўз дурдоналари — халқ оғзаки ижоди асарлари асрлар оша сайқал топиб, чуқур мазмун касб этиб, бизгача етиб келган. Улар элимизнинг мурод-мақсадлари, руҳияти, урф-одатлари тарихини чуқурроқ, атрофлича билишимизда ёрдам беради. «Халқ оғзаки ижодини билмасдан туриб, меҳнаткаш халқнинг ҳақиқий тарихини билиш мумкин эмас», — деб ёзган эди Максим Горький. Шу боисдан фольклоршуносларимиз ҳозирги кунда халқ оғзаки ижоди асарларининг ижтимоий-синфий моҳиятини аниқлаш, уларни жанрлар бўйича ўрганиш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда бу муаммоларга қизиқиб кучайди. Бу табиий ҳолдир. Зеро, «асрлар давомида халқ даҳоси томонидан ижод этилган мазмунан бой, шаклан гўзал бадий бойлик ҳозирги кунда халқимизнинг ўзига, миллионлаб замондошларимизга хизмат этмоғи лозим» («Правда» газетаси, 13 сентябрь, 1975 йил).

Ўзбек фольклори асарлари халқ ҳаётининг кўзгуси ва халқ ҳаётининг узок йиллик қомусидир. Унинг хазинасида мавжуд ранг-баранг жанрлари, уларнинг ўзаро муносабатларини, киёсий-тарихий аспектда, бошқа қардош халқлар, жумладан, туркий халқлар фольклори асарларига солиштириб, этник асарларини аниқлаш, ҳар бир жанрнинг ўзига хос томонларини, образлар силсиласи ва келиб чиқиши морфологиясини ўрганиш совет фольклоршунослари, хусусан ўзбек фольклоршунослари олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Хусусан, эртак фольклорининг энг гўзал, қадимий ва кенг тарқалган, буюқ тарбиявий ва маърифий аҳамият касб этган эрик жанрларидан бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари кейинги йилларда ўзбек фольклоршунослигидан кенг кўламда ўрганилаётди.

Маълумки, ҳар бир инсон эртаклар оламига болалик чоғларидаёқ саёҳат этади, у эртак тинглаб, ҳар хил тоифа ва ҳарakterдаги кишилар дунёси — доно ва аҳмоқ, сажий ва қизганчик, золим ва одил кишилар образи билан таниша боради. Киши камолотга етган сари эшитадиган эртакларнинг турлари ҳам ўзгара боради. Оғир меҳнатдан кейин ҳордиқ чиқариш чоғларида кишилар олам ажойиболлари, руҳни енгилатувчи фантазия билан тўлиб-тошган эртакларни ҳузур қилиб тинглайдилар. Халқнинг ўзи бутун бир халқнинг руҳи ва қаҳрамонлигини мужассамлаш-

тирган ўлмас қаҳрамонларга таҳсинлар айтади, улардан таъсирланади. Халқ қаҳрамонлар саргузаштлари воситасида келажак — гўзал ҳаёт ҳақидаги ўз орзу-умидларини бадий ифодалайди. Шунинг учун эртакларда «меҳнат аҳлининг улкан ижтимоий-тарихий, ҳаётий тажрибалари ифодаланади» (М. Горький). Бежиз эмаски, халқ ижоди асарлари биринчи бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги курашни, ижтимоий воқелик кўринишларини, қадимги давр маданий турмушини, меҳнат жараёнида пайдо бўлган материалистик дунёқараш элементларини кўрсатиб берди.

Табиийки, эртакларда ижтимоий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳаётий воқеалар ҳам ифода этилади. Масалан, мўғул истилочиларига қарши кураш заминиди «Гулдурсун» эртаги яратилди. Бу эртакда Урта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши тасвирланади.

Эртакларнинг ўзига хос характерли хусусиятларидан яна бири улардаги воқеаларнинг маълум ўрни ва вақт билан белги-ланмаслиги, вақт ва маконнинг умумлаштириб ифода этилишидир.

Эртаклар афсона, миф, ривоятларга nisбатан воқеликни кенг қаровли, кўп мотивли этиб тасвирлайди.

Винобарин, фольклор асарларининг услуби жанрга бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, мажозий эртаклар сеҳрли фантастик эртаклардан, улар эса ўз навбатида маиший-ҳажвий эртаклардан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади. Мажозий эртакларнинг тили боаларга мос, тушунарли бўлиб, уларнинг сюжет ва ички тузилиши ҳам nisбатан оддий ва содда. Лекин шунга қарамай, барча эртак турлари учун муштарак хусусиятлар ҳам мавжуд.

Эртакларнинг поэтик хусусиятларидан бири минглаб, ўн минглаб кишиларда завқ ва шавқ уйғота олишидир. Уларда зиддият ва тўқнашувлар содда ҳолда юзга келтирилади, кишиларнинг ижтимоий муносабатларидаги асосий хусусиятлар бутун халқ манфаати нуқтан назаридан очиб берилди. Эртакларда мавҳум, мураккаб воқеа ва образлар бўлмайди. Шунинг учун ҳам эшитувчиларнинг меҳри, самимияти, майли асар бошланишиданок ижобий қаҳрамон томонига ўтади. Воқеа, образлар ёзма адабиётдаги каби атрофлича индивидуаллаштирилмай, балки уларнинг энг асосий хусусиятлари ҳикоя қилинади. Бу асосий хусусиятлар савдогар, руҳоний, қози, шох, бой, кал, кенжа ботир каби қаҳрамонларнинг ижтимоий мавқеи, синфий қиёфасини белгилайди. Эртаклар қаҳрамонларнинг қай-

тарилмас хусусиятларига ҳам, қаҳрамоннинг курашда актив иштирок этишига ҳам, маълум табақа кишиларининг дунёқарашига, фикрларининг ифода этилишига ҳам асосланади. Уларда табиат манзараси, воқеалар вужудга келган муҳит тасвири, психологик ҳолатлар кам бўлади.

Эртакларда, умуман фольклор асарларига хос халқчилликни тарихий жиҳатдан конкрет тушуномқ лозим, чунки ҳар бир тарихий даврда фольклор асарлари ўша замон ҳаётига мос тарзда мазмунан бойитилиб, тўлдрилиб боради. Лекин, биламизки, эртаклар билан танишганда киши кўзига биринчи ташланадиган хусусият — улардаги ўзига хос ажойиб фантазиядир. Эртакларда ҳаёт воқеалари фантазия либосида берилса-да, унинг асосини ҳаёт ҳақиқати ташкил этади.

Ҳар бир халқ ўз эртакларида воқеаларни фантазия либосида ифода этса-да, унинг асосини ҳаёт ҳақиқати ташкил этади.

Ҳар бир халқ ўз эртакларида воқеаларни қанотланган ҳаёл билан оқилона қўшиб тасвирлай олади. Халқ ўз эртакларида кишини руҳий юксаклик билан ҳаёлдан ажойиб, гаройиб мамлакатларга саёҳат қилдириб, бирдан ҳаётий, ҳаққоний фикрларни баён этишга ўтади.

Фантазия ҳаётий-реалистик эртаклар учун ҳам хос. Эртаклар ҳаёт ҳақиқатларини фантазия-ҳаёлот воситаси билан тасвирлайди, баён этади. Шунингдек, эртакларда воқеа, образлар ҳақиқатдан йироқдай, ёлғонга ўхшай берилади. Нима учун шундай, деган савол туғилади.

Ҳайвонларнинг хонақиллаштирилиши, доривор ўтларнинг топилиши, меҳнат қуролининг кашф қилиниши фольклор асарларидаги мифологиянинг реал заминиди. Қадимий одамлар осмонга учини орау қилганлар, Кишилар ерда тезроқ юриш, умуман, яшашни яхшилаш мақсадида «Учар гилам», «Узи юрар этик», «Очил дастурхон», «Ур тўқмоқ» қабилдаги сеҳрли-фантастик эртакларни ўйлаб чиқарганлар. Мажозий эртакларни олиб кўрсак, улардаги образлар тортишадилар, гаплашадилар, уришадилар, севишадилар, дўстлашадилар ва ҳоказо. Мугомбир тулки лакма бўри билан «дўстлашиб», унинг бошига не кунларни солмайди. Бундай воқеалар фантазия билан тўлиб-тошган. Сеҳрли-фантастик эртакларда эса фантазия бундан ҳам кучлидир. Қайси бир эртакни олиб кўрайлик, янгидан-янги гаройиб воқеаларга дуч келамиз, чунончи, очил дастурхон, газла-газим, ур тўқмоқ ва бошқалар. Жонли ва гўзал қилиб тасвирланган бу ажойиб воқеалар меҳнат аҳлидаги бадий фантазия-

нинг битмас-туганмаслигини намойиш қилади. Воқеа-ҳодисаларни фантазия йўли билан олдиндан кўриш, реал ҳаётдаги қарама-қаршилиқларни олдиндан ҳал этишга уриниш эртакларда очик кўринади. Шунинг учун ҳам М. Горький: «Эртакларда ҳаммадан ҳам «уйдирма» ҳодисаларни олдиндан кўра билувчи тафаккуримизнинг ажойиб хусусиятлари ибратлидир», — дейди.

Ҳар қандай қийинчиликларни енгиллашга уриниш, порлоқ келажак хусусидаги эзгу-ниятлар учун курашишга қақриқ, эртакларнинг асосий гоғларидан бири ҳисобланади. Кишилар меҳнат қилиш билан ўз тафаккурларини ҳам ўстириб борганлар. Масалан: дарёнинг оқимига қарши сузиш учун қайик, эшак ва елқани, душман ва ҳайвонларни узокдан ўлдириш учун ўқ ва ёйни, кўп мато тўқиш учун чарх ва меҳнат қуролининг ўйлаб чиқарганлар. Кишиларга доим руҳий озук бериш, уларда кўтаринки руҳ уйғотиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш бутун санъат асарлари учун хосдир. Бу ҳолат эртакларда ўзига хос тарзда — уйдирмалардан иборат ҳодисаларни таъкидлаб кўрсатиш воситасида — фантазияни ишга солиш орқали амалга оширилади. Буларда адолат адолатсизлик устидан, яхшилик ёмонлик устидан, тўғрилик эғрилик устидан ҳамиша ғалаба қилади. Меҳнат қилган, меҳнатни севган киши эртакларда доим тақдирланади. «Кумурсқа», «Уч оғайни ботирлар», «Зумрад ва Қиммат», «Бўри билан тулки» каби эртаклар бунга яққол мисолдир. Бу эртакларда меҳнаткаш халқнинг асрий орзу-истаклари ўз ифодасини топган.

Эртакларда олдиндан ўйлаб қўйилган гоғвий мақсад асосий ўринни эгаллайди ва бадий образлар шу мақсадга бўйсундирилган ҳолда тасвирланади. Эртак айтувчи асар қаҳрамонларини ўз хоҳиши, мақсадига қараб ҳаракат эттиради. У қаҳрамонларни ўзи ўйлаб қўйган вазият, воқеаларга дуч келтиради. Хуллас, эртак айтувчи асар образларини ўз фикрини машғул этган воқеа, ҳодисалар, гоғларга бўйсундиради. Шунинг учун эртакда гоғ образларни белгилайди. Ваҳоланки, бошқа жанрларга мансуб асарларда гоғ образлар орқали очилади.

Демак, эртаклар ҳақиқатни бузмайди, балки унга риоя қилади. Эртакларда тўқима, фантазия ўйланган фикрни ўткирлаштириш, бадий ифода этиш, кескинлаштириш мақсадида ишлатилади, эртакларнинг гоғвий-бадий системаси худди шунга бўйсундирилган.

Ғайрат ЖАЛОЛОВ,
филология фанлари кандидати

ШАКАРАЛИ БУВАНИНГ ИЗИ

Тонгни ҳеч қачон бугунгидай безовта, бугунгидай изтиробли кутганими эслолмаيمان. Кўзларим қотган, киприklarим илинмайди. Пар ёстигим тошдай ботади. Гоҳ ёрқин, гоҳ хира хотиралар кўнглимни безовта қилади. Инсон туғилади, яшайди ва ахирини — артами-кечми, ҳаёт билан видолашади. Бу — табиат қонуни. Туғилишда туғилиш, яшашда яшаш, ўлимда ўлим бор. Ана шу хилма-хиллик тинчнинг ўғирладимикин?! Йўқ, инсон қадри кўз-кўзга тушганида, бир дастурхонда бирга ўтиргандами, бир-бирига кераклигидами, фақат ва фақат тириклигидами?! Боши-охири кўринмайдиган бу дардли ўйлар қачон ва қайқандан ёпиши менга?

...Ўзбекистон районининг маркази — Яйпан шаҳрига яқин ўртада йўлингиз тушганими? Ҳавасингиз келади. Кўқон — Яйпан йўли бўйлаб кетарканмиз, якка-туликлар, қудашликлар, оқтепаликлар, яйпанликлар ва уларга туташ катта-кичик қатор қишлоқларнинг кишилари меҳр-оқибатига, одамгарчилигига, инсон қадр-қимматининг қафтларда эъозланишига қойил қолиб бордик. Ҳали ҳеч ким билан суҳбатлашмай туриб, уларнинг самимиюлигини қайқандан била қолдик?

Яқин-яқинларга ҳам бу йўлдан ёлғиз-ярим юришга унчамунча одамнинг юраги бетламас эди. Ахир, йўл бўйларидики қабристонларнинг бирортаси ҳам девор билан ўралмаган, бири ян-яланг, бири янтоқзор, бирида чўкиртка юлгинлар... Қабристонлар аллақандай ваҳимали хувиллаб, йўловчиларнинг баданини жунжиктирарди. Бу қишлоқларнинг кишилари, айниқса болалари учун қабристондан ваҳимали жой йўқ эди. Энди бу каровисизликдан асар ҳам қолмади. Яйпан ва Оқтепада ҳам, Қудаш ва Яккатутда ҳам қабристонлар кўрмилли пахса деворлар билан ўраб-чирмалибди. Гулзорлар пайдо бўлибди. Саҳнлари супуриб-сидирилган, марҳумларни йўқлаб келиб, кўнглингни бўшатиб, бир пиёла чой ичсанг ичгудай, хуморингни ёзсанг ёғудай жойлар...

— Бу ерга келмайдиган одам борми? — дейди «Ғаниобод» совхозининг директори Абдуллаҳов Аҳмедов қабристонлар хусусида гап кетганда. — Тўппа-тўғри айтганда, қабристонга эътиборсизлик — виждонсизлик. Совхозимиз территориясидаги қабристонларни кўрамлаштиряймиз, атрофни кўкалмазорлаштиряймиз. Қабристонларнинг ший-поқларини ҳам, деворларини ҳам ҳар қайси қишлоқнинг ўзи ҳашар йўли билан битказди. Кўнглимиз ёруғ. Лекин қабр тошлари қўйишда ҳеч-ҳеч дабдабага йўл қўймаймиз. Ҳаммаси меъёрида олиб борилапти.

Қандай яхши! Бу — боланинг

опаизорига, падари бузрукворига, неваранинг бобога оқибати эмасми? Узоқ-яқин қариндош-уруғимизи, бир вақтлар пешонамизни силаган, елкасида кўтарган, кўпчилик учун ариқ очган, боғ яратган, иморат курганларни ким унутади?! Ўзингиз ўйланг, бугунги дориларом ҳаётни, чақиллаб бол томган боғларимизни, файли қишлоқларимизни, сув йўлларини, тўғрироғи, ўзимизни ўша марҳумларсиз тасаввур этиб бўладими?! Болам деб, кишлоғим ва элим деб жонини жабборга бериб дунёдан ўтганлар номини ҳар қанча эъозласан, улар қабрини гулларга ҳар қанча буркасан кам!

Абдуллаҳов ака билан Шакаралли буванинг гуллар орасидаги кичик, аммо хушбичимгина мармар тош қўйилган қабрини зиёрат қиларканмиз: «Дўстим, ниҳол тикканинг — ўзингга ном эканингиз», деган нақли хаёлимиздан нари кетмай қолди.

... Қир этагидаги Қизил Қақир қишлоғининг қир оша олисдаги тоғларга туташиб кетган марказий кўчаси ва бир-бирини кесиб ўтган кўчаларининг шахмат тахтасидай текис ва тўғрилиги, кенглиги ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Кўчалар сердахтлғи, йўллар бўйидаги хилма-хил меваси, бунинг устига шовуллаган сув, тозалик-озодалик шундай файз тўкиб турибдики, қишлоқ худди қизига тўй кутаётган ҳовлини эслатади.

— Қишлоқ азали шундай тўйлиганими?

— Йўқ, — дейишди қизил қақирликлар. — Бу Шакаралли расининг планни!

— Йўл бўйидаги мевали дахратлар-чи?

— Шакаралли бува экирган буларни.

— Мана бу ариқ қаерга боради?

— Даштдаги ўрикзорга. Бу ҳам Шакаралли бувадан эсдалик. Ўша кишининг маслаҳати билан қавланган. Ариқни очишда ўша киши биринчи кетмон урган.

Энди фақат меъзонларгина эмас, меҳмонларнинг тилда ҳам, дилида ҳам Шакаралли буванинг муборак номи эъозланади. Далага, боғлар қўйнига шошиламиз. Боғлар боғларга улашиб боради. Шундай гўзал, сермева, хушхаво қишлоқни нега Қизил Қақир дейишаркин? Бунинг маъноси нима? Бу қишлоқнинг асли номи «Қози Қақир» дейилар экан. На сув йўли, на бирорта боғи, на тузуккина ҳосил берадиган ери бўлгани учун қақир, яъни ҳеч нимаси йўқ, қоқ-қуруқ деб аталган. Кейинча, Қизил Қақирга айланган...

Қизил Қақирнинг қўшниси Жонобод афсонавий «боғи эрам» ни доғда қолдиради. Сўлимлиги, ширин ҳавоси, кўнглиларни яйратган боғлар, хушбўй гуллар оғушида чарақлаган Жонобод, эй тоғлар этагининг сулуви, қаердан олдинг бу чиройни, қаердан олдинг шундай ўтли жозибани?!

— Бари — ошиқларимнинг ҳадиси, — дегандай бўлади қишлоқ ва унинг боғлари шивирлаб, анҳорлари шовуллаб. — Улар менинг соҳибларим. «Илгари тош-лоқдан иборат, унда-бунда жийдадан бўлак дарахт кўринмайдиган қишлоқ эдим», десам ким ишонади? Одамлар боғ яратинди, одамлар менга гўзаллик инъом этишди.

Бу ердаги боғлар, айниқса, тоғ ёнбағирликларидики, тошқоқлар устидаги мевазорлар хусусида гап кетганда яна Шакаралли буванинг, бу ердагилар тили билан айтганда, «раис бува»нинг номи суҳбатларга файз тўкиди. Ана шу ўнлаб боғларнинг яратилишида ишбошлик қилган, кишиларни ҳаммаша мевазорларни кўпайтиришга, қақроқ ерга сув олиб чиқишга даъват этган Шакаралли бува ким? У — Қизил Қақир, Жонобод, Қизил гвардия, Жомонжар қишлоқларида узоқ йиллар қолхозга раислик қилган, ўзидан яхши от қолдирган мўътабар инсон. Ҳаёт билан видолашганига узоқ йиллар ўтган бўлса-да, унинг номи тўй-базмларда, дастурхон устида, боғларда янраган қушлар чуғурида, гўзаллик улашгани шошаётган анҳор ва ариқлар қўшиғида, боғлар мевасини тотилаётганда, янги навниҳоллар ўтқизишга киришилаётганда тирикларнинг тириги бўлиб жаранглайди. Ҳамқишлоқларнинг таъбирича: «Қишлоқни қишлоқ қилиб турган боғлар, сув йўллари — раис буванинг изи. Бу излар ўчмайди».

Ўзбекистон районида бундай кишилар ўнлаб эмас, юзлаб учрайди. Ахир кишиларнинг кўнглини, табиатнинг чиройини очиш қандай шарафли! Бундай кишиларнинг ҳурмати ҳаммаша эл қиғида. Ота-боболаримиз «Яхшидан боғ қолади», деб бежиз айтганими?! Шакаралли буванинг мақтови ана шу ҳикматли нақлнинг кичик мисоли бўлиб жаранглаётгандай...

ГУЛЗОР ЭМАС, ЯНТОҚЗОР!

Бу менинг кичкина боғли-роғли қишлоғим, доврўғи баланд Ойдинбулоқ мисолида ҳам яққол кўринади. Дарвоқе, қишлоғимни боғли-роғли дедим. Ҳа, у боғлар қўйида. Ойдинбулоқ ўриғи, Ойдинбулоқ шафтолиси таъбири атрафга кетган. Азиз кишиларига боғ сайлини иланган меҳмондўст ҳамқишлоқларим, боғлар шарбати сархуш этган кишлоғим меҳмонлари, соя-салқинларда ором олганингизда, асал билан бўйлашгудай мевалардан тотинганингизда, боғлар ва гуллар оралаб баҳри-дилингиз очилганда кўчат эканларга ҳаммаша кулқў қилишингизни ҳис қиламан. «Мевасини тотиб, боғбонини суриштирмайдиган»лар ҳам баъзан топилади. Буни ҳамма билади.

Ҳозир юзларини туслолмай-

ман-у, аммо номлари қадрдон Ҳамроқул бува, Матмуса бува, Отабой бува, Холжўра тоға, Насриддин бува, Миржаало бува, Муллажон бува, Мадамин буваларни эслаяман. Улардан қолган боғлар бор. Бобокалонларимиз номи ана шу боғлар туфайли тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб эъозланапти. Сув йўлларимиз мироблар мироби бўлиб ўтган Алижон бува, Мамаризо бува, Фазилахмад ака, Ашурали ака номи билан боғланади. Қишлоқнинг ўртасида кўкка буй чўзган сада қаёрағоч бор. Тағига тағандай офтоб туширмайдиган бу қаёрағочни Абдураул бува экан дейишди. Абдураул буванинг вафотидан бир неча ўн йил кейин туғилган ёш-яланглар ҳам унинг номини ана шу йилма-йил яшнаётган сада қаёрағоч туфайли азиз кишилари қаторига қўйишди.

Кўзининг оқи-қораси, биттаво биттагинаси, ёлғиз ўғли Сотволдидан урушдан «қора хат» келганда ичи пинхон қуйиб, ичи пинхон ёниб, яна бошқалар мусибатига шерик бўлишни юраги қўтарган Адолат хола, Ватан урушида «қон кечиб-жон чекиб» курашиб, қишлоққа соғлигини йўқотиб қайтиб, узоқ умр кўролмаган Шаробиддин ва Муқимжон акалар, элга ажойиб ўғил-қизлар тарбиялаб берган Бўриш эна, Иззат хола, Тожинисо хола, Марям хола, Турсунбуви хола, Шахарлик эна, Кумринисо хола, Ойдинбулоқдан чиққан биринчи ўқитувчи Мақсадоғи Ғаниева, яна қанчалар кўз олдимдан ўтди. Ҳаётда из қолдирган кишилар улари!

Ҳали айтганимиздай, Шакаралли буванларнинг қабрини зиёрат қилганда кўнгли аллақандай таскин тосса, Ойдинбулоқ фахри бўлиб ўтган, юқорида номлари айтилган марҳумларни йўқлаб борган кишининг дил-дили оғрийди, юраклари туз сепгандай ачшади. Қани хурмат? Қани, иззат-ҳурмат уларга? Қабристон янтоқ тағида, ўту чағалзор тағида. Ажабо, бу янтоқзорми, ё тиканзорми? Оёқ босиб бўлмайдди. Қанчалар оғир, қанчалар кўнглисиз бўлса-да, очиб эътироф этсанк, ким қаерда дафн этилганини маҳалла-кўй туғул, марҳумларнинг фарзандлари ҳам билмайдилар.

Бундан 15—16 йил бурун қишлоқ оқоқолларидан Сирожиддин, Мелибой, Соҳибназар бувалар, уста Ғани, Туробжон бува, Мамаризо бува, Маматқул бува, Мамади буваларни дафн этишда бутун қишлоқ оёққа турди, атраф қишлоқлардан келган кишилар кўчаларга сизмади. Қанисиз, ўша оломон? Тириклигида ҳар бирингиз жонингизни аямас эдингиз, ҳаёт билан видолашганда уларни шундай ташландик жойга ташлаб кетишга кўнглингиз қандай борапти? Сотволди ака, Эргашбой бува, Марям хола, Хуринисо, Зебинисо, Сиддиқа бувилар, Қурбонбой тоға, Мамарайим,

Фазилахмад, Абдуқудир акалар гуллар ошиги эди. Гул экишарди. Қайси ҳовлига киришса, гул экирмагунча кўйишмас эди. Қани, энди уларнинг қабрлари атрофига гуллар экилган бўлса?

Яйпадан йўл-йўлакай қишлоғимга тушиб, шуларни ўйлаётган. Тонгини нотинч кутаятман. Ажойиб боғларимиз, файзли далаларимиздан ер бетини қоплаган янтоқзор ва жингилзорни билан ажралиб турган яланглик, боболарим — момоларим ётган гариб қабристон кўз олдимдан кетмайди... Шу топда шундай наъра тортигим келаяпти:

— Қабристонларда гулзорлар яратайлик! Қабристонларни янтоқдан тозалайлик!

ИЗТИРОБИ, МЕХРМИ, МАҚТАНЧОҚЛИКМИ Е АЛДАМЧИЛИКМИ?

Икки йил бурунги бу воқеани эслаётганман-у, вужудим титрайпти. Бу хотирамдан сира-сира кўтариламан. Қачон Қўқонга тушсам янгиланади. Хира кўзларни фарзанди йўллага мўлтираган, хаёли жигаргўшасида бўлган она, кўшниси эшик қоқса: «Почтальон хат олиб келгандир», деб пешвоз чиққан онаизор, кейин қабр тоши ўрнатиб, уни қучоқлаб йиғлаётган 28-30 ёшлардаги йигит кўз олдимдан нари кетмай қолади. Ушанда узоқ-яқин марҳумларимизни йўқлаб, Қўқоннинг «Шайхон» қабристонига борган эдик. Қабрларни ораб бораётганми, қабристоннинг чап киргоғидан келган мунг дилимизни тирнади. Башанг кийинган, тим қора сочлари тўзғиган, ўрта бўй йигит қоп-қора мармар тош тепасида мукка тушиб йиғлаётди. Унинг изтиробли нидоси вақт ўтган сари кўнглимизни қаттиқроқ эзиларди. Кимидан айрилдиккин у?

— У онаси билан хайрлашолмай қолди, — деди бу йигитни таниган ҳамроҳларимиздан бири, — у онаси дафн қилинганидан бир кун кейин етиб келди.

Маълум бўлишича, бу йигит — марҳум онанинг ёлғиз фарзанди экан. Уруш йиллари умр йўлдошидан «қора хат» олган она ўғлига отасизлигини сездирмай, бир бурда нон топса, ҳар доим ўзи қаердади «овқатланиб» олганини айтиб, ўғлига едирган, ўзи киймай фарзандига кийдирган. Унингча битиргизиб, ўғлини Тошкентда ўқитган. Уч йилдан буюн Ленинградда аспирантурада ўқийтган ўғил ана шу даврда Қўқонга уч марта шошпилич келиб-кетган, хат ёзишни унутган. Она бетоб бўлиб қолиб, кўшниларига хат ёздирганида ўғил: «Врачларга учрагин, менинг кўлимдан нима келарди. Ҳадемай, ёқлаб олсам, ҳамиша ёнингизда бўламан. Кўрмагандай бўлиб кетасиз», мазмунида хат қайтарибди.

«Келин кўролмадим, — охири нафасларида кўшниларида дил ёрибди она, — энди одам бўлишим қийинга ўхшайди. Ўғилгинам келса, пешонасини ким силайди? Жон кўшнилари, келинга барча нарсани гамлаб қўйганман. Ўғилгинам келиши билан бо-

шини иккита қилиб қўйинглар». Она илҳақлик билан кўз юмибди. Хатта жавоб кутган ўғил онасининг вафоти ҳақидаги телеграммани олибди... Мана, у йиғлаётди.

— Онажон, жон она, шундай бўлишини нега хаёлимга келтирмадинг?!.

Йигитга раҳмим келади. Бечора! Ҳа, ана шундайларни «бечора» дейдилар. Ўйланг, эндиги йиғидан не фойда?! Қабрда абдий уйкуда ётган онага энди хабар олди нимаю хабар олмади нима, йиғлади нимаю йиғламади нима? Ҳамма қабрлардан ўзининг баландлиги, хушбичимлиги билан ажралиб турган бу қора мармардан нима наф! Назаринда, йигит онаси тирилса, уни фақат бошида олиб юргудай...

Ота-оналаримиз ҳаёт экан, уларни ардоқлайлик. Уларнинг узоқ умр кўриши кўпинча фарзандларга боғлиқ. Шу топда ота-онанинг, дунёдаги энг буюк инсонларнинг кўнглига озор берадиган ота бозори, она бозорларнинг ахён-ахёнда учраб туриши, ўша бетавфиқларнинг ўз ярамасликларини яшириши учун ажалидан беш кун илгари ўлиб кетган оталари ё оналарига ўрнатган қабр тошлари, ҳайбатли эсдаликлари юракка пичоқдай ботади. Бундай қабрлар Қўқон, Фарғона, Марғилон шаҳрининг ҳамма қабристонларида учрайди. Наҳотки, алдамчилик, кўзбўямачилик қабристонларга ҳам кириб борган бўлса?! Фарғона районидаги Ермозор қишлоғининг «Пошпойим» қабристонини ораб юрганимизда:

— Мана бу қабрни кўринг, — деб қолди мўйсифидлардан бири. — Тилло кампир ўғилларини сафга осонликча қўшганмиди? Бунга эришгунча юзларини ажин, сочларини қиров босди, кучдан кетди. Унинг икки фарзанди эса, ўзлари уйли-жойли бўлиб олиб, онани унуттишди. Халқ суди улардан онага нафақа ажратиб берди. Бу икки «азамат» оналарининг касалхонага тушиб қолганини хабар берган кишига:

— Нафақа бераёلمиз, яна нима? — деб тескари ўгирилиб кетишибди. Ёлғиз онадан кўни-қўшнилари хабар олиб туришибди. Аммо она болаларининг йўлига сўнги дақиқаларигача илҳақлик билан кўз туттибди. Болалари унинг вафотини эшитиб: «Вой, онам!» лаб келишди. Қишлоқ ахли кечиримли, индашмади. Болалар ўзларини кўрсатиб, мана бу ялтироқ тошларни қаёқдандир келтириб, бошқаларга кўз-кўз қилгандай ўрнатиб кетишди. Бунга нима дейсизлар? — Мўйсифид аччиқланиб қулди.

Бу воқеани эшитиб ҳамроҳларимдан бири рус шоираси Л. Татыаничеванинг оналар ҳақидаги:

...Ҳамма қилигинги кўтаради у,

Не қилсанг аламини ютади

тошдек.

Аммо вақти келиб кўзини

мангу —

Юмганда кўзларинг очилар

мошдек, —

деган сатрларини негадир баланд овоз билан ўқиди.

Фарғона шаҳрининг қадимий Сирпўш ота қабристони соя-сал-

қинлиги, хушбўй гулзорлари билан зийратчиларни хушнуд этади. Фарғонанинг фахри-ифтихори бўлган кўплаб фарзандлари — партия ва давлат арбоби, республикада колхоз қурилишининг катта ташкилотчиларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсиддинов, водийда социалистик санъат чирогини илк ёққан машҳур актёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Сулаймон Қосимов, область матбуотининг тоғмас ташкилотчиларидан бири, область «Коммуна» газетасига узлуқсиз 42 йил редакторлик қилиб, қанча-қанча таланти қаламқашларга мурабийлик қилган журналист Абдулла Мирзаев, маориф ташкилотчиларидан, истеъдодли муаллимлар Абдулаттар Саидмаҳсумов, Улмасхон Умрзоқова, шаҳарнинг биринчи аёл хирурги Хажалхон Солиқов; ва, хотин-қизлар бахт-саодати учун курашчи Ҳамида Олимова, шаҳар саноатининг ташкилотчиларидан бири Саиджон Абдуллаев, номи қанча-қанча сув йўлларининг очилиши билан боғлиқ бўлган Зақриёхон Ғаниев, инкилобчи Абдурахмон Мадиёров, Аминжон Отабоев, Тўрабой Бўрибеков ва яна қанчадан-қанча мўътабар кишилар бу ерда мангулик қўйнидалар. Уларни зийрат қилиб юриб, дилимизнинг ич-ичига негадир ғашлик тушди. Халққа, Ватанга хизмати сингган ана шу унутилмас боболаримиз, момоларимиз, оталаримиз ва оналаримиз қабрлари қаровсиз қолгани йўқ. Ҳар бирларига узоқ-узоқ вақтларга етадиган эсдалик сўзлари ёзилган мармар тошлар қўйилган. Атрофлари супуриб-сидирилган. Аммо улар мана бу сағаналар, мана бу баланд мармар қабрлар соясида қолиб кетаётгандай. Бу ҳайбатли, бу ҳашаматли қабрларга ким қўйилган? Бирлари «ўз кўмочиға ўзи кул тортиб», ўз тирикчилигидан бошқа ҳеч нарсани хаёлига келтирмаган, аммо топармон-тутармон фарзандлари бўлган кишилар, бошқалари эса, биланларнинг айтишича, «кўлида пул ўйнаб ўтган»лар.

Шундай ёлғон шухрат мисоли бўлган қабрларни Фарғонадаги «Жаннат мазор» қабристонига ҳам кўрдик. Бу ерда ҳам пули кўплар ўзларининг «ғурур»ларини кўрсатиб қўйганлар. Қўқоннинг «Катта қабристон» ва «Шайхон» қабристонларида хатто беш-олти ойлик марҳумлар ҳам «шоҳона сағана»ларга қўйилган. Наҳотки, улар бу ерда улуг-улуг одамлар ҳам ётганини унутиб қўйишса! Бу қабристонларда ярақлаб турган бир неча сағаналарнинг кимга қарашли эканини суриштирсак:

— Бу сағаналарга келадиган кишилар ҳали тирик, ўзлари баъзан-баъзан келиб, хабар олиб туришади, — деб жавоб қайтаришди.

Ўзига бундай сағаналар қуриб қўйганлар орасида хатто масъул хизматларда ишлаб келган кишиларнинг борлиги ачинарли эмасми?! Шу ҳақда гап кетганда Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхози раиси Жўрақўзи Алибоев:

— Илгари колхозимиз активларидан бири бўлган киши қабристонга ўзи учун сағана қур-

дирган эди, — деди хиёл қулиб. — Яқинда у ўша сағанасидан хабар олгани бориб, қишлоққа фиғони чикиб қайтибди. Кимдир, эҳтимол, болалардир, сағана ичига буюёқ билан «Қачон келасиз?», деб ёзиб қўйибди. Кимнинг ўлгиси келади?! Эгаси сағанани бузиб ташлади.

Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳар қабристонларида ҳам ўз-ўзига ёмонлик тилаб қурилган бундай бўш сағаналарни ўз эгалари бузиб ташлаб:

— Улимни ўйламай, ишлаш ва яшаш керак! — дейишса қани эди!

Қабристоннинг ҳам дарвозаси, тартиб-қоидаси бор. Авлод-аждодларимиз ётган бу муқаддас даргоҳда ўз майлича иш туттишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ! Буни ҳамма ўйлаши керак.

Йўлдош СУЛАЙМОН,

Ўзбекистон ССРда
хизмат кўраётган
маданият ходими



Мажнунто.

А. Жумаев фототўди.

ИМПЕРИАЛИЗМ МАДДОҲЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида ҳозирги халқаро аҳвол, империализм идеологик агрессивисининг стратегияси ва тактикаси чуқур таҳлил қилиб берилди, Вашингтоннинг авантюрачилик сиёсати халқаро кескинликини ҳаддан ташқари чигаллаштириб, инсоният ядро ҳалокати сари судраётганлиги қайд этилди.

Социалистик мамлакатларга қарши мафкуравий кураш империализм сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Империализм ташқи сиёсий фаолиятнинг стратегияси эса идеологик кўпурчилик, бузғунчилик, социалистик мамлакатлар ва ривожланаётган давлатлар ички ишларига аралашши, психологик уруш ва коммунизмга қарши ташвиқот тактикасига асослангандир.

Империализм ўз мақсадларини амалга ошириш учун коммунизмга қарши курашининг турли-туман кўринишларини қўлламоқда. Клерикализм ана шундай кўринишлардан бири бўлиб, у сиёсий йўналиш сифатида буржуазиянинг синфий манфаатларига хизмат қилади. Буржуазия эса ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига ўз таъсирини кучайтириш учун диндан ва черковдан кенг фойдаланади. Худди ана шуну назарда тутиб, Владимир Ильич Ленин: «Ҳозирги буржуазиянинг синфий манфаатлари ва синфий ташкилотлари билан диний муассаса ва диний пропаганда ташкилотлари ўртасида боғланишни бир-бирига таққослаб кўраётиб берадиган конкрет фактлар кўп», — деб ёзган эди.

Империалистик реакциянинг ҳукмрон доиралари гиж-гижлаётган антикоммунистик пропаганданинг ўзига хос хусусияти марксистик дунёқарашнинг бузиб кўрсатилиши ҳамда шу мақсадда фойдаланилаётган далилларнинг сохталлиги билан белгиланади. Қўллаб-қўлловчи чикарилатган диний адабиётларда марксизм албатта «худосиз гуманизм» сифатида тасвирланади. Шубҳасиз, бундай насларда динга ишонувчиларнинг кенг оммасини чалғитиш, улар онгига марксизм моҳияти ҳақида, материалистик дунёқарашнинг табиати ҳақида нотўғри тасаввур бериш мақсад қилиб қўйилади.

Маълумки, ҳозирги пайтда миллий озодлик ҳаракати иштиракчиларининг кўпчилиги марксча-ленинча идеологияга мурожаат қилмоқда. Бу нарса айниқса социалистик мўлжал йўлини танлаган ривожланаётган мамлакатларда яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозир Осиё ва Африка мамлакатларида мавжуд бўлган турли диний ташкилотларнинг раҳбарлари ана шу қонуний жараёни ўзига хос диний тўсиқ билан тўхтатмоқчи бўляптилар. Улар ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли оммасининг онгли фаолиятини илмий-материалистик тасаввурдан айнайтишга уринмоқдалар.

Ҳозирги антикоммунизм ўз кўпуровчилик ишларини амалга ошира туриб, диний ва сиёсий ислом широрларини ишга солимоқда. Ислам клерикал доиралари коммунистик идеологияга қарши курашга актив қўшилдилар. Улар айниқса коммунистик ижтимоий босқич ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга қутуриб ҳужум қилмоқдалар. Уларнинг назарида, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар коммунистик таълимоти сира тан олмас эмишлар. Чунки

ислом дини шариат қонунларига ва хусусий мулкчиликка асосланган эмиш. Айнан шу нарса жамиятда «уйғунлики таъминлар» ва кишилар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этар эмиш. Масалан, саудия илоҳиётчиси Муҳаммад Қутбнинг 1967 йилда Қувайтда чиққан «Исло — нотўғри тушуниладин» деган китобида бундай таъкидлар тўлиб-тошиб ётибди. Ислам клерикализмнинг бу намоёндаси марксизм кашф этган инсоният жамияти тараққийнинг изчиллиги ҳақидаги таълимоти рад этишга уринмоқда. Бу билан у социалистик қурилиш тажрибасига қизиқиб қараётган мусулмон халқларига социализм — жаҳон тарихининг тараққийтидаги тасодифий ҳодиса, унинг мусулмон мамлакатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб исботламоқчи бўляпти. Покистонлик илоҳиётчи Ф. Р. Ансорий ҳам худди шу нуқтаи-назарни зўр бериб ўтказишга интилади. Унинг «Исло — марксизмга қарши» деган китоби номининг ўзбек муаллифининг қораниятини аниқлаб турибди.

Шунга ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда идеологик курашнинг кескин кучайиши муносабати билан чет элларда кўплаб шу хилдаги «асар»лар пайдо бўлди. Уларнинг муаллифлари марксча-ленинча таълимоти зўр бериб сохталаштирмоқдалар,

Мафкуравий кураш жабҳаларида

КПСС ва Совет давлатининг диний ва миллий масалалардаги сиёсатига тўхмат қилмоқдалар. Айниқса, Совет Ўрта Осиёси республикалари ҳаёти ва тараққийи ҳақида гап кетганда, тарихий фактларни бузиб кўрсатмоқдалар. Улар ислом дини билан коммунизм бир-бирини рад этади, дин билан илмий социализм асло чиқишмайди, коммунистлар — барча мусулмонларнинг душмани, деб уқтирмоқчи бўладилар. Ана шу қабилидаги адабиётлар империализм реакция доираларининг ҳамда «ислом дунёси» айрим давлатлари — ҳукмрон табақаларининг «социал буржумаси» эканлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳаразғўйлик билан ёзилган асарлар ва тадқиқотларда СССРда мусулмон динининг аҳолини, Совет давлати, Совет Ўрта Осиёси республикалари тарихини сохтакорона ёриш асосий ўринни эгаллайди. Буларнинг ҳаммаси антикоммунизм идеологлари ва маддоҳлари томонидан «ислом дунёси» халқларининг Совет Иттифоқидан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан ихлосини қайтариш, улар онгига коммунистик дунёқарашга душманлик муносабатини сингдириш мақсадида қилинаётганлиги сир эмас.

Эронда нашр этилган «Исло ва Совет Иттифоқи» китобининг муаллифи Карим Равшаниян «Ҳозирги пайтда совет мусулмонларнинг аҳоли қоризм давридагидан бир неча бор ёмон», деган даъвосини қандай бўлмасин исботлаш учун турли хил уйдирмаларни ишга солади. Уша даврда мусулмонлар озчилик бўлишига қарамай, чо-

ризм уларга «ҳар қандай эркинлик» бериб қўйганди, деб ҳаёлий эркинликларни мактабди. К. Равшанияннинг мақру китобида ислом пропагандасининг айрим тенденция ва принциплари бўрттириб берилган бўлиб, улардан ҳозирги пайтда матбуотда, радио-эшиттиришда ҳамда ислом дини етакчи руҳонийларининг нутқларида кенг фойдаланилмоқда. Бу китоб шох режим пайтида чиққан бўлишига қарамай, Эронда «ислом ҳукмронлиги» ўрнатилганидан кейин ҳам бир неча бор қайта нашр этилди. Қандайдир Мустафо Махмуд деган кимса эса 1975 йилда Мисрда чиқарилган «Марксизм ва ислом» китобида марксизмни қоралаш учун роса жон қуйдиради.

Одатда ўзининг жангари тўпорчилиги билан ажралиб турадиган бу идеологларнинг хуружи кўпол тўе олаётир, баъзан эса ошқора ифвогарлик касб этмоқда. Бу борада Фарбинг буржуа пропагандаси анча айёрлик билан иш тутмоқда.

1978—1979 йиллардаги Эрон революцияси ва ундан кейин мамлакатда теократик ҳокимиятнинг ўрнатилиши ислом пропагандаси характерида маълум ўзгаришларни содир этди. Айнан шу мамлакатда шиа руҳонийлари ўз ҳукмронлиқларини ислом бошқаруви шаклида ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Америкапараст монархия режими ағдариб ташланганидан кейин ўрнатилган янги тузум ислом идеологияси принципларига асосланган янги сиёсатни эълон қилди. Эрон ислом республикасини ташқи сиёсат соҳасида «ислом концепцияси» деб аталган концепцияга асосланмоқда. Бу концепция моҳияти «на Фарб, на Шарқ» деган тезисда ифода топган. Ички сиёсат соҳасида эса Эрон ислом республикасининг шиа раҳбарлари антиимпериалистик, энг аввало Америкага қарши широрларни сақлаган ҳолди, 1982 йилдан бошлаб сул кучларга нисбатан, айниқса Туде партиясига қарши репрессияларни кучайтирди. Антикоммунистик ва советларга қарши пропаганданинг кучайиши, ислом революциясини экспорт қилиш гоёсини СССРга тарғиб қилишнинг активлашуви ҳам айнан шу пайтга тўғри келди. Бу пропагандада у ёки бу тарзда Афғонистон воқеаларидан «фойдаланилмоқда». Эрон Фарб милитаристик доиралари манфаатларига хизмат қилувчи сиёсат олиб бормоқда, советларга қарши мафкуравий уруш илҳомчилари ва ташкилотчилари тегирмонига сув қуймоқда.

Ислам пропагандаси, шу жумладан, Эрон пропагандаси ҳам кўпгина ҳолларда ислом, миллатчилик ҳамда Шарқ ва Совет Ўрта Осиёси халқлари тараққийи муаммолари бўйича ихтисослашган фарб идеологлари ва антикоммунизм ташвиқотчилари ишлаб чиққан қондалардан фойдаланади.

Антикоммунистик ташвиқотнинг асосий усули яхши маълум. Бу сохталаштириш, турли уйдирмаларни сунъий қўпиртиришдир. «Совет хавфи» ҳақидаги уйдирмадан тортиб СССРда «диний уйғониш» тўғрисидаги афсоналарга, «мусулмон ренессанси» дан тортиб, дин ва черковнинг аҳоли, шу жумладан Совет Иттифоқидаги мусулмонлар аҳоли ҳақидаги бўҳтонлар шулар жумласидандир.

Буржуазия «советшунослари» империалистик реакциянинг коммунизм назарияси ва практикасини камситиш, унинг гоиларининг мусулмон дунёсига тарқалишига халақит бериш тўғрисидаги социал буржумасини бажариш учун тоғ-тоғ қоғозларни қоралаб чиқдилар. Совет тадқиқотчилари бундай «асарлар» ва «изланишлар»нинг асосиз эканлигини неча бор исботлаб, уларнинг синфий ғаразғўйлигини, рёквор ва сохтакорлигини аниқ белгилаб бердилар.

Империализм маддоҳлари қанчалар зўр бериб чиранмасин, совет халқини истикбол йўлидан, коммунизм йўлидан чалғитадиган ҳеч қандай куч йўқ.

Шавкат ХИКМАТОВ,
СССР Фанлар академияси Шарқшунослик
институтини илмий ходими

ЙИРИК НАВОЙИШУНОС ОЛИМ



Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

НАЗОРАТЧИ МУШУК

МАСАЛ

Бир базада сақланарди
Мева, гўшт, дон-дун,
Назоратчи эди бунада
Мушуквой тун-қун.
Қингирликка йўл кўймасди
Ишида асло,
Қачон Тулки мудир бўлди,
У бўлди расво:
Тулки уни йўлга солар
Авраб хамиша,
Қингирларга йўл беради,
Мушуквой ишда.
Ўрмалайди база ичра
Каламуш, Сичқон,
Кўрса ҳамки кўрмагандай
Мушуквой хар он
Ташмаланди гўшту ёғлар
Тулки уйига,
Камомади ёзиларди
Мушук бўйига.
Текшир-текшир бошланганда
Деди Тулкига:
— Ёрдан беринг, барча ишим
Чаки бўлди-да!
— Парво қилма, — дея Тулки
Берди тасалли,
Сўнг илжайди: — Юракдан ҳам
Бор экан, балли!
— Сизни дебон қингирликка
Йўл кўйдим доим,
Қани айтинг, бу ишларга
Жавоб берар ким?
— Мен бор, ука, сени сира
Чердирмам, аммо
«Ўзим—айбдор, мудир—айбсиз»,
Дед айт доймо.
Мудир айтганини қилиб
Мушук бечора
Жипоятчи ўзи бўлди —
Оқ юзи қора.

* * *

Бировларнинг қўли билан
Қилиб ишни «нақд».
Ўзига гард юқтирмайди
Тулкилар ҳар вақт.
Ҳеч олисга бормас, билинг,
Ишнинг қинғири —
Искандарнинг шохи каби
Очилар сири.

АРОҚ — ЗАВОЛНИНГ УЯСИ

Мастнинг иши — хушёрга калтак
(Рус мақоли)

Ароқ ичдинг — ақлдан кечдинг.
(Грузин мақоли)

Мастнинг тили — тентак, дили —
ёлғончи.
(Инглиз мақоли)

Мастдан жинни ҳам қочади.
(Турк мақоли)

Тантана ичкилик билан бошланса
жанжал билан тугайди.
(Япон мақоли)

Май келса, ақл кетади.
(Хитой мақоли)

қимматли материаллар эълон қилди.

1937 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган ўзбек совет адабиёти декадасидан сўнг ўзбек адабиётшунослари, рус олимлари, шарқшунослар ўзбек классик адабиёти масалалари билан жиддий шугуллана бошладилар. Навоийнинг 500 йиллик (1911) юбилейи муносабати билан бу маданий ва адабий ҳаракат қизгин тус олди. Юбилей комиссияси 1938 йили иш бошлади. Шундан кейин Навоий асарлари тўплалиб, текстологик ишлар олиб борилди. Навоийнинг замондошлари ҳаёти ва ижоди ҳам ўрганиб чиқилди.

Алишер Навоий асарлари устида олиб борилган илмий ишларда Олим Шарафиддинов, Отажон Ҳошим, М. Шайхзодалар алоҳида ўрнэк кўрсатдилар. Бу йиллар А. Саъдийнинг «Адабиёт олими ҳам танқидчи сифатида Мир Алишер Навоий», «Навоийнинг ижод йўли», И. Султоннинг «Мир Алишер Навоий», Олим Шарафиддиновнинг «Мир Алишер Навоий ва унинг адабий фаолияти», «Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли» каби асарлари юзага келди. Е. Э. Бертельс, А. Ю. Якубовский каби рус шарқшунослари ҳам бу мавзуга ўзларининг нуносиб ҳиссаларини қўшдилар.

«Юбилей олди қилинган ишлардан гоёт эътиборлиси О. Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти» номли илмий оммабоп асарининг нашр этилиши бўлди», деб ёзади адабиётшунос Ҳомил Еқубов. Унинг бу

асари 1939 йили нашр этилган эди.

Олим Шарафиддинов ўзининг мазкур асарида Навоийнинг бутун онгли ҳаёти ва унинг хизматларини ўн бўлимга бўлиб ўрганади. Олим ҳар бир бўлимда илмий далиланган, айна пайтда халқ дилидаги фикрларни ўртага ташлайди. Рисоланинг марказида Навоий ижодининг камолот чўққисини кўрсатувчи «Хамса» асарининг илмий тарқини туради.

Мазкур асар «Кириш» қисмида Олим Шарафиддинов Навоий яшаган даврга муносабат билдириб, унинг ижоди революциядан сўнг кенг ўрганилаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Олим Шарафиддинов ўзининг бу монографиясида шоирнинг «Чор девон», «Маҳбубул-қуллуб» асарлари ҳақида ҳам қисқа ҳамда мунозарали бўлса-да, жиддий фикрларни илгари суради. У улғу шоирни — Навоийни «хўб ва кўп» ёзган шоир сифатида ўрганади.

Ўзбек совет адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги пойдеворини тиклаган олимлардан бири, йирик навоийшунос Олим Шарафиддинов ижоди адабиётимиз камоли учун хизмат қилверди. Уйлаймизки, олимнинг адабий мероси кенг жамоатчилик ҳамда адабиётшунослар томонидан янада чуқур ўрганилади.

Кўчар ЭШНОРОВ

Қашқадарё области,
Чирочки райони.



Бухоро район «Маданият» колхози спорт комплексига.
Н. Мухаммаджонов фотоси



Асабми

Ҳамид ТОҶИБОВ

авайланг

Район марказий шифохонаси. Умумий терапия бўлимининг шинамгина хонасида тўрт нафар бемор даволанишмоқда. Кечки пайт. Дори-дармон келтирган ҳамшира пайдо бўлган захоти тўрдаги қаравагта вайсаб ётган қотмадан келган чувак юзли киши сағчиб ўрнидан турди.

— Э, бормисан, Раваҳон, кизим! — дея ҳамшира томон ошқиди у. — Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку!

— Сабр қилинг, бемор, — деди киз, — тегирмон навбати билан, деганлар.

— Ке, ҳааилангми қўй, — деди бемор йўл-йўлакай пижамасини паства тушириб. — Ой чиксаям, кун чиксаям манави бақалокларга бўлавермасин-да. Бугун тегирмон навбати бизники. Бу са-

фар биринчи бўлиб мени укол қиласан.

— Жойингизга боринг, бемор.

— Йўқ, бормаيمان. Олдин иккала томонимга укол қилиб қўясан ўша, ҳалиги нима, дибазол деганингдан, кейин буларга қиласан.

— Сизга унақа дори мутлақо тўғри келмайди, сизнинг диагнозингиз бошқа, бемор...

— Ҳой, менга қара, нега мингирлайверасан, «бемор», «бемор» деб! Негга энди бемор бўларканман? Мен — соппа-соғ одамман. Простое пича нервнийман, холос. Бир-икки марта укол қилиб қўйсанг, қўлингизга дибазол, папавериндан — отдай бўб кетаман. Келақол, кизим, сендан нима кетди?

— Илтимос, ҳалақит берманг. бемор...

ИМПОРТНИЙ ИСМ

ЛАТИФА

Афандининг қўшниси Алдаркўса гектарчилик қилар, қовун, тарвуздан тортиб кулунпайгача қоплаб селитра солар эди. Бир куни ўша Алдаркўса Афандини учратиб, маслаҳат сўради:

— Мулла Насриддин, неварра

— Яна бемор дейди-я...
— Кечирасиз, Сайрам амаки.
— Амаки дема! Ҳе, сендака нокас жияндан ўргилиб кетай!
— Жойингизга бориб ўтиринг, Сайрам Вайрамович, ҳамхоналарингизга укол қилиб бўлгач, сизиниям ҳароратингизни ўлчайман, доктор белгиланган дориларни оласиз. Ҳозирча мана бу градусникни қўлтирингизга қўйиб ўтиринг.

Сайрам Вайрамович тутоқиб кетди.

— Бошимга ураманми градусник-прадусинингизни. Уколни қилиб қўй! Манави арзандаларга қиладиган ноёбларидан қил. Менда бўлса қолмас бу ердан эсонмон чиқсам...

— Қанақа одамсиз ўзи? — деди ҳамшира асабийлашиб. — Сизга ҳали ҳеч қанақа укол белгиланмаган.

— Нима, нималар дединг, Пулат маймоқнинг қизи? Яна бир қарра ўз оғзингдан эшитай-чи! Булар — хонадаги беморларга ишора қилди Сайрам ака, — атиргулни тагида, биз янтоқнинг тагида туғилганми? Ҳа, ҳа, сув сойга оқар эканда-а? Бири қассоб, иккинчиси ошпаз, яна бирови мактаб директори-да-а. Сенларга нафи тегиб қолади-да, шундайми?

— Нималар деб валдираяпис, бемор?

— Яна сенга бемор бўб қолдимми, маймоқнинг қизи?! Буюкка бер! — деди бемор ҳамширанинг қўлидан шприц, дори ва бинт солинган патнисчани юлиб олиб. — Ростини айт: менгаям қиласанми дибазолдан, йўқми?

— Буюкка беринг, амаки, дори билан ўйнашиб бўлмайди.

— Бас қиласанми, йўқми, тоқайгача амаки дейсан ҳурматли кишини?!

Бу можарони кузатиб ётган беморларнинг ниҳоят сабр қосаси тўлиб-тошди: шартта ўринларидан туриб Сайрам акани қуршаб

олишди, хонада шовқин-сурон кўтарилди.

Кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳамшира чиқиб врачни бошлаб келди. Сайрам аканинг нигоҳи врачга тушди-ю баттар хезланиб кетди.

— Ҳой, ҳой Сайрам ака! — деди врач. — Қандай безорилик бу?! Буюкка беринг дориларни.

— Бериб бўбман! — Бемор патнисчани бағрига босди. — Олдин менга дибазолдан укол қилдирасан, кейин бераман, билдингми?

— Сизга дибазол тўғри келмайди, хасталигингизнинг тури бошқа.



М. Абдуллаев чизган расм.

— А-а-а?! Иккаланг тил бириктириб олганмисан?

— Одамларни ҳақорат қилганингиз учун қонун олдида жавоб берасиз.

— Бермасам-чи?

— Оёқ-қўлингизни боғлаб бўлса ҳам тортиб оламиз.

— Э-ҳа! Сен ҳам, манави хомсемизлар томонидан экансан-да. Қара, уларнинг афти-ангорига бир боқ.

— Уларнинг ҳаммаси гипертонияга мубтало бўлган кишилар, сиз бўлса неврастения деган касалликка чалингансиз.

— Бас, чўпчагингни катта холангга айт. Биласанми, ман кимман?

— Билганда қандоқ, ака...

— Ҳе, ака деяверма, тўтиқушга ўхшаб! Бири амаки деса, иккинчиси ака дейди! Ана аканг, ана амакининг бири лаҳм гўштдан узатиб туради, ану директор ўғил-қизларингга «олтин медаль» олиб беради. Ҳа, биз ер тагида илон кимирласа пайқаймиз. Қани, буюр ҳамширага: яхшилаб дибазолдан укол қилиб қўйсин.

— Мумкин эмас, дедим-ку, Сайрам ака, бундай қилсақ қонунга хилоф иш тутган бўламиз.

— Қонун! Узинг биласанми, қонун нима эканлигини! Мана, мендан сўра. Умрим бўйи қонунга чўмлавериб томирларимга сингиб кетган бу қонун. Биласанми мен кимман?

— Пажарник бўлганини пеш қилапти, — дея гап қистириди беморлардан бири.

— Оғзинга қараб гапир, суяқчопар! — дея ўшқирди Сайрам ака. — Пажарник эмас, старший охраник! Уқдингми? Уқиммаган! Старший охраник — катта қоровул дегани бу, хизмат қилиб қўйган одаммиз!

— Ҳаммасини биламиз, Сайрам ака, — деди врач, — ҳамхонала-

ЎҒРИЛАР

Ўғрилар ҳам бўларкан ҳар хил: Юлиб кетса бири бахтингни, Яна бири ўғирласа пул, Умарда бири вақтингни.

Туроб НИЕЗОВ

Собик шиналошлар учрашганда



— Ичкиликни ташлаб — бизлардан юз ўгириб топган матоҳинг шу бўпти-да, ха-х-ха!

Қизнинг онаси. Қуёв бола мол доктори экан, шаҳарда нима қилиб юрибди?
Совчи. Қассоб. Дўконда гўшт солади, айланай. Хўп дегверинг, қозонингиз ҳам, чўмичингиз ҳам мой бўлади.



Расмларни Н. Иброҳимов чизган

рингиз ҳам сиздан қолишмайди: бири — хизмат кўрсатган савдо ходими, иккинчиси — халқ маорифи аълочиси. Сиз «суякчопар» деб ҳақорат қилган йигит — қўли гул қасеоб.

— Гапни ҳадеб резинка қилаверма. Қилмайсанми дибазолдан?

— Йўқ.
— Буларга-чи?
— Уларга истасая истамаса қиламиз.

— Менга-чи?
— Йўқ дедимми, вассалом!
— Шунангами?! Мана бўлмаса — менгаяммас, уларгаам! — деганича бемор дори-дармонларни зарда билан ерга урди.

— Нима қилиб қўйдингиз! — деди врач фигони ошиб. — Сиз, қабиҳ одам экансиз.

— Оғзингга қараб сўйла, ҳой тўрткў! Мен сенга кўрсатиб қўяман, кимлигимни! Нега нервний кишининг шахсиятига тега-сан? Мен қонунни сув қилиб ичворганман. Доктор дегани мижозига хушмуомила бўлиши керак.

Врач пешонасини силаганича беморга қаради.

— Биласизми, Сайрам ака, — деди у, — спортчилар ибораси билан айтганда, сиз галаба қозондингиз.

— Епирай, наҳотки! — беморнинг кўзалари қақнаб кетди. — Ҳисоб?

— Ҳозирча биру ноль — сизнинг фойдангизга, — хотиржам деди врач. — Ҳозирча эса шунча уринишлар эвазига ундириб олганингиз дорини укол қиламиз.

— Дибазолдан-а?
— Ҳа, худди ўшандан, — деди-ю, врач кейин ҳамширага кўзини қисиб қўйди. — Равзахон, бу кишига дибазолдан олиб келинг, яхшироғидан бўлсин, — деди.

— Баракалло! — деди Сайрам ака севинчини яширолмай. — Бор экан-ку ҳақиқат! Отангга тортибсан, доктор иним, отангга.

Уям десанг қалби пок, очик кўл одам эди раҳматли.

Врач эшикка қараганича мийи-гида қулиб турар, беморлар эса унинг хар бир ҳаракатини зимдан кузатиб, қаравотларда жим ётишарди.

— Э, бормисан, Пўлатжон укамнинг кизи! — Охори тушмаган дока билан ўралган патнисча кўтариб коридордан кириб келган Равзахонни кўргач хитоб қилди Сайрам ака шитоб билан ўридан турар экан, — биринчи бўли мендан бошлайсан-а қизим?

— Албатта, — деди ҳамшира қиз киноя билан. — Биринчи галда районимиз осмонининг устунларига укол қилмай бўладими.

— Оғзингга бол, шакар қизим, — деди бемор, — раҳмат, отангга тортибсан, юриш туришларинг, шакарғуфторлигинг...

— Қани, ётинг, — деди ҳамшира, — оркага ўгирилсинг.

— Биргина оғиз сўзинг, қизгинам, дибазолми?

— Ҳа, дибазол.
— Энг зўриданми?

...Сайрам акани кимдир мулоийимгина туртиб уйғотмоқчи бўлган пайтда у ажойиб-ғаройиб туш кўраётган эди. Тушида оппоқ кабутарга айланиб, тоғу дарёлар, боғ-роғлар узра парвоз этаётган эмиш.

— Бемор, ҳой бемор, — дейди кимдир худди беланкада тебратётгандек, — туринг.


Кўзини очса, хонада қадрдон дўсти Пўлатжоннинг шадло кўз қизи Равзахондан бўлак кимса қолмабди.

Сайрам ака такрор-такрор эснади.

— Қалай, Сайрам ака, — кизининг кўнгирак овози боғда хонш қилаётган булбулни эслатди. — Яхши ухладингизми?

— Оббо дўстимнинг қизи-ей, айт-чи, нима укол қилувдинг кеча оқшом?

— Дибазол, — деди Равзахон.
— Дибазол дегин? Бор экан-ку, ҳақиқат? Яна асаб дейишадий!



«ФАН» КРОССВОРДИ

1. IX асрда яшаб ижод этган файласуф. 2. «Шарк Арастуси» деб улуғланган аллома. 3. Даслабки ўқув қўлланмасы. 4. Атоқли математик ва механик олим, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 5. Атроф-муҳитни ўрганувчи фан. 6. Тилшунослик соҳаси. 7. Назарий механика бўлими. 8. Тирик организм фаолиятини, тузилишини техникага татбиқ этиш билан шуғулланувчи фан. 9. Муҳокама юртишнинг қону-қоидалари ҳақидаги фан. 10. Енилли аралашмасы сиқилишдан ҳаракатланадиган ички ёнув двигатели ихтирочиси. 11. Ўқув қўлланмасы. 12. Физиканинг жисмлар ҳаракатини ўрганувчи бўлими. 13. Буюк ўзбек астрономи. 14. Математик олим, Ўзбекистонда кибернетика мактабининг асосчиси. 15. Математика фани бўлими. 16. Физик олим, Ватанимизда электрон микроскоп ихтирочилардан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 17. Таникли ўзбек совет шарқшунос олими. 18. Ўзбек совет файласуфи. 19. Атоқли рус ботаник олими. 20. Урта асрнинг буюк алломаси. 21. Улуғ итальян астрономи. 22. Ўзбек совет олими, шоир. 23. Совет кутб тадқиқотчиси, географ олим, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 24. Медицина аппаратини ихтиро қилган физик.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

8-СОНДА БОСИЛГАН ТОПШИРИҚЛИ ЧАИНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Ҳусайни. 2. Ишқом. 3. Маймуножон. 4. Нок. 5. Карам. 6. Мушак. 7. Куз. 8. Зира. 9. Анжир. 10. Ровоч. 11. Чилонжиди. 12. Аччиқдона. 13. Ананас. 14. Саримсоқ. 15. Қовоқ. 16. Қиркма. 17. Апельсин. 18. Нашвати. 19. Исфарак. 20. Кишмиш. 21. Ширинка. 22. Кўксултон. 23. Наъматак. 24. Қандил. 25. Лимон. 26. Нўхот. 27. Тут. 28. Турп. 29. Пархш. 30. Шафтоли.

Цифрограммада: Ризамат Мусамухамедов.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (бош раҳбар), М. МҲИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚҲШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХҲЖАЕВ, К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32

Босмахонага туширилди 22.08.85 й. Босишга рухсат этилди 20.09.85 й. Р—09468. Қоғоз 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобқ 5,6. Нашр тобоғи 7,80. Тиражи 210462. Буюртма 1578. Нашр А-116

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъин қилинган. 700000: Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкент шаҳридаги 76-кўчма механизмлашган колоннанинг илгор қурувчиси, бригадир Баҳриддин Исмоилхўжаев.

В. Мосин фотоси

Иккинчи бет: Андижон область Комсомолобод районидagi «Оқ олтин» совхозининг директори Обиджон Акрамов моҳир механизатор Отахон Парпиев билан машиналар ремонтини кўздан кечирмоқда; Машина билан пахта териш авжнда.

Н. Муҳаммаджонов фотолари

Учинчи бет: Тошкент Тўқимачилик комбинати мастери Сабоҳат Муҳамедова тармоқ ҳунар-техника билим юрти талабалари билан; Ип ишлаб чиқариш бўлими. Ип-йигирив бўлими ишчиси Нурбахор Низомова. Пардозлаш фабрикасининг сифатни текшириш цехи.

В. Дубровский фотолари

Тўртинчи бет: Самарқанд область Пахтачи районидagi «Самарқанд» колхозида қурилган 95 ўрикли «Барчиной» боғчасида болалар учун барча қулайликлар мавжуд. Тарбиячи Уюртош Бурҳонова ўз группасидаги кичкинтойлар билан машғул ўтказмоқда.

А. Жумаев фотоси

Редакцияга келган бир босма тобққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

